ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Т. ЙЎЛДОШЕВ

ТОЖИКИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ МОРФОЛОГИЯСИ

(Феъл)

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

Монографияда Тожикистондаги ўзбек шевалари морфологиясининг феъл туркуми ўзбек адабий тилига ва ўрни билан бошқа ўзбек шеваларига, шунингдек, баъзи туркий тиллар ва уларнинг диалектларига, айрим қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилига қиёсланган ҳолда ёритилган.

Китоб тилшунос-диалектологлар, аспирантлар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ҳамда студентларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
филология фанлари кандидати А. ИШАЕВ

Тақризчилар:
филология фанлари доктори Ш. ШУКУРОВ,
филология фанлари кандидати Ю. ЖУМАНАЗАРОВ

Й $\frac{4602010000-3171}{М355(04)-86}$ 201—86

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1986 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎЗ БОШИ

Иттифоқимизнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида мавжуд бўлган ўзбек шеваларини барча лингвистик аспектлар бўйича тавсиф ва тадқиқ қилиш, уларни қиёсий-тарихий аспектда атрофлича ўрганиш ўзбек тили, хусусан, ўзбек диалектологияси учун жуда қимматли материаллар бериши шубҳасиздир.

Тожикистондаги ўзбек шеваларининг вакиллари асрлар давомида бир-бирлари билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб, бир регионда яшашларига қарамай, қарлуқ ва қипчоқ шевалари ўзига хос специфик хусусиятларни сақлаб қолган. Бироқ бу шеваларнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик хусусиятлари ҳанузга қадар батафсил ўрганилмаган. Тўғри, Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари лексикаси, Жанубий Тожикистондаги ўзбек шевалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган, бир қатор мақолалар эълон қилинган[1]. Лекин ушбу региондаги шеваларнинг морфологияси яхлит тарзда, умумлаштирилган ҳолда ўрганилмаган, таҳлил этилмаган. Биз шуни назарда тутиб Тожикистондаги ўзбек шеваларининг «морфологияси» (аниқроғи «феъл» туркуми)ни монографик планда ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мазкур ишда текшириш объекти бўлган қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларидаги замон категорияси, шахс-сон ва майл категориялари, феъл даражалари ҳамда сифатдош, равишдошларнинг қўлланиши ва семантик хусусиятлари ёритилди. Шунингдек, замон формаларининг қайси бири актив ёки пассив ишлатилиши ва уларнинг сабаблари кўрсатилди. Шунингдек, Тожикистондаги қарлуқ ва қипчоқ тип шевалар ўзбек адабий тилига ва ўрни билан бошқа (хусусан, Фарғона водийсидаги) ўзбек шеваларига, баъзи туркий тиллар

---

[1] Шералиев Э. Лексика узбекских говоров Северо-восточного Таджикистана. АКД. Ташкент, 1974; Юлдашев Т. Узбекские говоры Южного Таджикистана. АКД. Ташкент, 1968.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва уларнинг диалектларига, қадимги туркий ёзма ёдгорликларга қиёс қилинди.

Ўрганилаётган шевалар морфологияси бўйича фактик материаллар Тожикистоннинг ўзбеклар яшайдиган деярли барча район ва қишлоқларидан шахсан кузатиш, магнитофон лентасига ёзиб олиш йўли билан тўпланди. Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари бўйича зарур ўринларда Э. Шералиевнинг илмий ишларидан фойдаланилди.

ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ДИАКРИТИК БЕЛГИЛАР

I

ә — тил олди, лабланмаган, очиқ унли товуш.

ɔ — тил орқа, бир оз ёпиқ, лекин Бухоро группа шеваларидаги [ɔ] унлисидан сифат жиҳатдан фарқ қиладиган унли товуш.

е — тил олди, лабланмаган, бир оз ёпиқ, юқориўрта кўтарилишдаги фонема.

ъ — тил олди [*и*] ва тил орқа [*ы*] унлилари орасидаги ва юқори кўтарилишдаги қарлуқ тип шеваларига хос унли товуш.

и — тил олди, лабланмаган, юқори кўтарилишдаги қипчоқ тип шеваларига хос унли товуш.

ы — тил орқа, лабланмаган туркий [*ы*] унлиси.

ү — тил олди, лабланган, юқори кўтарилишдаги тор унли.

у — қарлуқ тип шеваларда тил олди [*ү*] ва тил орқа [*у*] унлилари ўртасидаги ва юқори кўтарилишдаги лабланган унли, қипчоқ тип шеваларда тил орқа лабланган, бир оз кенг унли.

ө — қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда тил олди, лабланган, юқори-ўрта кўтарилишдаги унли товуш.

о — қарлуқ тип шеваларда айрим ўринларда [*ө*] унлисининг қаттиқ варианти сифатида ишлатилди, қипчоқ тип шеваларда тил орқа, лабланган, қуйи-кенг кўтарилишдаги унли товуш.

дж — тил олди, қоришиқ, портловчи, жарангли ундош товуш.

ң — тил орқа, адабий орфографик *нг* товушидир

Hᶠ — тил орқа, бурунлашган, қаттиқ сонор товуш.

ҳ′ — қарлуқ шеваларида қипчоқ шеваларидаги бўғиз ундоши *ҳ* фонемасидан фарқ қиладиган ҳалқум ундошидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II

: — икки нуқта: унлиларнинг бирламчи ва иккиламчи чўзиқлигини ифодалайди: *къ:р, қъ:з, дъ:з, къ:шъ, қъ:ш, бъ:р* (Жанубий Тожикистондаги қарлуқ шеваларига хос).
> ... дан ... га ўтганликни билдиради.
// тенгликни билдиради: *-йэп//-эп//-йю.*
~ — товушлар мослигини билдиради.
⩾ ва ⩽ айрим унли товушлар тагига қўйилган бу белгилар ўша товуш талаффузида тил орқа ёки тил олди қаторга силжиганликни кўрсатади.
(   ) — (кичик қавс) адабий-орфографик формалар кичик қавсга олинди.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

АДД — докторлик диссертациясининг автореферати.
АКД — кандидатлик диссертациясининг автореферати.
Ад. тил — ҳозирги ўзбек адабий тили.
Анд.— Андижон шеваси.
Андар.— Андарсой шеваси (Ленинобод области).
Бошқ.— бошқирд тили.
Бух.— Бухоро шеваси.
Гагауз — гагауз тили.
Ёқут — ёқут тили.
Ж. қарл.— Жанубий Тожикистондаги қарлуқ шеваси.
Ж. Ш. қарл.— Жанубий ва Шимолий Тожикистондаги қарлуқлар шеваси.
Ж. қипч.— Жанубий Тожикистондаги қипчоқлар шеваси.
Ж. Ш. қипч.— Жанубий ва Шимолий Тожикистондаги қарлуқлар шеваси.
ИСГТЯ — Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч. II. М., 1956.
Канд. дисс.— кандидатлик диссертацияси.
Караим — караим тили.
Лақ.— лақай шеваси.
Манғ.— манғит шеваси.
Наманг.— Наманган шеваси.
Нўғой — нўғой тили.
Поп — Поп шеваси.
Тожик — тожик тили.
Туркм.— туркман тили.
Тува — тува тили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйғур — уйғур тили.
Хакас — хакас тили.
Чуваш — чуваш тили.
Шор — шор тили.
ЎДМ. I, II — Ўзбек диалектологиясидан материаллар I. Тошкент, 1957; II, 1961.
ЎТА — Ўзбек тили ва адабиёти (журнал).
ЎТАМ — Ўзбек тили ва адабиёти масалалари (журнал).
Қарши — Қарши шеваси.
Қипч.— қипчоқ шеваси.
Қирғ.— қирғиз тили.
Қозоқ — қозоқ тили.
Қарл.— қарлуқ шеваси.
Қумиқ — қумиқ тили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

Қарлуқлар Тожикистон республикаси Кўлоб областининг Ленин районида, Қўрғонтепа областининг Куйбишев, Донғора, Даҳанакийик, асосан Ёвон районининг Обимўки ва Норин қишлоқ Советларига қарашли Сариқамиш, Беданаобод, Шўрдара, Парчасой, Кўнчи, Қашқароҳа, Қинғиржар, Қулобод, Бошқайнар, Шўрчи; Ленинобод областининг Панжакент районига қарашли Қизилжар, Майката, Тошминор, Хўжағариб, Чорвоқ, Чинор; Исфара районидаги Офтобрў, Лаккон, Арабқишлоқ, Кўлкент, Хонобод; Конибодом районидаги Хамиржў, Шўрқўрғон, Ниёзбек, Калпаста, Кўчкак, Патар, Равот, Халтақишлоқ, Шоитқораянтоқ, Қўрғонча; Ашт районидаги Боштол, Булоқ, Даҳана, Опон, Равот, Ўзбекоқжар, Ўрмон, Қасам, Қамишқўрғон, Қирққудуқ, Кўлхўжа, Ғожи, Ошоба ҳамда Пролетар районига қарашли Ғўлакандоз, Янгиқишлоқ, Гулхана, Қўрғонча, Хитой; Хўжанд районидаги Исписор, Қатағон; Нав районидаги Андарсой; Ўратепа районидаги Топқоқ, Нижони; Ғончи районидаги Иторчи қишлоқларида истиқомат қиладилар.

Қипчоқ тип шева вакиллари эса Тожикистон ССР Кўлоб областидаги Пархар ва Ленин районларида; Қўрғонтепа областининг Куйбишев, Донғора, Колхозобод, Даҳанакийик ва Ленин районининг Кўктош қишлоқ Советига қарашли Қайнама, Оқбулоқ, Янгиобод, Қоракамар, Чоргултепа, Қизилпахтакор, Карл Маркс, Пасткенгаш, Янгиқўрғон, Аннақулобод, Тошбақа, Қизилсой, Шўрбулоқ, Оқчашма, Тошмачит, Қирма, Чегем, Олабайтал, Галақудуқ, Галахона, Тубек, Кўкбулоқ қишлоқларида, Султонобод қишлоқ Советидаги Бурма, Абдал, Мингботмон, Кўлбулоқ, Абжар, Галабулоқ, Келтош, Чинор, Қизилқамиш, Чукрак, Тошбулоқ, Терсоқар, Чолтош, Жомбулоқ, Бошбулоқ, Чолма, Буруқ, Арпабулоқ қишлоқларида; Ёвон районининг Норин қишлоқ Советига қарашли Қодирберди, Ғаров, Гулисой, Такасакирди, Ўздан, Юқори Шўрча, Пастшўрча,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўсаобод, Олтмишобод, Қораёғоч, Қарсанбулоқ, Кўзқайнар, Бошқайнар, Ўртақайнар, Эшма, Қармишобод, Ғорбулоқ; Ленинобод областининг Панжакент районидаги Саразм, Мўғулон, Қумсой, Тешиктош, Чўбат ва Сужина; Хўжанд районидаги Уяс; Ашт районидаги Қирққудуқ, Ғожи; Нав районидаги Ҳаштияк; Ўратепа районидаги Шаҳристон қишлоқ Советига қарашли Қайирма, Қарапчи, Кемқўл қишлоқларида истиқомат қиладилар.

Қарлуқлар хитой манбаларида гелу; араб, тожик, форс манбаларида эса харлуқ, харлуж номлари билан маълум[1]. Улар VIII асрда (аниқроғи 766 йилда) Олтойдан Еттисувга ҳамда Амударёнинг юқори оқимидаги ерларга келиб ўрнашганлар[2].

Амударёнинг юқори оқимидаги ерлар тарихан Тохаристон (ҳозирги Жанубий Тожикистон) территорияси эканлиги ҳамда қарлуқларнинг Сурхоб-Вахш дарёлари ва Шимолий Афғонистон территориясигача борганликлари ҳақида маълумотлар бор. Б. Х. Кармышева, И. П. Магидович, М. Е. Массон, Н. Г. Маллицкийлар ҳозирги Тожикистондаги қарлуқларни VII—VIII асрларда туркий қабилалар билан бирга Тохаристон қарлуқларининг қолдиғи деб ҳисоблайдилар[3]. Хуллас, қарлуқлар VIII асрлардаёқ Мовароуннаҳрдаги бошқа туркий қабилалар орасида алоҳида ўрин тутганлар. Шу сабабли проф. В. В. Решетов қарлуқлар тарих саҳнасига чиққандан (VIII асрдан) бошлаб чигиллар, кейинчалик эса уйғурлар билан иттифоқ бўлиб, мамлакатнинг тарихий тақдирида етакчи роль ўйнаганлигини, X—XII асрларда эса[4] улар чигил ва уйғур қабилалари билан биргаликда Қорахонийлар давлатининг асосий кучини ташкил этишда ҳал қилувчи қабилалардан бири бўлиб қолганлигини, бу эса, ўз навбатида, қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлигининг мавжуд бўлишига олиб келганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган[5].

---

[1] Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964, с. 5, 7, 8.

[2] Бартольд В. В. II. Ч. I. М., 1963, с. 36.

[3] Кармышева Б. Х. Жилище узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана. Известия Академии наук Таджикской ССР. ООН. Вып. 10—11. Душанбе, 1956, с. 13—21; Магидович И. П. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Ташкент, 1926, с. 21; Маллицкий Н. Г. Учебное пособие по географии Таджикистана. Ташкент-Самарканд, 1929, с. 61.

[4] *Қаранг:* Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I. Тошкент, 1960, 439-бет.

[5] Решетов В. В. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси.— ЎТАМ, 1960, 5-сон, 37—38-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қипчоқ қабилаларидан лақайлар Дашти қипчоқдаги кўчманчи қабилалар составида бўлиб, улар XVI асрда ўзбек қабилалари билан биргаликда Амударёнинг юқори томонига келиб қолганлар. Г. Г. Хитенков лақайлар кўпчилик ўзбек қабилалари каби турк-мўғул қабила ва уруғларининг аралашишидан ташкил топганини кўрсатади[6].

Шунингдек, Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги даврида... жалойирлар Хўжандда ўрнашганлар[7]. Хўжандда тожиклар билан туркий аҳоли — қурамаликлар ҳам бўлган ва улар шаҳарнинг Бешқалъа, Сарितепа, Жарқишлоқ маҳалларида яшаганлар[8]. Хўжанд регионида Марғилон ва Қўқондан келган ўзбеклар ҳам бўлган. Хуллас, қипчоқлар Олтойдан тортиб Қрим ва Дунайгача бўлган кенг территорияда нўғой, қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбек халқларини ташкил этган қабилалар билан бирга яшаб, улар билан қўшилиб кетганлар.

Қарлуқ группа шеваларининг вакиллари ўзларининг қайси уруғга мансуб эканликларини аниқ билмайдилар. Улардан фақат айрим кексаларгина қарлуқлар, асосан, кожбой, аваз, кокил уруғларидан иборат бўлганини, булар эса, ўз навбатида, партовқул, қўзиганман, чаппа, кўчим, содир, дарға, очилди, авлоди хайир каби майда гуруҳлардан ташкил топганини айтадилар.

Қипчоқлар эса ўз уруғ номларини яхши биладилар. Булар қуйидагилардир: сартжуз, бешкал, керейт, жалойир, бетжуз, тўғизчелак, қипчоқ, жуз, қорақалпоқ, боёвут, қорасийроқ, уйшин, тўпори, саримсоқли, япалоқ, кўчар, бегимбет, кўкчакўз, болғали, жопин, чагир, марази, бўгач. Шунингдек қипчоқ-лақайлар ҳам ўз уруғларини яхши эслайдилар. Булар дастлаб иккига ажралади: Ҳисор ва Болжуан (ёки Кўлоб) лақайлари[9]. Ҳисор лақайлари Эсонхўжа, Бадрақли ва Курдеки уруғларидан иборат. Оқсари, ўтарчи, ўздан, туячи, қул-

---

[6] Хитенков Г. Г. Локайская лошадь. В сб.: Конские породы Средней Азии. М., 1937, с. 220.

[7] Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М., 1972, с. 25.

[8] Турсунов Н. Из истории городского ремесла Северного Таджикистана (ткацкие промыслы Ходжекента и его пригородов в конце XIX вв., начала XX в.). Канд. дисс. Душанбе-Ленинабад, 1969, с. 88.

[9] Лақайларга хос уруғ номлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун *қаранг:* Кармышева Б. Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад, 1954, с. 18—22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бачча, мирзагул, олтмиш, малиш, кунту, қулумбай, норин ва бошқалар Эсонхўжага мансуб уруғлардир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, қарлуқлар уруғ-қабилаларга ажралмагани учун уларнинг шеваси ҳам деярли бир хил, яхлит бир лингвистик хусусиятларга эга.

Қипчоқларда уруғ-қабилаларга бўлиниш бирмунча сақланган, бироқ буларда ҳам уруғ-қабила деб номланган жойлардаги ўзбеклар алоҳида, ўзига хос шеваларни ташкил этмайди. Бу жиҳатдан, фикримизча, фақат лақайларга хос лингвистик хусусиятларни ҳисобга олиб, уларни алоҳида шева тарзида қараш мумкин. Шунга кўра биз мазкур ишда қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаларига оид шеваларни, муҳим морфологик белгиларга эга бўлмаган ўринларда, қарлуқ ва қипчоқ шевалари деб умумлаштирилган ҳолда қайд қилдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФЕЪЛ

Ўзбек адабий тилидагидек биз текшираётган қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда ҳам феъл энг мураккаб сўз туркумларидан бири саналади.

Феъл сўз туркумининг қўлланиши ва маъноси текширилаётган шеваларда адабий тилдагига бир қадар ўхшаса ҳам, айрим хусусиятлари жиҳатдан фарқ қилади. Бу жиҳатдан феълнинг грамматик категориялари (замон, майл ва даража категориялари) ҳамда сифатдош ва равишдошларнинг шева вакиллари нутқида қўлланиши айниқса характерлидир.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида феълнинг грамматик категориялари ички бўлинишга кўра турли хил терминлар билан номланиб келинмоқда. А. Ғуломов, А. Ҳожиев, Ш. Шукуров ва бошқа тилшунос олимларнинг феъл туркумига оид ишларини таққослаганимизда бу нарса аниқ сезилади. Масалан, ўтган замон феъли морфологик белгиларининг ҳар хиллиги ва маънодаги фарқларига қараб ўзбек тилшунослари томонидан турлича тасниф этилган: А. Ғуломов, С. Усмонов, Ж. Жўраевалар ўтган замон феълини олти турга; А. Н. Кононов, С. Н. Иванов беш турга; В. В. Решетов, У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаевлар эса 4 турга ажратадилар. А. Ҳожиев ушбу феълнинг тўққизта формаси ҳақида фикр юритса, Ш. Шукуров эски ўзбек тилида ўтган замон формалари тузилишига кўра содда ва мураккаб (аналитик) формаларга эга бўлган деб кўрсатади. Демак, мавжуд манбаларда мазкур феъл формалари бўйича ҳанузга қадар қатъий бир фикрга келинмаган[1].

[1] *Қаранг:* Ғуломов А. Феъл. Тошкент, 1954; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966, 143-бет; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 222; Иванов С. Н. Родословное древотюрок. Абул-Газихана, Ташкент, 1969, с. 141—149; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1961, с. 141—152; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу сабабли биз текширилаётган шевалардаги феъл туркумини баён этиш жараёнида ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун Ўзбекистон ССР Маориф Министрлиги томонидан тасдиқланган ва ҳозирда амал қилинаётган дарслик ва қўлланмалардаги терминларни ишлатдик.

ФЕЪЛНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ. ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда феълнинг замон категорияси ўзига хос айрим характерли хусусиятларга эгаки, бу хусусиятлар айниқса феъл замонларининг қўлланиши ва маъносида кўзга яққол ташланади.

ЎТГАН ЗАМОН ФОРМАЛАРИ

-дъ аффикси ёрдамида ясалувчи форма. Қарлуқ тип шеваларда ўтган замон феълининг бу формаси маъноси ва қўлланиши жиҳатидан ўзбек адабий тили ва бошқа ўзбек шеваларига ўхшаса ҳам, бироқ ўзига хос айрим хусусиятларга эга.

Бу форма туркий ёзма ёдгорликларда *-дї, -дi, -ду, -дӳ (-тї, -тi, -ту, -тӳ)*[2] аффикслари ёрдами билан ясалганидек, қарлуқ тип шеваларда ҳам *-дъ, -тъ, -ду, -ту* формалари орқали ясалади: *бэрдум, бөддъм, къддъ, өттум, эйттъм* каби. Қиёсланг: Наманг.: *бэддъм, бэддънг, бэддъ*[3].

Шуниси характерлики, ўтган замон феълининг *-дъ* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси Тожикистоннинг жанубида жойлашган қарлуқлар, шунингдек, Ленинобод областининг Ашт районидаги Ошоба; Хўжанд районидаги Исписор; Пролетар районидаги Ғўлакандоз қарлуқлари нутқида фонетик жиҳатдан адабий тилдагидан бирмунча фарқ қилади. Жанубий Тожикистон қарлуқ шевасида, айрим ҳолларда, феъл ўзакларига шахс-сон қўшимчаси қўшилса, *-лд>-лл (элдим>эллум)* тарзида тўлиқ ассимилятив ҳолат юз беради. Би-

---

77-бет; Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973, 131—155-бетлар; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 21—24-бетлар.

[2] Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М.—Л., 1961, с. 148.

[3] Алиев А. Ю. Уйчи шеваси, ЎДМ. II. Тошкент, 1961, 366-бет; Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари. Тошкент, 1977, 107-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқ Ленинобод регионидаги айрим қишлоқлар шевасида бу аффикс *-дъ//-тъ, -ду//-ту* формаларида қўлланади. Масалан:

Ошоба

I ш. *көрдүм, эллүм*	*көрдук, эллуг*
II ш. *көрдъң, эллүң*	*көрдъңъзс, эллуңнә*
III ш. *көрдъ, эл(лү//-лъ)*	*көръштъ, эллъ//-эллу*

Ғўлакандоз

I. ш. *өқъдум*	*өқъду:г*
II ш. *өқъдъң*	*өқъдъ:нә//өқъдъ:з*
III ш. *өқъдъ*	*өқъдълә*

Қиёсланг: Шаҳрисабз, Наманг.[4]

I ш. *кэддум, көддум*	*көддук//-көдду*
II ш. *кэддиң, көддуң*	*көддъзс//-көддийлә, көдду:нә//-көддунггъз*
III ш. *кэдде, көдду//-көддъ*	*көддълә, көддулә//-көрушту*

Тошк.: *кўрдъйъз, кўрдъ:з, кўрдъйлә*[5]; Қўқ.: *бэрдъ:з, бэрдънгъз*[6] каби. Демак, тадқиқ этилаётган шевалардаги бу феъл формаси сўзловчи учун аниқ бўлган ҳаракатнинг амалга оширилганлигини англатади. Шунингдек, бу феъл формасининг I, II, III шахс бирлиги ва кўплиги тусланиш жиҳатдан ўзаро ва қиёсланаётган шевалар билан умумийликка эга бўлса ҳам, улардан фарқ қиладиган баъзи хусусиятлари ҳам мавжуд. Масалан, Ошоба шеваси Қўқон шевасига, Жанубий Тожикистондаги қарлуқлар шеваси билан Ленинобод областининг Ғўлакандоз шеваси эса Наманган шевасига бирмунча яқиндир. Бироқ Ошобада II шахс кўплиги *-дъңъз;* Қўқонда *-дънгъз//-дъ:з;* қарлуқ шевасида *-луңнә;* Ғўлакандозда *-дъ:нә//-дъ:з;* Наманган шевасида *-ду:нә//-дунггъз;* Шаҳрисабзда *-дъзс//-дийлә;* Тошкент шевасида *-дъйъз//-дъ:з//-дъйлә* тарзида ифодаланади. Шуни ҳам айтиш ўринлики, ўтган замон феълининг текширилаётган шевалардаги каби, шунингдек,

---

[4] Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка (фонетико-морфологический очерк). Ташкент, 1964, с. 144; Алиев А. Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка. АДД. Ташкент, 1975, с. 77.

[5] Гулямов Я. Г. Грамматика Ташкентского говора. Ташкент, 1968, с. 112.

[6] Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси. Тошкент, 1980, 120-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIX аср ўзбек тилида[7] ҳамда ўзбек тилининг Самарқанд ва Ургут шеваларида[8] ўтган замон формасининг *-ду, -дў, -ту, -тў* тарзида учраши уларнинг тарихан бир территорияда яшаганлиги, иқтисодий, маданий, хусусан, тарихий этник алоқалари кучли бўлганлиги билан изоҳланади.

Жанубий Тожикистон ва Ленинобод областининг Ошоба, Ғўлакандоз қарлуқлари шевасида *-дъ* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формаси феъл ўзакларига *-мә//-мэ* аффиксли шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади:

I ш. *сэмэдум*	*сэмэдук//-сомэдуг* (солмадик)
II ш. *сэмюдуң*	*сэмэдъңъз//-сэмюдуңнә*
III ш. *сэмэду*	*сэмэдулә//-сэмэду*

Андарсой, Қатағон қишлоқлари шевасида мазкур феъл шакли феълнинг *-дъ//-тъ* аффиксли формасига (II шахс) *-ләръң* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бироқ Уйчи шевасидагидек Қатағон шевасида ҳам охири *-р* ундоши билан тугаган феъл ўзакларига шахс-сон қўшимчаси қўшилса, *-рд>дд* тарзида тўлиқ ассимилятив ҳолат содир бўлади:

Андарсой

I ш. *бэрдъм, тъктъм*	*бэрдък, тъктък* (экдик)
II ш. *бэрдъң, тъктъң*	*бэрдъләръң, тъктъләръң*
III ш. *бэрдъ, тъктъ*	*бэрдъләр, тъктъләр*

Қиёсланг: Қатағон

I ш. *туддъм*	*туддък* (турдик)
II ш. *туддъң*	*туддъңләр//-туддъләръң*
III ш. *туддъ*	*туддълә*

Қиёсланг: Уйчи[9]

I ш. *мән кәпәйә бэддъм*	*бъс бэддък//-бэддук* (бордик)
II ш. *сен кәпәйә бэддъң*	*сълә бэддънә*
III ш. *у кәпәйә бюддъ*	*улә бэддъ* (боръштъ)

---

[7] Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. Тошкент, 1977, 118-бет.

[8] Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари. Тошкент, 1977, 107-бет.

[9] Алиев А. Ю. Уйчи шеваси. ЎДМ. II. Тошкент, 1961, 366-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тусланиш парадигмаси кўрсатадики, Андарсой, Қатағон қишлоқлари шевасида *-дъ* аффикси билан ясалувчи ўтган замон феъли бир-биридан фонетик жиҳатдангина фарқ қилса, Қатағон шевасидаги феъл тусланиши ассимилятив жиҳатдан Уйчи шевасига бир қадар ўхшайди. Бироқ Андарсой, Қатағон шеваларида II шахс кўплиги *-ләр+ъң,* Наманг.: *-нә,* Қўқ.: *-ләръң*// *-дъ:з,* Тошк.: *-дъйлә//-дъ:з//-дъйъз*[10] тарзида ифодаланиши жиҳатдан озми-кўпми фарқ қилади. Андарсой ва Қатағон қишлоғи қарлуқлари шевасида кўплик ва ҳурмат маънолари учун ҳам *-ләръң* формаси ишлатилади. Бироқ Қўқон ва Тошкент шеваларида II шахс кўплик кўрсаткичи кўплик ва «сенлаш» маъносида ишлатилади.

Қипчоқ тип шеваларда адабий тилдаги *-ди* аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъли феъл ўзакларига *-дым//-дим//-дың -диң//-ды//-ди; -дық//-дик//-дыңыз//-диңиз//-ды//-ди* қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади.

Ш. қипч.

I ш.	*бэрдым, сүйдим* (севдим)	*бэрдық, сүйдик*
II ш.	*бэрдың, сүйдиң*	*бэрдыңыз, сүйдиңиз*
III ш.	*бэрды, сүйди*	*бэрды, сүйди*

Қиёсланг: Қурама[11]

I ш.	*бэрдым*	*бэрдық*
II ш.	*бэрдың*	*бэрдыңыз*
III ш.	*бэрды*	*бэрдылар*

Бу шеваларда жарангсиз ундош билан тугаган феъл ўзакларига *-тым//-тим//-тың//-тиң//-ты//-ти; -тық// -тик//-тыңыз//-тиңиз//-ты//-ти* аффикслари қўшилади.

I ш.	*сэттым, чәчтим*	*сэттық, чәчтик*
II щ.	*сэттың, чәчтиң*	*сэттыңызс, чәчтиңиз*
III ш.	*сэтты, чәчти*	*сэтты, чәчти* (сочди)

---

[10] А л и е в А. Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент, 1974, 137-бет; Н о с и р о в Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 120-бет; Г у л я м о в Я. Г. Грамматика Ташкентского говора, с. 112.

[11] Р е ш е т о в В. В. Кураминские говоры Ташкентской области (Фонетическая и морфологическая система). АДД. Ташкент, 1952, с. 11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг: Беруний-Манғит шевасида[12]

I ш. *саттым*	*саттық*
II ш. *саттың*	*саттыңыс//-лар*
III ш. *сатты*	*саттылар*

Демак, тадқиқ этилаётган қипчоқ тип шевалар ўзбек тилининг Қурама, Беруний, Манғит, Қирқ, Бахмал ва Намангандаги қипчоқ шевалари билан умумийликка эга, бироқ Қирқ, Бахмал шеваларида қўлланадиган ўтган замон феълининг *-дум//-дуң//-ду; -дуқ//-дуңуз// -дулэр*[13] сингари лабланган вариантлари йўқ.

-гэн аффикси ёрдамида ясалувчи форма. Тожикистондаги қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида *-гэн* аффикси билан ясалган ўтган замон феъли ифодалаган маъноси ва қўлланишига кўра ўзбек адабий тилидан ҳамда бошқа ўзбек шеваларидан бир қадар фарқ қилади.

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида бу феъл **-гэн// -ген:** *өқъгэн, йэзгэн, кеген;* **-қан//-қэн//-ған//-кэн//-кен:** *туққан, сэққан, бэрған, чушкэн, кеткэн* формаларида ишлатилади. Бўлишсиз шакли эса *-мэ//-ма//-ме* аффикслари ёрдамида ҳосил бўлади: *кемэгэн, кемеген, қэмагэн, қэмаған* (қолмаган) каби.

Ж. Ш. қарл.

I ш. *бэргэммэн*	*бэргэнвуз* (борганмиз)
II ш. *бэргэнсэн*	*бэргэнсъллэ//-бэргэнсълэ*
III ш. *бэргэн*	*бэргэнлэ*

Қиёсланг: Тошкент[14]

I ш. *бэргэммэн*	*бэргэнвуз//-бэргэнвузэ*
II ш. *бэргэнсэн*	*бэргэнсълэ*
III ш. *бэргэн*	*бэръшкэн*

Қипчоқ тип шеваларда эса бу феъл формаси қуйидагича тусланади:

---

[12] Урозов Э. Ю. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1978, 43-бет.

[13] Мирсоатов М. З. Ўзбек тилининг қирқ шеваси. УДМ, I, 1957, 245-бет; Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси. УДМ, I, 1957, 337-бет; Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. Ташкент, 1975, с. 162.

[14] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 165-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж. Ш. қипч.

I ш. *эғамман, тиккем-мән*	*эғаммыз, тиккеммис*
II ш. *эғансан, тиккен-сән*	*эғансыз, тиккенсис*
III ш. *эған, тиккен*	*эғән, тиккен//-эғанлар, тиккенләр*

Қиёсланг: Манғит

I ш. *ағамман, тиккән-мән*	*ағаммыз, тикәммиз*
II ш. *ағансан, тиккән-сән*	*ағансыз, тиккәнсиләр*
III ш. *аған, тиккән*	*аған//-ағаллар, тиккән// -тиккәлләр*

Кўринадики, қарлуқ тип шеваларда мазкур феъл формасининг тусланиши Тошкент шевасига бир қадар яқин турса-да, III шахс кўплик қарлуқ шевасида *-лә,* Тошкент шевасида *-ъш* аффикси билан ифодаланиши жиҳатдан фарқ қилади. Қипчоқ тип шеваларда эса ўтган замон феълининг бу тури тусланиш жиҳатдан ўзбек тилининг қипчоқ шеваларидагидек. Бироқ бу феълнинг III шахс кўплиги Жанубий Тожикистон қипчоқ шеваларида *-лар//-ләр//-лер* формасида. Ленинобод регионида эса қипчоқ шевалари бирликда қўлланиши жиҳатдан ҳам фарқ қилади. *-гән* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формаси ҳар иккала тип шеваларда уч хил йўл билан ҳосил бўлади:

1. Феъл ўзагига *-ма//-мә//-ме+-гән* ҳамда шахс-сон аффиксларини қўшиш орқали:

Ж. Ш. қарл.	Ж. Ш. қипч.
I ш. *эмәгәммән, эмә-гәнбъз*	*күймегәммән, күймегәм-мис*
II ш. *эмәгәнсән, эмә-гәнсълә*	*күймегәнсән, күймегәнсис*
III ш. *эмәгән, эмәгән*	*күймегән, күймегән*

2. *Эмас* инкор феъли: феъл ўзаги *-гән, -мәс* (эмас) + шахс-сон аффикслари орқали:

Ж. Ш. қарл.

I ш. *сэгәммәсмән*	*сэгәммәсбъз, сэгәммәс-мъз* (солган эмасмиз)
II ш. *сэгәммәссән*	*сэгәммәссълә*
III ш. *сэгәммәс*	*сэгәммәсләр, сэгәммәслә*

2—43

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж. Ш. қипч.

I ш. *джиргеммесмән*	*джиргеммесмис* (юрган эмасмиз)
II ш. *джиргеммессән*	*джиргеммессис*
III ш. *джиргеммес*	*джиргеммес, джиргеммеслер*

3. Қарлуқ группа шеваларида *-йэғ* (йўқ), қипчоқ группа шеваларида *-джоқ* модал сўзи орқали ҳосил бўлади. Қарлуқ тип: *мен//мән бэргәнъм йэғ, бъз бэргәнъмъз йэғ, у боргәнъ йэғ.* III шахс кўплиги учун ҳам бирлик формаси ишлатилади. Қипчоқ тип: *мен барғаным джоқ, сен барғаның джоқ, вол барғаны джоқ, быз барғанымыз джоқ, сыз барғаныңыз джоқ, улә барғани джоқ.*

-дъ//-ти аффиксли ўтган замон феъли билан *-гән* аффиксли ўтган замон феъли англатган маъноларига кўра бир-биридан фарқ қилади: *джүтти, джүтқазған* каби.

Шуниси характерлики, Ленинобод регионидаги Шўрқўрғон, Офтобрў қишлоқлари аҳолиси нутқида *-гән* аффиксли ўтган замон формасининг тусланмаслик ва тусланувчан ҳолатлари учрайди, бироқ тусланмаслик ҳолати шева вакиллари нутқида актив қўлланиши билан характерлидир.

I ш. *мән бэргән*	*бъз бэргән*
II ш. *сән бэргән*	*съз бэргән*
III ш. *у бэргән*	*улә бэргән*
мән бэргәммән	*бъз бэргәмбъз*
сән бэргәнсән	*съз бэргәнсъз*
у бэргән	*улә бэргәннәр, бэръшкән*

Бу хил феъл формалари шу регионнинг Ғўлакандоз қишлоғи шевасида кўпликда, Қўрғончада эса бирлик ва кўпликда тусланмайди.

Ғўлакандоз	Қўрғонча
I ш. *бъз//бъзә йиуръгән*	*мен//бъзә өқъгән* (ўқиганмиз)
II ш. *съләә//съллә йиуръгән*	*мен//сълә өқъгән*
III ш. *улә йиуръгән*	*у//улә өқъгән*

Бундай феъл формасининг тусланмаслик ҳолатини С. Аширбоев ҳам қайд этган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

I ш. *ман ўқуб* *биз ўқуб*
II ш. *сан ўқуб* *сиз ўқуб*
III ш. *ул ўқуб* *улар ўқуб*[15]

Қиёсланг: Наманг.: *мән//бъз бәргән, сән//съз бәргән, у//улә бәргән*[16]. Қадимги турк тилида: *мән йа қурдуқ; биз йа қурдуқ, ол кәлдук, олар әвгә кирдук*[17]; сариқ уйғур ва салар тилларида ҳам тусловчи қўшимчалар йўқ. Масалан: *мән пїлтї* — мен билган; *сән пїлтї* — сен билган; *ол пїлтї* — у билган; *мен алған, гол(у) алған; мистер* (биз) *алған, силар(сиз) алған, голар* (улар) *алған*[18]. Бундай ҳолат татар, чуваш тилларида ҳам мавжуд. Ҳатто мўғул тилларига оид халха-мўғул тилида ҳам мазкур феъл формаси бирлик ва кўпликда тусланмайди, бу феъл олдидан кишилик олмошларини келтириш билан ҳосил қилинади[19]:

I ш. *би явав* — *мен борган* *бид явав* — *биз борган*
II ш. *чи явав* — *сен борган* *та явав* — *сиз борган*
III ш. *тэр явав* — *у борган* *тэд явав* — *улар борган*

Демак, тадқиқ этилаётган шеваларда ҳам, айрим туркий тилларда ҳам, баъзи мўғул тилларида ҳам *-гән* аффиксли ўтган замон феълининг тусловчи қўшимчаларсиз қўлланиши учрайди. Бу ҳолатни Ғ. Абдураҳмонов, Ш. Шукуровлар «... ўтган замон феълининг *-ды//-ди//-ты//-ти* аффиксли формаси *-дўқ//-дук//-туқ//-тук* аффиксли сифатдошдан ривожланган бўлиб, бу формада шахс-сон маънолари дастлабки кишилик олмош-

---

[15] Аширбоев С. А. Мулла Муҳаммадамин ибн Муҳаммад Каримхожанинг «Туркча қоида» асарида феъл формаларининг изоҳланиши. Ўзбек тилининг грамматик қурилиши. Илмий асарлар тўплами. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти. Тошкент, 1980, 4—5-бетлар.

[16] Алиев А. Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка. АДД. Ташкент, 1975, с. 77—78.

[17] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. II том, Тошкент, 1961, 64—65-бетлар.

[18] Малов С. Е. Язык желтых уйгуров (Словарь и грамматика). Алма-Ата, 1957, с. 6; Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Глагол). Л., 1981, с. 23; Баскаков Н. А. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркскэй группы ИСГТЯ. II. Морфология. М., 1956, с. 267; Серебренников Б. А. Заключительное слово. Вопросы методов изучения истории тюркских языков. Ашхабад, 1961, с. 211.

[19] Тодаева Б. Х. Грамматика современного монгольского языка (Фонетика и морфология). М., 1951, с. 110.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари орқали ифодаланган»[20]лиги билан изоҳлайдилар. Б. А. Серебренников айрим татар шеваларидаги шахс қўшимчасиз қўлланадиган ўтган замон *-ган* формасини чуваш тилининг таъсирида вужудга келган деса[21], А. М. Шчербак мўғул тилларида эса сариқ уйғурлар тилининг алоқаси туфайли содир бўлган, чунки яқин вақтларгача мўғул тилларидаги феъл формаларида шахс ва сон кўрсаткичлари бўлиши шарт эмас эди,— деб қайд этган[22]. И. Қўчқортоев тўғри қайд этганидек, «...нутқ процессида ўзаро бирикувчи луғавий бирликларнинг формал (морфологик) мослашувини ифодаловчи кўрсаткичлар... тилда мавжуд бўлиши ҳам мумкин, мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин»[23]. Текширилаётган шеваларда бу феъл шаклининг тусловчи аффиксларсиз ишлатилиши юқорида айтилган фикрларни тўла қувватлайди.

Ленинобод областидаги Ошоба, Ниёзбек қишлоқлари аҳолиси нутқида учрайдиган ўтган замон феълининг бу тури Тошкент ва унинг атрофидаги ҳамда Оҳангарон райони территориясидаги Қорахитой шеваларидаги каби тусланишга эга:

I ш. *мəн кегəммəн*	*бъз кегəмбъз* (келганмиз)
II ш. *сəн кегəнсəн*	*съз//сълəр кегəн (съз//-сълəр)*
III ш. *у кегəн*	*улə кегəнлəр, кегəнлə*

Чоғиштиринг. Қорахитой: *көргəнбъз, көргəнсъз/ көргəнсълə, көргəн; Тошк.: корғəмбъз//-коргəммъз/ коргəмбъзə*[24].

Қиёслардан кўринадики, Шўрқўрғон, Ниёзбек, Патар қишлоқлари аҳолиси нутқида *-гəн* аффиксли ўтган замон феълининг тусланиши Қорахитой ва Тошкент шеваларидагидан кескин фарқ қилмайди. Фақат I шахс кўплиги Тошкент ва Қорахитой шеваларида *-мъз//-бъз/ -бъзə//-вуз//-вуза* формаларида параллел равишда ишлатилса, тадқиқ этилаётган шеваларда эса эски ўзбек

[20] Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Морфология ва синтаксис. Тошкент, 1973. 136-бет.

[21] Серебренников Б. А. Ўша асар, 211-бет.

[22] Щчербак А. М. Уша асар, 23-бет.

[23] Қўчқортоев И. Валентлик ва семантик мослашув. Ўзбек тилшунослиги ва стилистикаси масалалари. ТошДУ илмий асарлари. Тошкент, 1980, 20-бет.

[24] Гулямов Я. Г. Грамматика Ташкентского говора, с. 118: Тошкент области ўзбек шевалари, Тошкент, 1976, 59-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилидаги каби *-бъз* шаклида ишлатилади. Мазкур феълнинг бўлишсиз шакли *кемәгәмбъз, кемәгәнсъз//-кемәгәнсълә, кемәгән, кемәгәнләр//-кемәгәнлә* каби кўринишларга эга.

Ленинобод областининг Ўратепа районидаги Топқоқ қишлоғи аҳолиси нутқида ўтган замон феълининг *-гән* формаси қуйидагича тусланади:

I ш. *ме бэргәммә*	*бъз бэргәмбъз* (борганмиз)
II ш. *се бэргәнсә*	*сълә бэргәнсълә*
III ш. *у бэргән*	*улә бэргәнлә//-бэргән*
I ш. *ме бэрмәгәммә*	*бъз бэрмәгәнбъз*
II ш. *се бэрмәгәнсә*	*сълә бэрмәгәнсълә*
III ш. *у бэрмәгән*	*улә бэрмәгән//улә бэръшмәгән*

Қиёсланг: Чимкент области ўғуз шеваларида[25]:

I ш. *мән барғамма, кегәммә*	*бизәр//бизлә барғаммыс, кегәммис*
II ш. *сән барғанса, кегәнсә*	*сизлә//силәр барғансылар, кегәнсиләр*
III ш. *у барған, кегән*	*улар//улалар барғаннар, кегәннәр*

Ф. Абдуллаев Қозоғистондаги ўғуз шеваларида (I—II шахс бирликда) қўшимча охирида «н» ундоши, одатда тушиб қолади *(келәмә, барама)* деб кўрсатса, А. Ю. Алиев Наманган группа шеваларида ҳам ҳозирги-келаси замон феълининг тусланишида шахс-сон қўшимчасидаги «н» товуши (олдинги унли чўзиқ талаффуз қилинганлиги сабабли) тушиб қолади деб қайд этади: *бэрәмә:, бэрәсә:, бэрәдъ//бэрәде; ъшлә:йсе, ъшлә:йдъ*[26]. Ҳ. Неъматов XI—XII аср ёзма ёдгорликлари тилида *мән, сән* олмошлари шахс-сон кўрсаткичлари вазифасида келганда, *ме, се* шаклларида *қачумасмә* (қочолмасман), *көзумсә* (кўзимсан) тарзида ишлатилган бўлса керак деб ҳисоблайди[27].

---

[25] Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Тошкент, 1978, 91—92, 95-бетлар.

[26] Алиев А. Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка. АДД. Ташкент, 1975, с. 76; Шарипов О. Ўзбек тили Поп шевасининг морфологияси. Андижанский Государственный педагогический институт. Ученые записки. Филологическая серия. Андижан, 1957, с. 142.

[27] Неъматов Ҳ. XI—XII аср ёзма ёдгорликларида олмошлар. ЎТА, 1979, 1-сон, 28-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнингча, гап шахс-сон аффиксидаги «н» товушининг тушиб қолиши ҳақида эмас, балки кишилик олмошларининг қандай шаклда қўлланишида. Маълумки, қадимги туркий тилда шахс-сон маънолари кишилик олмошлари орқали ифодаланган. Туркологларнинг аксарияти *мен, сен* кишилик олмошлари тарихан *би, бе, ме:, се, си* тарзида қўлланган деб айтсалар, айримлари *мен, сен* олмошлари таркибидаги «н» бирликни кўрсатувчи аффиксдир, дейдилар, бошқа бирлари *мен, сен* олмошлари таркибидаги «н» ундошини эгалик аффикси деб қарайдилар[28]. А. Ишаев кишилик олмошларининг тарихи ҳақида гапириб, у ҳозирги адабий тилимиздаги *мен, сен* олмошларининг архитепти *-ми, -си* тарзида бўлганлигини мўғул, тунгус-манжур, картвиль, финугор ва ҳинд тиллари материаллари асосида кўрсатган[29]. Ҳақиқатан ҳам *мен, сен* олмошлари тарихан *би//бе, си//се* тарзида қўлланганлигини тадқиқ этилаётган шева материаллари ҳам тўла тасдиқлайди. Кишилик олмошларининг *ме, се* шаклларида ишлатилиши шахс-сон аффиксларида ҳам шу форма қўлланганлигини кўрсатади.

Тожикистон ССРнинг Ленинобод регионн қишлоқлари аҳолиси нутқида *-гән* аффиксли ўтган замон феълининг қўлланиши ўз специфик хусусиятларига кўра бошқа ўзбек шеваларидан фарқланади.

Ленинобод областининг Шўрқўрғон, Офтобрў, Ғўлакандоз, Қўрғонча қишлоқлари аҳолиси нутқида бу замон формасининг *мен, сен, у бэргән; бъз, съз, улә бэрган* каби тусланмаслик ҳолати мавжуд бўлиб, буни қадимги туркий тиллардан қолган хусусият деб қараш мақсадга мувофиқдир. Шу регионнинг Ўратепа районидаги Топқоқ қишлоғи шевасида *-гән* аффиксли ўтган замон феълининг кишилик олмошлари билан *ме бэргәммә, се бэргәнсә, у бэргән* тарзида қўлланилиши характерлидир.

---

[28] Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951, с. 52; Баскаков Н. А. О соотношении значений личных и указательных местоимений в тюркских языках. Доклады и сообщения института языкознания, 1951, с. 138—143; Кононов Н. А. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.— Л., 1960, с. 172—173; Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя). Л., 1977, с. 125; Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир. ЎТА, 1960, 5-сон, 64-бет.

[29] Ишаев А. *Маған, саған, оған* ҳақида. ЎТА, 1972, 5-сон, 49-бет; Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке. АҚД. Самарканд, 1965, с. 12.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-гэн -ъдъ (<эди) ёрдамида ясалувчи форма. Қарлуқ тип шеваларда ўтган замон феълининг бу тури *-гән* сифатдош формасига *-ъдъ (<эди)* тўлиқсиз феъли ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш йўли билан ясалса, қипчоқ тип шеваларида эса сифатдош *-ғын* формасига *-ды (<эди)* тўлиқсиз феъли+шахс-сон аффиксларини қўшиш йўли билан ясалади.

Ўтган замон формасининг бу тури *-ъдъ (<эди)* тўлиқсиз феъли орқали ифодаланади. Бироқ *-гән+ъдъ* ёрдамида ясалувчи ўтган замон формаси ҳикоя ва пайт маъносини англатади: *ҳэзър кеткәнъдъ, у бъ:р вэхләръ рэсә тэмошэ көрсәткәнъдъ, мен әлләқэчән кегәнъдъм* каби. Лекин адабий тилдаги *-ган+эди+ҳам//-ган+ +эди+ки* формасидаги ўтган замон формалари қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида қўлланмайди.

Ж. Ш. қарл.

I ш.	*бэргәнъдъм//бэргәндум*	*бэргәнъдък//бэргәнъдук*
II ш.	*бэргәнъдъң*	*бөргәнъдъләрън*
III ш.	*бэргәнъдъ*	*бэргәнъдълә*

Қипчоқ тип шевалардан Ашт районининг Қалам қишлоғида:

I ш.	*бэрғындым//барғандым*	*бөрғындық//барғандық*
II ш.	*бөрғындың//барғандың*	*бэрғындыңыз//барғандыңыз*
III ш.	*бөрғынды//барғанды*	*бэрғындылар//барғандылар*

Кўринадики, бу форма қарлуқ шевасида *-гән+ъдъ* тўлиқсиз феъли, қипчоқ тип шеваларнинг айримларида эса *-ғын//-қын -ды (<эди)* тўлиқсиз феъли орқали ясалади. Бу жиҳатдан мазкур шевалар ўзбек тилининг кўпгина қипчоқ шеваларидан ҳамда ўзбек адабий тилидан (фонетик жиҳатдан) фарқланади.

-гән+әкәдә (<экан) аффикси билан ясалувчи ўтган замон формаси адабий тилда учрамайди. Бироқ шевада мазкур форма ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилганлигини ҳикоя ва гумон йўли билан ифодалайди. *-әкә (<әкэн)* тўлиқсиз феълига қўшилган *-дә* юкламаси феъл маъносини янада орттириб, кучайтириб кўрсатишга хизмат қилади.

Топқоқ шевасида ўтган замон феълининг бу тури сифатдош формасига *-әкә (<экан)* тўлиқсиз феъли+

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс-сон тусловчиларини қўшиш орқали ҳам ясалади. Бироқ *-әкә* тўлиқсиз феълига шахс-сон қўшимчалари қўшилганда тўлиқсиз феълда *-е~ә* мослиги содир бўлади:

Топқоқ

I ш. *кеғәнәкәмәдә//кеғәнәкә(мъз//-бъздә)*
II ш. *кеғәнәкәсәдә//кеғәнәкәсъләдә*
III ш. *кеғәнәкәдә//кеғәнәкәдә*

Кўринадики, қарлуқ тип шеваларнинг кўпчилигида ўтган замон феълининг тусланиши қарлуқ лаҳжасига оид шеваларга анча яқин. Лекин Топқоқ шевасида ҳар учала шахсда (бирликда) тусловчи аффикси охиридаги *-н* ундоши талаффузда кўпинча туширилади. Бу хусусият фақат шу шеванинг ўзигагина хос. Топқоқ шевасида феълнинг III шахс бирлик ва кўплиги учун фақат бирлик формаси қўлланади. Бу феълнинг бўлишсиз шакли қуйидаги кўринишга эга:

I ш. *кемәгәнәкәмәдә//кемәгәнәкәмъз//-бъз*
II ш. *кемәгәнәкәсәдә//кемәгәнәкәсъләдә*
III ш. *кемәгәнәкәдә//кемәгәнәкәдә*

Ўтган замон феълининг бу тури ўтган замон сифатдош формасига *-муш//-мъш (<эмиш)* тўлиқсиз феъли + тусловчиларни қўшиш орқали ясалади. Масалан, Топқоқ шевасидаги *йъқэткән* (йўқотган) феълининг тусланиши қуйидагичадир:

I ш.	*йъқэткәнмушмә*	*йъқэткәнмушбъз*
II ш.	*йъқэткәнмушсә*	*йъқэткәнмушсъз//-сълә*
III ш.	*йъқэткәнмуш*	*йъқэткәнмушлә*

Қиёсланг: Ш. қарл.

I ш.	*йэткәнмушмән*	*йэткәнмуш(мъз//-бъз)*
II ш.	*йэткәнмушсән*	*йэткәнмуш(съз//-сълә)*
III ш.	*йэткәнмуш*	*йэткәнмуш(ләр//-лә)*

Бўлишсиз шакли

I ш.	*йэтмәгәнмушмән*	*йэтмәгәнмушбъз*
II ш.	*йэтмәгәнмушсән*	*йэтмәгәнмуш (съз// -сълә)*
III ш.	*йэтмәгәнмуш*	*йэтмәгәнмуш (ләр//-лә)*

Ўтган замон сифатдош формасига *-муш (<эмиш)* тўлиқсиз феъли қўшилганда, тўлиқсиз феълда *(э)* товуши туширилиб, *ъ>у* га ўтиш ҳодисаси рўй беради. Ўтган замон феълининг бу тури ҳаракатнинг бажари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиши бирор субъектдан эшитиш йўли билан амалга оширилганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан айрим қарлуқ тип шевалар билан умумийликка эга. Шуни қайд қилиш кераккн, ўтган замон сифатдоши *-муш (эмиш)* тўлиқсиз феъли III шахс кўплик формасида *-лəр//-лə* аффикси билан тусланади. Бундай хусусият *-əкə* (*<экан*) тўлиқсиз феъли билан тусланишда ўз ифодасини топмайди.

-(у)в-дъ (<эди) ёрдамида ясалувчи форма. Тожикистондаги қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида ўтган замон феълининг бу тури маъно ва қўлланишига кўра ўзбек адабий тилидан ҳамда бошқа ўзбек шеваларидан сезиларли равишда фарқ қилади.

Қарлуқ ва қипчоқ тип диалектларда бу замон формаси *-эвдъ//-увдъ//-вудъ//-(ъ)ведъ//у:дъ; -(ы)ве//-(и) ве//-бе//-вийди//-вуды//-вүди<-(и)б + эди* фонетик вариантларига шахс-сон қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Қиёсланг:

Ш. қарл.

I ш.	*йэзэвдум*	*йэзэвдук//йюзмэвдум*
II ш.	*йэзювдъң*	*йэзэвдъйнə//йюзэвдъңнə//йэзмэвдъң*
III ш.	*йюзэвдъ*	*йэзэвдълə//йюзэвдълəр//йэзмэвдъ*

Тошк. *кўрувдъм, кўрувдънг, кўрувдъ, кўрувдув//кўрувдуз//-кўрувдувлə*[30].

Қипчоқ-лақай шевасида

I ш.	*кебем,*	*кебек*	*кемебем,*	*кемебек*
II ш.	*кебең,*	*кебеңиз*	*кемебең,*	*кемебиңиз*
III ш.	*кебеди,*	*кебедилар*	*кемебеди,*	*кемебедилар*

Парадигмалардан кўринадики, қарлуқ группа шеваларидаги *-эвдъ//-увдъ//-вудъ* формалари Тошкент шевасида *-увдъ* тарзидадир. Жанубий Тожикистондаги қарлуқ шевасида эса бу феъл формаси феъл ўзагига *-(ъ)в+едъ*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш йўли билан ясалади.

I ш.	*бюръведъм*	*бъ:з бэръведъг* (бориб эдик)
II ш.	*бэръведъң*	*съллə бэръведъңнə//-бюръведъ:нə*
III ш.	*бюрведъ*	*улə бэръведълə*

[30] Гулямов Я. Г. Грамматика Ташкентского говора. Ташкент, 1968, с. 114.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг: Ленинобод қарлуқлари шевасида

I ш. *бөрвудъм*	*бъз бɔрвудък//бɔрвудуг*
II ш. *бɔрвудъң*	*сълə бɔрвудъңъз//-бɔрвудъйнə*
III ш. *бөрвудъ*	*улə бɔрвудълə//бɔрвудълəр*

Тожикистоннинг жанубий қисмида жойлашган қарлуқлар шевасида бу феъл формасининг бўлишсиз шакли феъл ўзагига *-мə* (Ленинобод областидаги қарлуқлар шевасида эса *-мɔ*) аффиксини қўшиш орқали юзага келади:

I ш. *бɔрмəвдум*	*бɔрмəвдуг*
II ш. *бɔрмəвдуң*	*бɔрмəвдънə//-бɔрмəвдуңнə*
III ш. *бɔрмəвдъ*	*бɔрмəвдълə*
I ш. *бɔрмɔвдум//бөрмɔвдъм*	*бɔрмɔвдуг//-бɔрмɔвдък*
II. *бɔрмɔвдъң*	*бөрмɔвдъйнə//-бɔрмɔвдъңъз*
III ш. *бɔрмɔвдъ*	*бɔрмɔвдълəр//-бɔрмɔвдълə*

Жанубий Тожикистондаги қарлуқлар шевасида мазкур феъл формаси тусланиш жиҳатдан Ленинобод территориясига жойлашган қарлуқлар шевасидаги тусланишга бирмунча яқин турса-да, бироқ II шахс кўплиги Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқларда *-ңнə//-нə*, Ленинободдаги қарлуқларда эса *-ңъз//-йнə* тарзидадир.

Ленинобод регионига жойлашган қарлуқлар нутқида ўтган замон формасининг *-ɔвдъ<-ɔв+-дъ (эди)* шакли тусланиш жиҳатдан қишлоқлараро фарқ қиладиган хусусиятларга эга. Ленинобод областининг Ашт районидаги Булоқ, Исфара районидаги Қўлкент, Пролетар районидаги Ғўлакандоз қишлоқлари аҳолиси нутқида *-(и)б* аффикси -[ɔ]*в* шаклида талаффуз этилиб, -[ɔ]*в*[31]*+ду (<эди)* шакли ҳосил бўлади: *мен лɔкънъ ҳөрɔвдум* (мен саллани ўраб эдим). Шевада *қɔчɔвдум* (қочиб эдим) қуйидагича тусланади:

---

[31] Адабий тилда «а» унлиси билан тугаган феълларда бу товуш «о»га, равишдош ясовчи *-б* аффикси *-в* га айланади: *ишловди<ишла+б+эди*. Қаранг: Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973, 143—145-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш. қарл.

I ш. *қэчэвдум*	*қэчювдук* (қочиб эдик)
II ш. *қэчювдъң*	*қэчэвдъйнә*
III ш. *қэчэвдъ*	*қэчэвдълә*//-*қэчэвдълэр*

Мазкур феъл формаси Қонибодом районининг Шўрқўрғон, Кўчкак; Исфара районининг Лаккон қишлоқлари шевасида феъл ўзагига -*(у)в*+-*дъ* (<*эди*)+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади. Бу жиҳатдан мазкур шевалар Тошкент, Андижон, Шаҳрисабз шеваларига яқин туради.

I ш. *әйтувдъм* (айтиб эдим)	*әйтувдък*
II ш. *әйтувдъң*	*әйтувдъңнәр*
III ш. *әйтувдъ*	*әйтувдъләр*

Қиёсланг: Анд.

I ш. *әйтувдъм*[32]	*әйтувдъйᶢ*//*әйтувдък*
II ш. *әйтувдъң*	*әйтувдъйнәр*
III ш. *әйтувдъ*	*әйтъшувдъ*

Парадигмадан маълумки, тадқиқ қилинаётган қарлуқ тип шеваларда I, II, III шахс кўплик -*к*, -*нәр*, -*ләр* формалари Андижон шевасида -*й*//-*к*, -*йнәр*, -*ъш* тарзидадир.

Лекин шуни айтиш ўринлики, мазкур қишлоқлардаги аҳоли нутқида -*ов*+*дъ* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз шакли феъл ўзакларига -*мэв* ва -*мәгән* аффиксларини қўшиш орқали ясалса, Андижон шевасида фақат -*мэ*: қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *бэрэвдум*→*бэрмэвдъм*//*бэрмәгәндъм*, *бэрмювдъң*//*бэрмәгәңдъң* каби.

-*эвдъ* аффиксли ўтган замон феълининг тусланиши Қонибодом районидаги Хамиржў, Ниёзбек, Патар, Ғончи районидаги Ўртақўрғон, Иторчи; Ўратепа районидаги Нижони, Топқоқ ва Сороби қишлоқлари аҳолиси нутқида -*(и)б*>*в(у)*+*дъ*<(<*эди*)+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади:

Ш. Т. қарл.

I ш. *ъчвудъм*[33]	*ъчвудък* (ичиб эдик)
II ш. *ъчвудъң*	*ъчвудъңнәр*//Иторчи: *ъчвудъйнә*
III ш. *ъчвудъ*	*ъчвудълә*//*ъчвудъләр*

[32] Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967, 207—208-бетлар.

[33] Мазкур шеваларда -*(и)б* +*эди* формаси: а) -*(ъ)в*+*дъ* турли

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу феъл формаси Хўжанд районидаги Исписор, Қатағон ҳамда Нав районидаги Андарсой қишлоғи шевасида қуйидагича тусланади:

I ш.	*ъчу:дум*	*ъчу:дук//ъчувдук, ъчмэ:дук*
II ш.	*ъчу:дъң*	*ъчу:дъләръң//ъчувдъләръң, ъчмэ:дълә*
III ш.	*ъчу:дъ*	*ъчу:дъ//ъчувдъ, ъчмэ:дъ*

Исписор, Қатағон ва Андарсой қишлоқлари шевасидаги ўтган замон феълининг бу хил тусланиши Андижон шевасига анча яқин туради.

-эвдъ аффиксли ўтган замон феълининг тусланиши Пролетар районидаги Ғўлакандоз, Янгиқишлоқ ва Ашт районидаги Ошоба шевасида қуйидаги кўринишга эга:

I ш.	*өйнәвдум*	*өйнәвдук* (ўйнаб эдик)
II ш.	*өйнәвудуң*	*өйнәвудъйъз*//Янги қишлоқда: *өйнувдъйъз* *өйнәвудъң*//Ғўлакандозда: *өйнәвудъ:нә*
III ш.	*өйнәвудъ*	*өйнәвудъла//өйнәвудъләр*

Шимолий қарлуқ тип шеваларда II шахс кўпликда иккита аффикс мавжуд: *-й+нә//-ң+нәр, -лар+ъң* тарзида ҳосил бўлган. Тожикистоннинг жанубий қисмидаги қарлуқлар ҳамда Ленинобод областидаги Кўлкент, Ғўлакандоз, Булоқ қишлоқлари шевасида II шахс кўпликда *-йнә//-ңнәр//-ңнә;* Ошобада *-йъз* формалари қўлланади. Қиёсланг: Уйчи, Чортоқ, Олмос шеваларида **-нэ:** *келу:дънә*[34]; Тошк.: *кевудъйлә, кевудъйъз, кевудъз*[35]; Ғарбий Самарқанд шеваларида: **йъз:** *бэръбдъйъз*[36]. Ленинобод регионининг Хамиржў, Ниёзбек, Патар, Ўртақўрғон, Иторчи, Нижони, Топқоқ ва Сороби қишлоқлари шевасида эса II шахс кўпликда *-ңъз//*

фонетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлатилади; б) ўзбек адабий тилидаги *-ган+эди* шаклида ҳам қўлланади. Шуни айтиш ўринлики, *-ган+эди* формасига нисбатан унчалик узоқ бўлмаган ҳаракатни *-(и)б+эди* формаси ҳам ифодалайди. *Қаранг:* Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 225; Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973, 143—145-бетлар.

[34] Алиев А. Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент, 1974, 152-бет; Шарипов О. Ўзбек тили Поп шевасининг морфологияси, 149-бет.

[35] Гулямов Я. Г. Грамматика Ташкентского говора, с. 114.

[36] Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари, 114-бет; Ғуломов Ҳ. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси. ЎДМ. I. Тошкент, 1957, 100-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-йнә//-ңнәр; Исписор, Қатағон, Андарсой қишлоқлари аҳолиси нутқида эса *-ләрън* формалари қўлланилади. Мазкур феълнинг Ленинобод регионига жойлашган қарлуқлар шевасидаги тусланиш Қарши, Наманган, Шаҳрисабз, Тошкент, Паркент шеваларидаги тусланишга бирмунча ўхшайди.

Қипчоқ группа шеваларига тааллуқли Уяс қишлоғи шевасида эса, ўтган замон феълининг бу тури *-в(-ив)< -б(иб)+ийди (<эди)* тўлиқсиз феъли+шахс-сон қўшимчалари орқали ясалади:

I ш.	*бәйләвийдим*	*бәйләвийдик*	*бәйләмэвдик*
II ш.	*бәйләвийдиң*	*бәйләвийдиңис*	*бәйләмэвдиңис*
III ш.	*бәйләвийди*	*бәйләвийди*	*бәйләмэвди*

Шаҳристон қишлоқ Советига қарашли Қайирма қишлоғи шевасида эса мазкур феъл формаси қуйидагича тусланади:

I ш.	*кевүдим,*	*бәрвудьм*	*кевүдик,*	*бәрвудық*
II ш.	*кевүдиң,*	*бәрвудьң*	*кевүдиңис,*	*бәрвудыңьз*
III ш.	*кевүди,*	*бәрвуды*	*кевүди,*	*бәрвуды*

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда *-(ы)б-еди (<эди)* формаси ўзбек адабий тилидаги *-ган+эди* ва *-(а)р эди* формалари вазифасида ҳам ишлатилади. Масалан: 1. *Бизер гилем тоқыбек — Бизлар гилам тўқиган эдик, бизлар гилам тўқир эдик;* 2. *Қызлар шал тоқыбеди — Қизлар гилам тўқиган эди, қизлар гилам тўқир эди.* Бу хусусиятига кўра ўрганилаётган шева материаллари туркий тиллар материалларига бир қадар яқинлашади[37].

-(ъ)п аффиксли равишдошни шахс-сон билан ҳосил қилинувчи форма. Қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида равишдошнинг *(-ъ)п* аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъли тадқиқ этилаётган шеваларда феъл ўзакларига *-(ъ)п//-(ъ)б//-(ъ)м; -(ы)п//-и(п)* равишдош аффикси+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Мазкур феълнинг қарлуқ тип шеваларда тусланиши Қўқон, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Марғилон, Шаҳрисабз ва Водил шеваларидаги тусланишга бирмунча ўхшайди. Қиёс қилинг:

---

[37] Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965, с. 198.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш. қарл.		Анд., Қўқон, Тошк., Қашқадарё[38].	
I ш. *эппэн*	*эппъз//эппъс*	*эппэн*	*эппъз* (олганмиз)
II ш. *эпсэн*	*эпсъз//эпсъләр*	*эпсэн*	*эпсъз*
III ш. *эптъ*	*эптълә//эптъләр*	*эптъ*	*эптъләр*

Кўринадики, тадқиқ этилаётган шеваларда II—III шахс кўпликда *съз//съләр, -лә//-ләр;* қиёсланувчи шеваларда эса *-съз, -ләр* формалари қўлланган. Мазкур феълнинг бўлишсиз шакли феъл ўзакларига *-мэ+п* равишдош аффикси+тусловчи аффиксларни бириктириш усули билан юзага келади:

I ш. *эмэппэн*	*эмэппъс* (олмабмиз)
II ш. *эмэпсэн*	*эмэпсъз//эмэпсъләр*
III ш. *эмэптъ*	*эмэптълә//эмэптъләр*

Ўратепа районидаги Топқоқ қишлоғи аҳолиси нутқида бу феълнинг тусланиши қуйидагича:

I ш. *ме элъммә* (олибман)	*бъз элъббъз*
II ш. *се элъмсә//-элъпсә*	*съзлә элъпсълә*
III ш. *у элъптъ*	*улә элъптълә//-элъшъптъ*

Қиёсланг: Шаҳрисабз[39]

I ш. *оқъммән* (ўқибман)	*оқъммъз*
II. *оқъпсән*	*оқъпсилә*
III ш. *оқъпте*	*оқъпте*

-(ъ)п аффиксли ўтган замон феълининг инкор формаси Топқоқ қишлоғи шевасида феъл ўзакларига *-мә* аффикси+равишдош аффикси+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади:

I ш. *ме эмъммә* (мен олмабман)	*бъз эмәббъз*
II ш. *се эмәпсә*	*сълә эмәпсълә*
III ш. *у эмәптъ*	*улә элъшмәптълә*

---

[38] Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, 208—209-бетлар; Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 122-бет, Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 168-бет; Шерматов А. Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. Ташкент, 1978, с. 58.

[39] Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка, с. 150—151.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тожикистон ССРнинг жанубидаги қарлуқлар нутқида ўтган замон феълининг бу тури *-(ъ)п<(и)б* аффикси билан ясалган равишдош+тусловчи аффиксларни қўшиш билан юзага келади. Бу жиҳатдан Ленинобод регионидаги қарлуқ шеваларидан бирмунча фарқ қилади:

I ш.	*көръпмән* (кўрибман)	*көръпмъз*
II ш.	*көръпсән*	*көръпсълә*
III ш.	*көръптъ*	*көръптълә*
I ш.	*көрмәпмән*	*көрмәпмъз*
II ш.	*көрмәпсән*	*көрмәпсълә*
III ш.	*көрмәптъ*	*көрмәптълә*

Шуниси характерлики, Ленинобод регионидаги Офтобрў қишлоғи шевасида *-(ъ)п* аффиксли ўтган замон феъли аналитик усул билан ифодаланади. Бу феъл ўзакларига *-ә, -й, -(ъ)п* равишдош аффикси+тусловчи қўшимчалар *+әкән (экан)* тўлиқсиз феълини қўшиш орқали ясалади:

I ш.	*өқъймәнәкән*	*өқъймъзәкән*
II ш.	*өқъйсәнәкән*	*өқъйсъзәкән*
III ш.	*өқъйдъйекән*	*өқъйдъйекән*
	бәръпмәнәкән	*бәръпмъзәкән*
	бәръпсәнәкән	*бәръпсъзәкән*
	бәръптъйекән	*бәръпдъйекән*

Шахс-сон қўшимчаси феълнинг етакчи компонентига қўшилади. Шунингдек, III шахс кўплик формаси ҳам бирликда қўлланади. III шахс бирлик ва кўплик шаклидаги феълнинг равишдош формасига бириккан *-дъ* аффиксидаги -ъ унлисининг чўзиқ талаффуз қилиниши ҳисобига *екан* тўлиқсиз феълидан олдин, инлаут ҳолатда *-й* товуши ҳосил бўлади. Бундай хусусият Шаҳрисабз ва Қўқон шеваларида ҳам учрайди. Масалан: *ишләчийдим, бәрийчийдим;* Қўқонда: *бъктъп+тъйкән, бәлләръ нъмә әлдъйкән*[40].

Офтобрў қишлоғи шевасида *-(ъ)п* аффикси билан ясалган ўтган замон феъли бирор воқеа-ҳодисаларнинг аввал номаълум бўлиб, кейин маълум бўлганини, яъни сўзловчининг кузатиши ёки ўзгадан эшитиш йўли билан аниқланган маънони англатади. Бу феълнинг бўлишсиз шакли эса, ўзбек тилининг Уйчи, Поп шевала-

[40] Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка, с. 157; Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 124-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридагидек -*май>ме+й* аффикси+шахс-сон қўшимчаларини феъл ўзакларига бириктириш йўли билан ясалади:

I ш. *суғурмеймәнәкән*	*суғурмеймъзәкән*
II ш. *суғурмейсәнәкән*	*суғурмейсъзәкән*
III ш. *суғурмейдъйекән*	*суғурмейдъйекән*

Қиёсланг: Поп шевасида

I ш. *ман қарашмеймән*[41]	*биз қарашмеймиз*
II ш. *сан қарашмейсан*	*сиз қарашмейсиз*

Уйчи шевасида III шахсда: *бәрмә:йдъ, keme:йдъ*[42]; Тошкент, Ғарбий Самарқанд шеваларида[43] III шахсда: *бормъйдъ, кемъйдъ, қъмъйдъ, йъвәрмъйдъ* каби.

-*(ъ)п* аффиксли ўтган замон бўлишсиз формаси Уйчи, Поп шеваларига бир оз яқин турса, Тошкент, Ғарбий Самарқанд шеваларидан фарқ қилади. Феълнинг бўлишсиз формасини ифодаловчи -*май* аффиксида *ә>е* фонетик ҳодисаси юз беради[44].

Қарлуқ группа шеваларида бу феъл формасининг маъноси аналитик усул билан ҳам ифодаланади. Мазкур форма феъл ўзакларига+равишдош ясовчи -*(ъ)п* аффикси+*муш* элементи+тегишли шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан вужудга келади:

Ж. Ш. қарл.

I ш. *әйтъпмушмән*	*әйтъпмушмъз* (айтган эмишмиз)
II ш. *әйтъпмушсән*	*әйтъпмушсълә*
III ш. *әйтъпмуш*	*әйтъпмушлә*//-*әйтъпмушләр*

Бу феъл формаси қипчоқ группа шеваларида ўзбек тилининг бошқа қипчоқ шеваларидаги каби феъл ўзакларига равишдош аффикси -*(ъ)п*//-*(и)п*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

---

[41] Шарипов О. Ўзбек тили Поп шевасининг морфологияси, 152-бет.

[42] Алиев А. Ю. Уйчи шеваси, ЎДМ. II. Тошкент, 1961, 372-бет.

[43] Гулямов Я. Г. Грамматика Ташкентского говора, с. 116; Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари, 115-бет.

[44] Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, 60-бет, Решетов В. В. Узбекский язык. Ташкент, 1959, с. 204; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). Ч. II, М., 1952, с. 447.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж. Ш. қипч.

I ш.	*сызыппан*	*сызыппыз* (чизибмиз)
II ш.	*сызыпсан*	*сызыпсыз//-сызыпсылар*
III ш.	*сызыпты*	*сызыпты*
I ш.	*сызмаппан*	*сызмаппыз*
II ш.	*сызмапсан*	*сызмапсыз//-сызмапты-лар*
III ш.	*сызмапты*	*сызмапты*

-ә(й)+дъ ёрдамида ясалувчи форма. Тожикистон ССРнинг жанубий қисмида жойлашган қарлуқ шеваларида ўтган замон феълининг бу тури *-ә(й)*<*-а(р)* аффиксли сифатдош+тўлиқсиз феъл+*дъ*(<*эди*)+ шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Бу жиҳатдан Ленинобод регионида жойлашган қарлуқ шеваларидан ҳамда Тошкент, Ниёзбек, Наманган шеваларидан анчагина фарқ қилса, Қарши, Шаҳрисабз шеваларига бир оз яқин туради. Қиёсланг:

	Қарл.		Қарши[45]
I ш.	*бәрәйдъм*	*бәрәйдък//-бәрәйдук*	*бәрәйдъм* (борар эдим)
II ш.	*бәрәйдъң*	*бәрәйдъңнә//бәрәйдуңнә*	*бәрәйдънг*
III ш.	*бәрәйдъ*	*бәрәйдълә*	*бәрәйдъ*

Тошкент, Ниёзбек[46]

I ш.	*бәрәйдув*	*борә:дъм//борә:дъвуз*	
II ш.	*бәрәйдъз//борәйдъйъз*	*борә:дьң*	*борадъйьз*
III ш.	*бәрәйдълә*	*борә:дъ*	*борә:дълә*

Қумиқ[47]

бәра:дьм	*бәра:дыкъ*
бәра:дынъ	*бәра:дыгъыз*
бәрә:ды	*бәра:дылар*

Мазкур феъл формаси тадқиқ қилинаётган шевада I—II шахс кўпликда *-дък//-дук, -дъңнә//-дуңнә* формасида ишлатилса, Қарши шевасида *-дув, -дъз//-дъйъз* шаклларида қўлланиши билан характерланади. Тош-

---

[45] Шерматов А. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. ЎДМ. II. Тошкент, 1961, 203-бет.

[46] Шоабдураҳмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 168-бет; Ғафурова Н. С. Ўзбек тилининг Ниёзбоши шеваси. ЎДМ. II. Тошкент, 1961, 268-бет.

[47] Дмитриев Н. К. Грамматика кумыкского языка. М., 1940, с. 112.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кент ва Ниёзбоши шеваларида бу феъл *бэрэ:дъ* тарзида бўлиб, кўпинча *э* товушининг чўзиқ талаффуз қилиниши туфайли *р* товуши тушиб қолишга мойил бўлади. Тошкент ва Ниёзбоши шеваларида I—II шахс кўпликда *-вуз, -дъйъз*; қумиқ тилида эса *-дыкъ:дыгъыз* формалари мавжуд.

Феълнинг *-(э)р+дъ (<эди)* ёрдамида ясалувчи формаси туркологик адабиётларда ва ўзбек тилшуносларининг ишларида турли маъно ифодалаши кўрсатилади. А. А. Юлдашев ҳозирги туркий тилларда структураси ва семантикаси жиҳатдан аниқлик майлидаги ўтган замон феълининг *-р+эрди* формасидан бошқа *-р+эрди* шакли ҳам бор деб ҳисобласа[48], А. Ҳожиев эса ўтган замон формасининг турли хил маъно англатишидан келиб чиқиб, шартли равишда уни ўтган замон маъносини ифодаловчи форма сифатида *-(а)р+эди I*, бошқа маъно ифодалайдиган худди шу формани *-(а)р+эди II* деб белгилаб[49], бу омоформа ҳисобланади, деб кўрсатади. Ш. Шукуров эски ўзбек тили материаллари асосида (*-у*)*р+эрди* ни иккита мустақил формага ажратиб бўлмаслигини таъкидлайди[50].

Тадқиқ этилаётган шева материаллари эса *-(э)р+дъ (<эди)* формаси икки хил маънода қўлланишини тасдиқлайди: *сэҳэт еттъгэ өгэ* *к е л э й ъ д ъ м* (келар эдим); *э:эл мукэпэт* *э л э й ъ д ъ м* (олар эдим); *қөй экъз тувсэ, дэҳмэрдэ* *қ у в э н э й ъ д ъ.* Демак, бу хил феъл формаларини омоформа деб аташ маъқул.

-(э)й+дъ аффиксли ўтган замон феъли айрим туркий тилларда, аниқроғи, караим тилининг тоғай диалектида, гагауз, уйғур, озарбайжон ва туркман тилларида *-ыр//-ар+ды (<эди)* ёрдамида ясалади. Бу жиҳатдан ушбу диалект ва тиллар тадқиқ этилаётган шева билан умумийликка эга:

Ж. Ш. қарл.	Караим (тоғай диал.)[51]	Гагауз[52]
I ш. *элэйдъм* (олардим)	*алыр эдим*	*алырдым*

---

[48] Ю л д а ш е в А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965. с. 251—252; К о к л я н о в а А. А. Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963, с. 94—95.

[49] Ҳ о ж и е в А. Феъл. Тошкент, 1973, 114-бет.

[50] Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 94-бет.

[51] П о к р о в с к а я Л. А. Грамматика гагаузского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 199.

[52] М у с а е в К. М. Грамматика караимского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 274.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ш.	*эләйдъң*	*алыр эдий*	*алырдын*
III ш.	*эләйдъ*	*алыр эо(и)*	*алырды*

Уйғур[53]

I ш.	*келәр едим*
II ш.	*келәр едиң*
III ш.	*келәр еди*

Ушбу феъл тусланишидаги фарқ буларга қўшилган шахс-сон аффиксида кўзга яққол ташланади.

-(ә)й+дъ шаклли ўтган замон феълининг бўлишсиз шакли феъл ўзакларига *-мә* аффиксини қўшиш орқали ҳосил бўлади: *бэрмәйдъм, ъ:чмәйдъм, къ:рмәйдъм, әйтмәйдъм, бэрәйдъм, эләйдъм* (олар эдим). А. Н. Кононов тўғри кўрсатганидек, *-й* аффикси биринчи компонент охиридаги унлининг сўнгги элементдаги дастлабки очиқ унли билан қўшилиши натижасида юз берган[54].

Ленинобод регионидаги Ошоба шевасида мазкур феъл формаси қуйидагича тусланади. Қиёсланг:

	Ошоба		Тошкент[55]	
I ш.	*бэрәрдум*	*бэрәрдук*	*элувдъм*	*элувдув*
II ш.	*бэрәрдъң*	*бэрәрдъйъс*	*элувдъң*	*элувдъйлә*
III ш.	*бэрәрдъ*	*бэрәрдълә*	*элувдъ*	*элъшувдъ*

	Каттақўрғон тип шеваларда[56]		Фарғона тип шеваларда[57]	
I ш.	*өйнәрдъм*	*өйнәрдък*	*урәрдъм*	*урәрдъй*
II ш.	*өйнәрдъң*	*өйнәрдъйъз*	*урәрдъң*	*урәрдъйъз*
III ш.	*өйнәрдъ*	*өйнәрдълә*	*урәрдъ*	*урәрдъ (ләр)*

Кўринадики, мазкур феъл I—II шахс бирлик ва кўпликда Ошоба шевасида *-ду+м, -ду+к, -дъң, -дъйъс* формасида бўлса, Тошкент шевасида *-дув, -дъйлә;* Каттақўрғон тип шеваларда *-дък, -дъйъз;* Фарғона тип шеваларда эса *-дъй, -дъйъз* шаклларида ифодаланиши жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Ошоба шевасида мазкур феъл формасининг бўлиш-

---

53 Ҳозирги замон уйғур тили. Олмаота, 1966, 282-бет.

54 Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 209.

55 Шоабдураҳмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 167-бет.

56 Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари, 116-бет.

57 Алиев А. Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент, 1974, 158-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиз шакли феъл ўзакларига *-мә* аффикси+шахс-сон қў шимчасини бириктириш билан ясалади:

I ш.	*бэрмәстум*	*бэрмәстук* (бормасдик)
II ш.	*бэрмәстъң*	*бэрмәстъйъс*
III ш.	*бэрмәстъ//-тө*	*бэрмәстълә*

Қиёсланг: Жиззах[58]

I ш.	*оқумәстъм*	*оқумәстъй* (ўқимасдик)
II ш.	*оқумәстънг*	*оқумәстъйъс*
III ш.	*оқумәстъ*	*оқумәстъй (лә)*

Кўринадики, ҳар иккала шевада ҳам *-(ә)й+дъ* аффиксли ўтган замон феълининг бўлишсиз формаси *-мә+с* аффикси орқали ифодаланган.

Тадқиқ этилаётган шевада мазкур феълнинг I шахс бирлик ва кўплик аффикслари *-ту+м, -ту+к* формасида талаффуз қилинса, Жиззах шевасида кўпликда *-тъм*, *-тъй* шаклидадир. Бироқ II шахс кўпликда қиёсланаётган шева билан бир хил.

Ғўлакандоз, Янгиқишлоқ, Деҳмой қишлоқлари қарлуқлари нутқида ўтган замон феълининг бу тури *-(ә)р+дъ (<эди)*+шахс-сон қўшимчаларини келтириш билан юзага келади:

Ш. қарл.

I ш.	*ъшътәрдъм*	*ъшътәрдък* (эшитар эдик, эшитардик)
II ш.	*ъшътәрдъң*	*ъшътәрдъ:нә//ъшътәрдълә*
III ш.	*ъшътәрдъ*	*ъшътәрдълә*

Бу феъл формасининг тусланиши адабий тилга бир оз яқин. Лекин II шахс кўпликда *-дъ:нә//-дълә* шаклида келиши жиҳатдан адабий тилдагидан фарқ қилади. Шуниси қизиқки, II—III шахс кўпликда кўпинча *-дълә* шаклида тусланиши жиҳатдан бошқа ўзбек шеваларидан озми-кўпми ажралиб туради. Қиёсланг:

	Исписор		Тошкент[59]	
I ш.	*бэрә:дъм*	*бэрә:ду (к)*	*бэрә:дъм*	*бэрә:дув (зә)*
II ш.	*бэрә:дъң*	*бэрә:дъңнә*	*бэрә:дънг*	*бэрә:дъйлә*
III ш.	*бэрә:дъ*	*бэрә:дъ*	*бэрә:дъ*	*бэръшә:дъ*

---

[58] Ғуломов Ҳ. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси. ЎДМ. I. 1957, 101-бет.

[59] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 168-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсдан кўриниб турибдики, ҳар иккала шевадаги феъл формасида *р* ундошининг талаффузда туширилиши ҳисобига *ә* унлиси чўзиқ талаффуз қилинади. Бироқ I—II шахс кўплик Исписорда *-ду(к), -дъңнә;* Тошкент шевасида *-дув(зә), -дъйлә* шаклида эканлиги билан фарқ қилади. Бу феълнинг бўлишсиз формаси: *бэрмәстъм, турмәстъм, бэрмәстъң, турмәстъң, бэрмәстък, бэрмәстъңнә, бэрмәстъ.*

Мазкур феъл формаси Хўжанд районидаги Қатағон қишлоғи шевасида қуйидагича тусланади:

I ш. *әләддъм*	*әләддък* (олар эдик, олардик)
II ш. *әләддъң*	*әләддъләръң*
III ш. *әләддъ*	*әләддълә*

Лекин шуниси характерлики, бу феълнинг бўлишсиз шакли феъл ўзакларига *-мэр* аффиксини қўшиш билан ясаладики, бу жиҳатдан мазкур шева бошқа кўпгина ўзбек шеваларидан ажралиб туради:

Қарл.

I ш. *эмэрдъм*	*эмэрдък* (олмас эдик)
II ш. *эмэрдъң*	*эмэрдъләръң*
III ш. *эмэрдъ*	*эмэрдълә*

Қиёсланг: гагауз тилида[60]

I ш. *алмардым//алмаздым*	*алмардык//алмаздык*
II ш. *алмардын//алмаздын*	*алмардыңыз//алмаздыңыз*
III ш. *алмарды//алмазды*	*алмардылар//алмаздылар*

Қиёсдан маълумки, Қатағон шевасида феълнинг I—II шахс кўплиги *-дък, -дъләръң* тарзида бўлса, гагауз тилида эса *-дык, -дыңыз* шаклидадир. Шунингдек, гагауз тилида бўлишсизлик аффикси фақат *-мар* шаклида эмас, балки *-мар//-маз* тарзидадир.

Ўғуз группасига оид туркий тилларда қўлланадиган *-мар* аффикси[61] ўзбек тилининг Манкент, Фориш ва То-

[60] Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 200.

[61] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, с. 227; Гаджиева Н. З. Азербайджанский язык. Языки народов СССР, с. 74—75; Рагимов М. Ш. Формы выражения настоящего и будущего времени в письменных памятниках азербайджанского языка XIV—XVIII вв. Труды института литературы и языка им. Низами. Т. X, Баку,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жикистондаги қарлуқлар шевасида ҳам *-мэр//-мәр* тарзида ишлатилади[62].

Бу аффикснинг *-маз//-мәз* формаси *-мас//-мәс* формасига нисбатан қадимий бўлиб, кейинчалик унинг таркибидаги жарангсиз *с* ундошига ўтган. *-маз//-мәз* формаси *-мар//-мәр* формасидан келиб чиққан *(-мар//-мәр> -маз//-мәз)*. Бу ўринда *-ма//-мә* бўлишсизлик аффикси, *-р* эса ҳозирги-келаси замон феълининг кўрсаткичидир[63].

Тожикистон ССРнинг жанубида жойлашган қарлуқлар ва Ленинобод областининг Янгиқишлоқ, Қатағон қарлуқлари шевасида ўтган замон феълининг яна бир тури *-йют, -кэн//-кән*+тўлиқсиз феъл *+дъ (<эди)*+ шахс-сон аффиксларини қўшиш йўли билан ҳам ясалади:

I ш.	*эчәйэткэндъм*	*эчәйэткэндук//эчәйют-кәндък*
II ш.	*эчәйэткюндъң*	*эчәйэткэндъңнә//очәйэт-кәндълә//-эчәйәткән-диңнә*
III ш.	*эчәйэткэндъ*	*эчәйэткэндълә//эчәйют-кәндълә*
I ш.	*эчмэйэткэндъм*	*эчмэйэткэндук//эчмэйэт-кәндък*
II ш.	*эчмэйэткэндъң*	*эчмэйюткэндъңнә//эчмэ-йэткәндъңнә*
III ш.	*эчмэйэткэндъ*	*эчмэйэткэндълә//эчмэ-йэткәндълә*

1957, с. 230; Туркмен дилиниң грамматикасы. (Фонетика. Морфология). Ашгабат, 1965, с. 156.

[62] Юлдашев А. Морфологические особенности манкентского говора узбекского языка. АКД. Ташкент, 1981, с. 19; Юлдашев Т. Узбекские говоры Южного Таджикистана. АКД. Ташкент, 1968, с. 20—21.

[63] *Қаранг:* Серебренников Б. А. Методы изучения истории языков,применяемые в индоевропеистике и в тюркологии. Вопросы методов изучения истории тюркских языков. Ашхабад, 1961, с. 52—53; Дмитриев Н. К. Соответствие р//з. ИСГТЯ. Фонетика. М., 1955, с. 325; Баскаков А. Н. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). М., 1952, с. 429; Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, с. 227; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 125-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг: Шаҳрисабз[64]

I ш. *корэткэнидим*	*корэткюнидик*
II ш. *корэткэнидиң*	*корэткэнидиз (с)*
III ш. *корэткэниде*	*корэткэнидилә*

Мазкур парадигмалар Тожикистондаги қарлуқлар шеваси Шаҳрисабз шевасига бироз яқин эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги феъллар тусланишидан кўринадики, сўзнинг биринчи бўғини лабланган э унлиси билан бошланса, унинг учинчи, тўртинчи ёки охирги бўғинлари ҳам лабланган э унлиси билан келиш хусусиятига эгаки, бу қарлуқ шевасига қўшни тожик тилининг таъсири туфайли содир бўлган ҳодисадир.

Мазкур феъл формасининг тусланиши Ленинобод регионидаги қарлуқ шеваларида ўзаро фарқ қилади. Ғўлакандоз ва Деҳмой қишлоқлари шевасида ўтган замон феълининг бу тури феъл ўзакларига *+ют+кән+ дъ (<эди)* тўлиқсиз феъли+тусловчи аффиксларни қўшиш йўли билан ҳосил бўлади:

I ш. *элэткәндъм*	*элэткәндук* (олаётган эдик)
II ш. *элэткәндъң*	*элэткәндъңнә*
III ш. *элэткәндъ*	*элэткәндълә*
I ш. *эмэйэткәндъм*	*эмэйэткәндик*
II ш. *эмэйэткәндъң*	*эмэйэткәндъ:нә*
III ш. *эмэйэткәндъ*	*эмэйэткәндълә*

Андарсой қишлоғи аҳолиси нутқида бу феъл формаси *-вэт+кән+дъ+* тусловчи аффикслар орқали ясалади: *-ётган+эди> -воткәндъ:*

Ш. қарл.

I ш. *ъчәвэткәндъм*	*ъчәвэткәндък*
II ш. *ъчәвэткәндъң*	*ъчәвэткәндъләръң*
III ш. *ъчәвэткәндъ*	*ъчәвэткәндълә//-ъчәвэткәндъ*

Ошоба қишлоғи аҳолиси нутқида эса ўтган замон феълининг яна бир тури феълнинг ўзак-негизи *-вэт+ ув-дъ (<эди)* тўлиқсиз феъли+тусловчи аффиксларни бириктириш усули билан тусланади.

---

[64] Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка (Фонетико-морфологический очерк), с. 155.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш. қарл.

I ш. *кетвэтувдъм*	*кетвэтувдук* (кетаётган эдик)
II ш. *кетвэтувдъң*	*кетвэтувдъйъс*
III ш. *кетвэтувдъ*[65]	*кетвэтувдълә* (кетаётган эдилар)

-вэтув аффикси ўзбек адабий тилидаги *-ётган эди* типидаги феъл формасини ясаш учун хизмат қилади. Бу феъл тусланиши жиҳатдан Тошкент ва унинг атрофидаги шаҳар тип шеваларига бир қадар ўхшаш.

Қипчоқ группа шеваларда ва Ленинобод области Хамиржў, Янгиқишлоқ қишлоқлари шевасида эса бу феъл формаси феъл ўзакларига *йэтув+дъ (<эди)* тўлиқсиз феъли+шахс-сон қўшимчаси қўшиш орқали вужудга келади. Қарлуқ группаси диалектида кўпгина шевалардагидек *-йэтув+дъ:* 1) *-ётиб эди;* 2) *-ётган эди* маъноларида қўлланади. *-ётган + эди* формасида тусланиш:

I ш. *йэтувдъм* (ётган эдим)	*йэтувдук*
II ш. *йэтувдъң*	*йэтувдъңъз//йэтувдъләръң*
III ш. *йэтувдъ*	*йэтувдъләр*

Бўлишсиз формаси: *йэтмэвдъм, йэтмэвдук, йэтмэвдъңъз.*

Андарсой қишлоғи шевасида мазкур феъл формаси қуйидагича ҳосил бўлади: феъл ўзаклари+равишдош+*вэткән+әкән (<экан)*+тусловчи аффикс:

I ш. *ъшләйвэткәнәкәммән*	*ъшләйвэткәнәкәммъз*
II ш. *ъшләйвэткәнәкәнсән*	*ъшләйвэткәнәкәндъләръң*
III ш. *ъшләйвэткәнәкән*	*ъшләйвэткәнәкәндълә*

А. Ҳожиев «... *ишлаётган, ёзаётган* формасидаги *-ёт* шевалардаги ҳозирги замон феъли ясовчи *-яп, -вэт, -юп* каби формантлардан фақат ташқи кўриниши жиҳатдангина фарқ қилиб, *-ёт* феълига ўхшайди»[66],— деб тўғри қайд этган.

Ленинобод областининг Офтобрў, Қизилпилол, Ниёзбек ва Кўчкак қишлоқлари шеваларида *-(ә)й* аффикс-

---

[65] *Қаранг:* Шералиев Э. Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари таснифи. ЎТА, 1977, 6-сон, 50-бет.

[66] Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973, 147-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли ўтган замон феълининг яна бир формаси борки, бу феъл ўзакларига *-(е)й+тув+дъ* *(<эди)*+шахс-сон қўшимчаси қўшиш йўли билан ясалади.

	Офтобрў	Қизилпилол
I ш.	*бэрейтувдъм*	*бэрейтувдък*
II ш.	*бэрейтувдъӊ*	*бэрейтувдъӊъз*
III ш.	*бэрейтувдъ*	*бэрейтувдъләр*

Қиёсланг: Кўчкак ва Ниёзбекда

I ш.	*бэрәтувдъм*	*бэрәтувдък*
II ш.	*бэрәтувдъӊ*	*бэрәтувдъӊъз*
III ш.	*бэрәтувдъ*	*бэрәтувдъләр*

Ш. қарл.

I ш.	*бэрмейтувдъм*	*бэрмейтувдък*
II ш.	*бэрмейтувдъӊ*	*бэрмейтувдъӊъз*
III ш.	*бэрмейтувдъ*	*бэрмейтувдъләр*

Кўлкент қишлоғи шевасида эса бу замон формаси феъл ўзагига равишдош аффикси+*йэпкән+дъ* (*эди)* +тегишли шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади.

Ш. қарл.

I ш.	*кетәйэпкәндъм*	*кетәйэпкәндък*
II ш.	*кетәйэпкәндъӊ*	*кетәйэпкәндъӊъз*
III ш.	*кетәйэпкәндъ*	*кетәйэпкәндъләр*

Иторчи қишлоғи шевасининг вакиллари нутқида мазкур феъл формаси *-(ә)й+тур+ву+дъ* *(<эди)* + шахс-сон қўшимчалари билан тусланади:

Ш. қарл.

I ш.	*йэзәйтурвудъм*	*йэзәйтурвудъй* (ёзаётувдик)
II ш.	*йэзәйтурвудъӊ*	*йэзәйтурвудъйнә*
III ш.	*йэзәйтурвудъ*	*йэзәйтурвудълә*

Қиёсланг: Қўқон[67]

I ш.	*кетәейтърувдъм*	*кетәейтърувдъй*
II ш.	*кетәейтърувдънг*	*кетәейтърувдъләрънг*
III ш.	*кетәейтърувдъ*	*кетъшәейтърувдъ*

[67] Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 127-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тадқиқ этилаётган шевадаги феъл формаси қиёсланувчи шевадан фонетик жиҳатдангина фарқ қилиб қолмай, балки I—III шахс кўпликда *-дъйнә, -дълә;* Қўқон шевасида эса шу шахсларда *-дъләрън, -ъш* формасида бўлиши билан ҳам фарқ қилади.

Шуни айтиш керакки, ўтган замон феълининг яна бир тури борки, у қарлуқ шевасида ўтмишдаги шу иш-ҳаракатни эслаш, хотирга олиш, ўхшатиш, тахмин, фараз, абстракциялаштириб кўрсатиш хусусияти жиҳатидан олдинги феъл формасидан мутлақ фарқ қилади. Бу жиҳатдан ўтган замон феълининг маълум бир формасига яқин туради.

I ш.	*көргәннәг*	*бөлъведъм*	*көргәннәг*	*бөлъведук*
II ш.	*көргәннәг*	*бөлъведъң*	*көргәннәг*	*бөлъведъңнә*
III ш.	*көргәннәг*	*бөлъведъ*	*көргәннәг*	*бөлъведълә*

Қипчоқ группа шеваларда ўтган замон феълининг *джазаредим, келередим, барарeдим* формасидан бошқа *-ғуч+е* ёрдамида ясалувчи шакли ҳам мавжуд. Бу феълнинг *барғучем, кегүчем, эғучем, қэғучем* (борар эдим, келар эдим, олар эдим, қолар эдим) каби *-ғуч// -гүч* аффикси ёрдамида ясалувчи формаси ҳам бор. Айрим қипчоқ шеваларида *-ғыч//-гич* аффикси билан ҳосил қилинувчи шакли ҳам учрайди. Мазкур форма ўзининг маъноси, семантикаси жиҳатдан *олар эдим* типидаги феъл формасидан фарқ қилмайди. Бу феъл формаси ҳаракатнинг кўп такрорланганлигини кучайтириб, бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади.

XI—XIII аср ёзма ёдгорликларда ҳам *-ғучи//-гүчи* формалари актив қўлланган, шунингдек XIX аср ёзма ёдгорликларида ҳам мазкур форманинг кўп учраши А. Матғозиев томонидан қайд этилган[68].

Ж. Ш. қипч.

I ш.	*ишлегүчем, кегүчем*	*ишлегүчек, кегүчек*
II ш.	*ишлегүчең, кегүчең*	*ишлегүчеңиз, кегүчеңиз*
III ш.	*ишлегүчед(и), кегүчеди*	*ишлегүчед(и)лер, кегүчед(и)лер*

[68] Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси, 152-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг: Бахмал ва Ғаллаорол шевасида[69]

I ш. *бэрғычыдым*	*бэрғычыдық*
II ш. *бэрғычыдың*	*бэрғычыдыңыс*
III ш. *бэрғычыды*	*бэрғычыды*
I ш. *кегичидим*	*кегичидик*
II ш. *кегичидиң*	*кегичидиңис*
III ш. *кегичиди*	*кегичиди*

Қиёсланг: ўзбек тилининг Манкент шевасида *кегучъйдъм, бэрғучъйдъм*[70].

Қипчоқ тип шеваларда ўтган замон феълининг бу тури феъл ўзакларига *-джот+ву* аффикси+*ды* (<*эди*) тўлиқсиз феъли+тусловчи қўшимчалар қўшиш орқали ҳосил бўлади.

Ш. қипч.

I ш. *кетэджэтвудым*	*кетэджэтвудық* (кетаётиб эдик)
II ш. *кетэджэтвудың*	*кетэджэтвудыңыз*
III ш. *кетэджэтвуды*	*кетэджэтвуды*
I ш. *кетмейджэтвудым*	*кетмейджэтвудық*
II ш. *кетмейджэтвудың*	*кетмейджэтвудыңыз*
III ш. *кетмейджэтвуды*	*кетмейджэтвуды*

Мазкур феълнинг бўлишсиз шакли феълнинг ўзакларига *-ме+й+джот+ву+ды*+тусловчи аффикс қўшиш йўли билан юзага келади. Бу феъл формаси Ленинобод регионидаги қипчоқ тип шева вакиллари нутқида актив ишлатилади.

Ҳозирги замон формалари

Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқлар шевасида феълнинг ҳозирги замон формаси равишдош шаклига *-йэтъп+тъ*+тусловчи аффиксларни қўшиш орқали ҳосил бўлади:

I ш. *бэрэйэтъптъмэн*[71]	*бэрэйэтъптъмъз* (бораяпмиз)
II ш. *бэрэйэтъптъсэн*	*бюрэйэтъптъсълла*
III ш. *бэрэйэтъптъ*	*бэрэйэтъптълэ*

---

[69] Даниярoв Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком, с. 165—166.

[70] Юлдашев А. Морфологические особенности Манкентского говора узбекского языка. АКД, Ташкент, 1981. с. 18.

[71] Бу формант ташқи кўринишига кўра кўмакчи феълларга ўхшайди. Бироқ бу ўринда икки ҳодисани бир-биридан фарқлаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек адабий тилидаги *-ётиб* аффиксининг феъл формаларига қўшилиши ҳақида тилшуносларнинг турли хил фикр-мулоҳазалари мавжуд: В. В. Решетов *бораётибди* формасидаги *бор* — етакчи феъл, *-а* равишдош ясовчи аффикс, *-ётиб* кўмакчи феъл деб кўрсатса, А. Ғуломов *ишлаётибди* формасини диалектал форма деб ҳисоблайди. Ш. Шукуров эса эски ўзбек тилида *ётмоқ* феъли ёрдамчи феъл вазифасида келганда, *-а, -й* шаклидаги равишдошга эмас, балки феълнинг *-б* аффиксли формантига қўшилади деб таъкидлайди. А. Ҳожиевнинг кўрсатишича, *-ётиб* формаси ундош билан тугаган феъл ўзакларига қўшилганда, ундан олдин бир *-а* унлиси орттирилади. Бу унли равишдош ясовчи аффикс эмас, балки икки ундошни ўзаро боғлаш учун орттирилган товушдир[72]. Ш. Шоабдураҳмонов *келаяпти (>келъйәптъ), ишлаяпти (>ъшлъйәптъ)* феъл формаларидаги орттирилган *-и* унлисини феълга қўшилиб, равишдош ясовчи *-ә (яп)* ўрнига алмашган унли деб қараш мумкин эканлигини кўрсатади[73]. Тадқиқ қилинаётган қарлуқ шеваларида *-йэтип (ётиб)* формаси феълнинг *-б* ҳамда *-а, -й* равишдош шаклларига қўшилиб кела олади: *келъпйэтъптъмән, сэқләпйотъптъмән, әләйэтъптъмән, өқъйэтъпътъмән* каби. Бу шеваларда *-йэтъп* аффикси ўзбек адабий тилидаги *-яп, -ётир* аффиксларининг ўрнида қўлланиб, у ҳозирги замон маъносини ифодалайди ҳамда ҳаракатнинг давомийлигини, тугалланмаганлигини интенсив равишда кўрсатишга хизмат қилади. *йэзъпйотъптъмән* феълидаги *-тъ* аффикси аслида *-турур//-дурур* сўзининг қисқаришидан келиб чиққандир[74]. Ш. Шукуров

керак. Масалан, *бэръпйэтъптъ* тасвирий форма, *бэрәйэтъптъ* аффиксал форма деб қаралиши лозим. Чунки *бэръпйэтъптъ* формасидаги *-йэтъп* ҳозирги замон маъносидан ташқари, кўмакчи феъл сифатида турли хил маъноларни, *бэрәйэтъптъ* шаклидаги *-йэтъп* эса фақат ҳозирги замон маъносини ифодалайди. *Қаранг:* Ҳожиев А. Аниқ ҳозирги замон феъл формасининг келиб чиқиши ҳақида. ЎДМ, II. Тошкент, 1961, 442—450-бетлар.

[72] Решетов В. В. О категории настоящего времени в узбекском языке. Доклады АН УзССР, 1948, № 5, с. 35; Ғуломов А. Феъл. Тошкент, 1954, 31-бет; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 115—116-бетлар; Ҳожиев А. Аниқ ҳозирги замон феъл формасининг келиб чиқиши ҳақида. ЎДМ. II. Тошкент, 1961, 445-бет.

[73] Шоабдураҳмонов Ш. Қўқон шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. ЎДМ. I. 1957, 314-бет.

[74] *Қаранг:* Кононов А. Н. Семантика и функции глагольной связки *tuчич>tuчu>tuч>duч> (du) du>t(-d)*. Советская тюркология, № 5, 1980, с. 3—13; Баскаков Н. А. Каракалпакский

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилининг айрим ёзма ёдгорликларида, баъзан I ва II шахсларга ҳам (асосан I шахс бирликда) *-турур* (>*тур//дур*) формасининг қўшилганлигини, кейинчалик I, II шахсларда унинг бутунлай тушиб қолганлигини қайд этади[75]. Бундан ташқари, Тожикистон ССР-нинг жанубидаги Қуйбишев райони қарлуқлари шевасида ҳозирги замон формаси феълнинг равишдош шаклига *+йэт+-уп+-ту+*тусловчи аффиксларни қўшиш орқали ясалади:

I ш. *бэрәйотуптумән*	*бэрәйэтуптумъз* (бораяпмиз)
II ш. *бэрәйотуптусән*	*бэрәйэтуптусълла*
III ш. *бэрәйэтупту*	*бэрәйэтуптулә*
I ш. *берәйэтуптумән*	*берәйэтуптумъз*
II ш. *берәйэтуптусән*	*берәйэтуптусълла*
III ш. *берәйэтупту*	*берәйэтуптулә*

Қиёсланг: янги уйғур тилида[76]

I ш. *мән бериптумән*
II ш. *сән бериптусән*
III ш. *у берипту*

Ш. Шукуров *-ту (турур)* кўмакчи феъли ҳозирги замон уйғур тилида I шахс бирлик ва кўплик шаклида сақланган, деб кўрсатади. Масалан, *олтуруптумән, олтуруптумиз, йетиптумән, йетиптумиз*[77].

Парадигмаларда кўрсатилганидек, шевадаги бу феъл тусланиши уйғур тилидаги тусланишга бироз яқин турса-да, бироқ тадқиқ этилаётган шевада *-ту (турур)* аффикси ҳар учала шахсда тўла ишлатилиши жиҳатдан фарқ қилади. Шевада бу феъл формасининг бўлишсиз шакли феъл ўзагига *-мэ* аффиксини қўшиш орқали юзага келади. Бунда феълдаги *-э* равишдош аффикси тушиб қолади.

I ш. *бэрмэйэтуптумән*	*бэрмэйэтуптумъз*

язык, II. М., 1952, с. 372; Исхаков Ф. Формы настоящего времени изъявительного наклонения в тувинском языке. ИСГТЯ. II. Морфология. М., 1956, с. 310—311.

[75] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 110—112-бетлар.

[76] Баскаков Н. А. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы. ИСГТЯ. II. Морфология, М., 1956, с. 287.

[77] Шукуров Ш. История развития глагольных форм узбекского языка. Ташкент, 1966, с. 51.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ш. *бэрмэйэтуптусэн* *бэрмэйэтуптусълла*
III ш. *бэрмэйэтупту* *бэрмэйэтуптулэ*

Дарҳақиқат, қарлуқ шевасида ҳар учала шахсга (бирлик ва кўпликда) *-ту* аффиксининг қўшилиб кела олиши табиий ҳол эканлигини шева материаллари тўла тасдиқлайди.

Демак, *-тъ* формасининг ҳар учала шахсга бирикиб келиши *-тур//-дур//-ту//-ты* элементининг айнан ўзидир. Мазкур феъл формасининг бўлишсиз шакли *-мә* аффиксини феъл ўзакларига қўшиш орқали ҳам ҳосил бўлади: *бэрмәйэтъптъмән, әйтмәйэтъптъсән, келмәйэтъптъ* каби.

Ленинобод областининг Шимоли-шарқий қисмига жойлашган қарлуқлар нутқида[78] ҳозирги замон формасининг ишлатилиши ва қўлланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу замон формаси Исписор, Ғўлакандоз, Янгиқишлоқ, Андарсой қишлоқларидаги қарлуқлар шевасидан ўзаро фарқланишига қарамай, Тожикистон ССРнинг жанубидаги қарлуқлар шевасидан принципиал фарқ қилади.

1. Бу феъл формаси Исписор шевасида феълнинг *-ә(-й)* равишдош шаклига *+вэт+*тусловчи қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади[79]. Қиёсланг:

	Исписор	Тошкент[80]
I ш.	*бэрәвэммән бэрәвэммъз //бъз*	*бэрвэммән бэрвэммъз //ә*
II ш.	*бэрәвэссән бэрәвэссълә*	*бэрвэссән бэрвоссълә*
III ш.	*бэрәвэттъ борәвэттълә*	*бэрвэттъ бэрвэттъ*

2. Андарсой қишлоғи аҳолиси нутқида мазкур феъл формаси феълнинг *-ә* равишдош шаклига *+вэт+тъ+* шахс-сон қўшимчаларини бириктириш йўли билан ҳосил бўлади:

I ш. *келәвэттъм* *келәвэттък* (келяпмиз)
II ш. *келәвэттъң* *келәвэттъләрң*
III ш. *келәвэттъ* *келәвэттълә*

---

[78] *Қаранг:* Шералиев Э. Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари таснифи. УТА, 1977, 6-сон, 50—52-бетлар.

[79] *Қаранг:* Шералиев Э. Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шевалари лексикаси. Канд. дисс. Тошкент, 1974, 26—27-бетлар.

[80] Гулямов Я. Г. Из наблюдений над морфологией ташкентского говора. УДМ. I. 1957, с. 170.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чоғиштиринг: Паркент: *кетвэттъм, кетвэттънг, кетвэттъ;* Ниёзбоши: *кетъвэттъм//кетмэттъм, кетъвэттънг, кетъвэттъ//кетвэттъ.*

3. Топқоқ қишлоғи аҳолиси нутқида ҳозирги замон формаси феъл ўзагига *+вэт+тъ+*шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

I ш. *ме эйтвэттъмэ* — *бъз эйтвэттъбъз* (айтаяпмиз)
II ш. *се айтвэссэ* — *сълэ эйтвэссълэ*
III ш. *у эйтвэттъ* — *улэ эйтвэттъ*

Бўлишсиз шакли

I ш. *ме эйтмэвэттъмэ* — *бъз эйтмэвэттъбъз* (айтмаяпмиз)
II ш. *се эйтмэвэссэ* — *сълэ эйтмэвэссълэ*
III ш. *у эйтмэвэттъ* — *улэ эйтмэвэттъ*

Эълон қилинган кўпгина ишларда ҳозирги замон феъли феъл ўзакларига *+вэт+тъм, -вэт+тънг* шаклида қўшилади дейилган[81]. Бундай дейиш *-тъм, -тънг* аффиксини бир бутун аффикс сифатида тушунишга олиб келади. Шунинг учун мазкур аффиксни *-вэт+тъ+м, -вэт+тъ+нг* тарзида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. *-вэттъ* формасидаги *-тъ* аслида *турур//дурур* формасининг қисқарган шаклидир.

4. Ғўлакандоз шевасида ҳозирги замон формаси феъл ўзакларига *+эп+*тусловчи аффиксларни қўшиш билан вужудга келади. Шу факт характерлики, Ғўлакандоз шевасидаги тусланиш Самарқанд-Бухоро, Қарши, Ургут, Каттақўрғон шеваларидаги тусланишдан деярли фарқ қилмайди:

Ғўлакандоз

I ш. *мэн келэ: мэн* — *бъзэ келэ: мъс*
II ш. *сэн келэпсэн* — *сълэ кэлэпсълэ*
III ш. *у кэлэптъ* — *улэ келэптълэ*

-йэп//-эп формасининг юзага келиши аслида *-ётиб-дур* феъли билан алоқадор эканлигини тадқиқ этилаётган шева материаллари ҳам тўла қувватлайди. Қиёсланг: *келэйэтъбдур>келэйэтъбду>келэйэтъпту>келэйэпту>келэйэтъбдур; келэйэтъбдъ//келэйэтъптъ>келэйэптъ>келэпту; -а+йэтъб+дур>-а+йэтъбдър>-а+йэтъбдъ>-а+йэтъптъ>-йэп+тъ>-эп-тъ.*

---

[81] Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеваси. ЎДМ. I. 154—155-бетлар; Ғафурова Н. С. Ўзбек тилининг Ниёзбоши шеваси. ЎДМ, II. 268—269-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу шевада ҳозирги замон феъли I шахс бирлик ва кўпликда тусланганда *-эп* аффиксидаги *-п* ундошининг туширилиб талаффуз қилиниши ҳисобига *-ю* унлиси чўзиқ талаффуз этилади. Бу факт Қ. Қ. Юдахиннинг унли товушларнинг чўзиқ талаффуз этилиши жарангли ундошлардан олдин содир бўлади деган фикрини[82] тўла қувватлайди: *келэ:мэн, келэ:мъз//-бъз.*

5. Янгиқишлоқ шевасида бу феъл формаси феъл ўзагига *-йю*+шахс-сон аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади:

I ш. *мэн бэрйэ:мэн, къйлэ: мэн*	*бъзэ бэрйо:мъз, къйлэ: мъз*
II ш. *сэн бэрйэ:сэн, къйлэ:сэн*	*съ лэ бэрйэ:съ лэ, къйлэ:съ лэ*
III ш. *у бэрйэттъ, къйлэттъ*	*улэ бэрйэттълэ, къйлэттълэ*

Мазкур феъл формасининг тусланишида *келмоқ* феъли ўзагида *-э>ъ* ҳодисаси рўй берган. Шунингдек, *-йэп (яп)* аффиксидаги *-п* ундоши талаффузда туширилиши ҳисобига I, II шахс бирлик ва кўпликда *-йэ* формасидаги *-ю* унлиси чўзиқ талаффуз қилинади. Умуман, *-ётиб* формасидаги *-и(б)* аффикси тусловчи қўшимчадан олдин туширилади: *-йэт>-йэ: бюр+йэ: + мэн, кел+йэ+сэн* каби.

6. Деҳмой ва Қатағон қишлоқлари шевасида ҳозирги замон феъли Андижон, Қўқон, Марғилон шеваларидагидек[83] феъл ўзакларига *-йэп*+шахс-сон қўшимчасининг бирикишидан юзага келади:

I ш. *мэн бэрйэпмэн*	*бъз бэрйэпмъз*
II ш. *сэн бэрйэпсэн*	*съ лэр бэрйэпсъ ллэ*
III ш. *у бэрйэптъ*	*улэ бэрйэптъ лэ*

7. Шўрқўрғон қишлоғидаги қарлуқ шевасида мазкур феъл формаси феълнинг равишдош формасига *-йэп//-йэтъп*+тусловчи аффиксларни қўшиш билан ҳосил бўлади. Бу феъл формасининг *-моқда* аффикси орқали ясалиши тадқиқ этилаётган шеваларда деярли учрамайди[84].

---

[82] Ю д а х и н К. К. Некоторые особенности карабулакского говора. Ташкент, 1927, с. 8.

[83] И б р о ҳ и м о в С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967, 200-бет,: Н о с и р о в Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 129-бет.

[84] Ҳозирги замон феълининг *-моқда* аффикси билан ясалувчи формаси китобий услубга хос. Мазкур форма қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда деярли ишлатилмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий тилимиздаги *оляпман* феълининг тусланишти Шўрқўрғон шевасида қуйидагича кўринишга эга:

I ш.	*элъйэпмэн// элъйэтъпмэн*	*элъйэппъс// элъйэтъппъс*
II ш.	*элъйэпсэн// элъйэтъпсэн*	*элъйэпсълэр// элъйэтьпсълэр*
III ш.	*элъйэптъ// элъйэтъптъ*	*элъйэптълэр// элъйэтъптъ ёки элъшйэтьптъ*

Чоғиштиринг: Қўқон: *келъйэптъ, бэръйэптъ, сэғъйэптъ*[85].

8. Қамишқўрғон ва Булоқ (Ашт), Кўлкент, Офтобрў, Қизилпилол (Исфара) қишлоқлари аҳолиси нутқида ҳозирги замон феъли феъл ўзакларига ҳам, равишдош шаклига ҳам *-йэп*[86]*//-йеп*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш йўли билан ясалади. Бу жиҳатдан мазкур шевалар Қашқадарё ва Фарғона тип шеваларга[87] анча яқин.

I ш.	*ҳэйдэйэппэн, қъзиеппэн*	*ҳэйдэйэппъз (с), қъзиеппъ (з) (с)*
II ш.	*ҳэйдэйэпсэн, қъзиепсэн*	*ҳэйдэйэпсъ (з) (с), қъзиепсъ (з) (с)*
III ш.	*ҳэйдэйэптъ, қъзиептъ*	*ҳэйдэйэптъ, қъзиептъ*
I ш.	*кесэйэппэн*	*кесэйэппъ (з) (с) (кесяпмиз)*
II ш.	*кесэйэпсан*	*кесэйэпсъ (з) (с)*
III ш.	*кесэйэптъ*	*кесэйэптъ*

Бу феълнинг бўлишсиз шакли феъл ўзагига *-мэ* қўшимчасини қўшиш билан ясалади: *ҳэйдэмэйэппэн, ҳэйдэмэйэпсэн, ҳэйдэмэйэптъ* каби.

элъйэптъ//элъйэтъптъ феълидаги *-йэтъп* аффиксидан олдин келган *-б* равишдош ясовчи аффикси туширилган.

---

[85] Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, 129-бет.

[86] *-йэп (-яп)* аффикси *-йотъб (ётиб)* ўтган замон равишдошининг қисқаришидан келиб чиққан. *Қаранг:* Решетов В. В. Современный узбекский язык. Ч. I. Ташкент, 1946, с. 67; Ҳожиев А. Аниқ ҳозирги замон феъли формасининг келиб чиқиши ҳақида. УДМ. II. 442—452-бетлар.

[87] Шерматов А. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари, 50-бет; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967, 210—212-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Ошоба шевасида ҳозирги замон феъли феъл ўзак ларига *-йэтъп* ҳамда *-вот*+тусловчи қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади. Бу шева *-вэт* аффикси билан ясалиши жиҳатдан Тошкент, Тагоб, Паркент шевалари билан умумийликка эга, лекин *-йэтъп* аффикси билан ясалишига кўра бу шевалардан бир қадар фарқ қилади. Ошоба шевасида ҳозирги замон феъл формасининг *-йэтъп* аффикси орқали ясалиши активдир:

I ш.	*чъқэйэтуммән*	*чъқэйэтуббъз* (чиқяпмиз)
II ш.	*чъқэйэтъпсән*	*чъқэйэтъпсъс*
III ш.	*чъқэйэтьптө*	*чъқэйэтъптөлә*

Қиёсланг: Ошоба

I ш.	*көрвэтмәп*	*көрвэтвъз// бъз*
II ш.	*көрвэтсән*	*көрвэтсъзлә*
III. ш.	*көрвэттъ*	*көрвэттьлә*

Тагоб[88]

кевэтмән// кевэтмъз
кевэтсән// кевэтсъз
кевэттъ// кевэттъ

10. Хамиржу қишлоғи (Конибодом) шевасида ҳозирги замон формаси феъл ўзагига +*йәп*+*тъ*+тусловчи қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади:

I ш.	*бэрйәптъмән*	*бэрйәптьмъз* (боряпмиз)
II ш.	*бэрйәптъсән*	*бэрйәптьсъз*
III ш.	*бэрйәпть*	*бэрйәптьләр*

Кўриниб турибдики, ҳар учала шахс (бирлик ва кўплик) формасига *-тъ* аффикси тусловчилардан олдин қўшилган. Бу ўринда *-тъ*<*-турур//-дурур* сўзининг қисқарган формасидир. Мазкур феълнинг бўлишсиз формаси феъл ўзагига *-мә* аффиксини қўшиш билан юзага келади: *бэрмәйәптъмән, бэрмәйәптъсән, бэрмәйәпт* каби.

11. Кўчкак, Ниёзбек ва Патар (Конибодом) қишлоқларидаги қарлуқлар шевасида ҳозирги замон феъли феъл ўзагига +*әп*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

I ш.	*кетәппән*	*кетәппъ (з) (с)* (кетяпмиз)

---

[88] Фармонов И. Тагоб шевасининг баъзи бир хусусиятлар ҳақида. УДМ. I. 350-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ш. *кетәпсән* — *кетәпсъ (з) (с)*
III ш. *кетәптъ* — *кетәптъләр*

Бўлишсиз формаси:

I ш. *кетмәппән* — *кетмәппъ (с)* (кетмаяпмиз)
II ш. *кетмәпсән* — *кетмәпсъ (з) (с)*
III ш. *кетмәптъ* — *кетмәптъләр*

Бу ўринда шуни айтиш ўринлики, I шахс (бирлик ва кўпликда) тусловчи аффикс ўзидан олдинги аффиксга (*бм*>*пп* тарзида) ассимиляцияга учраган ҳолда қўшилади. Шунингдек, ҳозирги замонни кўрсатувчи *-йәп* аффиксидаги *-й* ундоши талаффуз этилмайди. Бу феълнинг бўлишсиз шаклида эса икки унлидан бири (*-ә* товуши) туширилади: *кетмәәппән*>*кетмәппән* каби.

Ленинобод областининг Иторчи (Ғончи) қишлоғи аҳолиси нутқида ҳозирги замон феъли ўзагига +*йәп*+ шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

I ш. *қурәйәммән* (қураяпман) — *қурәйәммъз* (қураяпмиз)
II ш. *қурәйәпсән* — *қурәйәпсъ лә*
III ш. *қурәйәптъ* — *қурәйәптъ лә*

Бўлишсиз шакли:

I ш. *қурмәйәммән* — *қурмәйәммъз*
II ш. *қурмәйәпсән* — *қурмәйәпсъ лә*
III ш. *қурмәйәптъ* — *қурмәйәптъ лә*

Қўринадики, мазкур шевада *-мә* бўлишсизлик аффикси феълнинг равишдош шаклига қўшилган ҳолда тусланади.

Панжакент районидаги Киштўдак, Кошона ва Зарафшон қишлоқлари аҳолиси нутқида ҳозирги замон феъли феълнинг равишдош шаклига +*йәтъпту*+тусловчиларни қўшиш орқали ясалади:

I ш. *курәйәтъптумән* (кураяпман) — *курәйәтъптумъз* (кураяпмиз)
II ш. *курәйәтъптусән* — *курәйәтъптусъ ллә*// *-съ лә*
III ш. *курәйәтъпту* — *курәйәтъпту*

Бўлишсиз шакли: *курәмәйәтъптумән, курәмәйәтъптусән, курәмәйәтъпту*.

Панжакент районидаги Туркрож қишлоғи аҳолиси нутқида ҳозирги замон феъли феълнинг равишдош

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклига + *туп*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади.

I ш. *чэчэтуппэн* (сочаяпман)	*чэчэтуппъс* (сочаяпмаз)
II ш. *чэчэтупсэн*	*чэчэтупсъс*
III ш. *чэчэтупту*	*чэчэтупту*

Бўлишсиз шакли:

I ш. *чэчмэтуппэн*	*чэчмэтуппъс*
II ш. *чэчмэтупсэн*	*чэчмэтупсъс*
III ш. *чэчмэтупту*	*чэчмэтупту*

Тадқиқ этилаётган шевада I—II шахс кўпликда *-пм>пп* ассимилятив ҳолати содир бўлади, шунингдек шахс-сон қўшимчаси охиридаги *з* товуши жарангсиз *с* ундошига мослашади. I шахс кўпликда феълнинг ҳозирги замон ясовчи аффиксига шахс-сон қўшимчаси *-мъз>-пъс* формасида қўшилади.

Бундай ҳодиса бошқа шаҳар шеваларида ҳам мавжуд. Мазкур феълнинг бўлишсиз шакли эса I—II шахс бирлик ва кўпликда *-мэ//-мэ* тарзида юз беради. III шахс бирлик ва кўпликда деярли бирлик формаси ишлатилади.

Ленинобод области Панжакент районидаги қарлуқлар шевасида ҳозирги замон феъли феъл ўзагига *-эт//-этъп*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади. *-эт* аффикси билан ясалувчи феъл формаси Ҳаққулобод (Наманган), Паркент, Пискент (Тошкент) ва Косон районидаги қарлуқ (Қашқадарё) шеваларида ҳам учрайди[89].

-от аффиксининг пайдо бўлиши К. Усмоновнинг кўрсатишича, икки хил йўл билан юзага келган: 1) *бэрэтуммэн>бэротмэн//бэрэммэн;* 2) *бэрэттъм>бэротъм*[90]. В. В. Решетов кўрсатганидек, *-эт* аффикси *ват>-вэт>-эт* шаклида юзага келгандир[91].

Қарл.

I ш. *келэттъмэн//келэттъптумэн*	*келэттъмъз//келэттъптумъз*

[89] Алиев А. Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент, 1974, 110-бет; Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеваси. ЎДМ. I, 155-бет; Шерматов А. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. ЎДМ, II, 209-бет.

[90] Усманов К. Формы настоящего времени глагола в говорах узбекского языка. АКД. Ташкент, 1969, с. 16.

[91] Решетов В. В. Узбекский язык. Часть I. Фонетика. Ташкент, 1959, с. 72.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ш. *келэттъсэн |кел-эттъптусэн*	*келэттъсъз||келэттъп-тусъз*
III ш. *келэттъ||кел-эттъпту*	*келэттъ||келэттъпту*

Панжакент районидаги Чинор қишлоғи қарлуқ шевасининг вакиллари нутқида мазкур феъл формаси феъл ўзагига ёки феълнинг равишдош формасига +*йэп*+*ту*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

I ш. *берйэптумэн||-берэйэптумэн*	*берйэптумъз||-берэй-эптумъз*
II ш. *берйэптусэн||-берэйэптусэн*	*берйэптусъз||-берэй-эптусъз*
III ш. *берйэпту||-берэй-эпту*	*берйэптулэ||-берэйэпту-лэ*

Бўлишсиз шакли:

I ш. *бермэйэптумэн*	*бермэйэптумъз* (бермаяпмиз)
II ш. *бермэйэптусэн*	*бермэйэптусъз*
III ш. *бермэйэпту*	*бермэйэптулэ*

Қиёс қилинг: Паркент: *ъшлэттъ, бэроттъ*[92]; Қарши: *бэрэттък, бэрэттънгъз, бэрэттълэ*[93].

Кўринадики, тадқиқ қилинаётган шевада ҳозирги замон феълининг ясалиши қиёс этилаётган шевалардан сезиларли даражада фарқланади. Текширилаётган шеваларда мазкур феъл тусловчи аффиксларни тўла ҳолда қабул қилса, Паркент шевасида фақат -*эттъ* формаси билан ясалади.

Панжакент районидаги Киштўдак, Кошона қишлоқлари аҳолиси нутқида ҳозирги замон феъл формаси феъл ўзагига -*эп*\|\|-*эпту*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш усули билан ҳосил бўлади:

I ш. *болэпмэн* (бўляпман)	*болэппъз* (бўляпмиз)
II ш. *болэпсэн*	*болэпсъз*
III ш. *болэпту*	*болэптулэ*
I ш. *чушэптумэн* (тушяпман)	*чушэптумъз* (тушяпмиз)

[92] Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеваси, 155-бет.
[93] Шерматов А. Узбекские народные говоры Қашкадарьинской области. Ташкент, 1978, с. 46.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ш. *чушэптусэн*	*чушэптусъз*
III ш. *чушэпту*	*чушэптулэ*

Бўлишсиз шакли: *болмэ:ппэн, болмэ:сэн, болмэ:пту; чушмэ: тупмэн, чушмэ:тупсэн, чушмэ:тупту.*

Бу тусланишга кўра тадқиқ этилаётган шевалар бир жиҳатдан Самарқанд-Бухоро шеваларига, иккинчи жиҳатдан эса Жанубий Тожикистон қарлуқлари шевасига бир оз яқин туради.

Иккинчи тип қипчоқ лаҳжасига мансуб лақай ва бошқа қипчоқ шеваларида, қозоқ, қорақалпоқ тилларидагидек, ҳозирги замон феъли феълнинг равишдош шаклига *-джатыр//-йатыр//-йэтир//-тыр//-тир* + шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

Ж. Ш. қипч.

I ш. *мэн бараджатырман*	*биз бараджатырмыз* (бораётирмиз, бораяпмиз)
II ш. *сен бараджатырсан*	*силер бараджатырсилер*
III ш. *вол бараджатыр*	*волар бараджатырлар*

Қипчоқ-лақай шевасида ҳозирги замон феъли феъл ўзакларига *-атыр//-этир* ҳамда тусловчи аффиксларни қўшиш орқали юзага келади:

Лақай

I ш. *мэн кийэтирмэн*	*биз кийэтирмиз* (кийиняпмиз)
II ш. *сен кийэтирсэн*	*сиз//силер кийэтирсилер*
III ш. *вол кийэтир*	*волар кийэтирлэр*

Шуниси характерлики, Лақай шевасида феълнинг равишдош шаклига *+йатыры//-йэтири*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳам ҳозирги замон феъли ҳосил бўлади (*ётмоқ* феълидан кейин келган *-ы//-и* унлиси орттирилган товушдир).

I ш. *мен сувды қуйайатырыман*	*биз сувды қуйайатырымыз*
II ш. *сен сувды қуйайатырысан*	*сиз сувды қуйайатырысылар*
III ш. *вол сувды қуйайатыры*	*волар сувды қуйайатырылар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуни қайд қилиш керакки, Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган «Равшан» достонида ҳозирги замон формаси *-ётири* аффикси орқали ифодаланган[94]:

Қорахоннинг қўшини,
Жонин сотаётири,
Мард Ҳасаннинг гирдини
Қат-қат тутаётири.

Демак, А. Ишаев ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *-яп+ти* вазифасида қўлланган *-ётири (+иб+ди)* аффикси фонетик жиҳатдан торайиб (*-б-ди* туширилиб), достонда *-ётири* тарзида ишлатилганлигини тўғри қайд қилган. Лақай шевасида *-джатыр//-йатыр//-йәтир// -тыр//-тир* аффиксларига нисбатан *-йатыры//-йәтири* аффиксли феъл формалари маҳсулдордир. Шевада *-йатыры//-йәтири* аффикси ўзбек адабий тилидаги *-яп, -ётир* аффиксларининг ўрнида қўлланилиб, у ҳозирги замон маъносини ифодалайди ҳамда ҳаракатнинг давомийлигини, тугалланмаганлигини, интенсивлигини кўрсатади. Бундан ташқари, лақай шевасида *кевәнтирмән*[95] феълининг ҳозирги замон маъносида тусланиши ҳам характерлидир:

I ш.	*мен кевәнтирмән*	*биз кевәнтирмиз*
II ш.	*сен кевәнтирсән*	*сиз//силәр кевәнтирсиләр*
III ш.	*вол кевәнтир*	*волар кевәнтирләр*

Шунингдек, Э. Шералиев ҳам Уяс ва Исмоил қишлоқларида яшовчи қипчоқлар нутқида ҳозирги замон феъли феълнинг равишдош шаклига *-джатыр//-джәтыр*+тусловчи қўшимчаларни қўшиш орқали ясалишини қайд этган[96]. Лекин мазкур қишлоқлар шевасида, ҳозирги замон феъли кўпгина қипчоқ шеваларидагидек, феъл ўзакларига *-йеп*+шахс+сон аффиксларини қўшиш орқали ҳам ясалади:

---

[94] Ишаев А. Достонлар тилининг баъзи бир хусусиятлари. Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб. Тошкент, 1977, 177—178-бетлар.

[95] *кевәнтир* феълидаги *-вәнтир* аффиксининг биринчи бўғинидаги *-н* (аслида *-н* < *-л*) шу феълнинг ўзагига алоқадордир, яъни *келвәтир* > *кенвәтир* > *-кевәнтир* (*лвә* > *нвә* > *вән*). Бу ўринда метатеза ва *л*>*н* фонетик ҳодисалари мавжуд. *Қиёсланг:* Ишаев А. Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. ЎДМ. II, 133—135-бетлар.

[96] Шералиев Э. Лексика узбекских говоров Северо-Восточного Таджикистана. АКД. Ташкент, 1974, с. 12.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I ш.	*сызйеппән*[97]	*сызйеппи (з) (с)*
II ш.	*сызйепсән*	*сызйепси (з) (с)*
III ш.	*сызйепти*	*сызйептиләр*

Мазкур шевада *-джатыр*//*-джотыр* аффикслари билан ҳосил қилинган ҳозирги замон феъл формасига нисбатан *-йеп* аффикси билан ясалувчи феъл формалари актив ишлатилади. Аслида *-йеп* формаси *-ётиб*> *-йап*>*-йеп (-яп)*[98] шаклида юзага келган.

Қарапчи, Қайирма (Ўратепа) қишлоқлари қариялари нутқида ҳозирги замон феъли феълнинг равишдош шаклига *-джэп*//*-джэтыр* ҳамда тусловчи қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил қилинади:

I ш.	*бэраджэппән*	*бэраджэппыс* (борапмиз)
II ш.	*бэраджэпсән*	*бэраджэпсъс*
III ш.	*бэраджэпты*	*бэраджэпты (лар)*
I ш.	*бэраджэтырман*	*бэраджэтырмыз* (бораётирмиз)
II ш.	*бэраджэтырсан*	*бэраджэтырсыз*
III ш.	*бэраджэтыр*	*бэраджэтыр (лар)*

Шевадаги *-джэп* аффикси аслида *ётиб* феъли билан узвий алоқадор: *ётиб (йэтиб)*>*-йэтъп (й>дж)*>*джэтып*>*джэ(ты)п*>*джэп*. *-ты* товуш бирикмаси талаффузда туширилган.

Ҳозирги-келаси замон формаси

Ҳозирги-келаси замон аниқлик формаси. Қарлуқ группа шеваларида, масалан, Ошоба шевасида ҳозирги-келаси замон аниқлик формаси феъл ўзакларига *-ә*//*-й* аффикси+шахс-сон қўшимчалари қўшиш билан ясалади:

I ш.	*терәмән, өқъймән*	*терәвъс, өқъйвьс* (ўқиймиз)
II ш.	*терәсән, өқъйсән*	*терәсъс, өқъйсъс*
III ш.	*терәдъ, өқъйдъ*	*терәдъләә, өқъйдъләә*

---

[97] Шевада *сыз-* феъли *чизмоқ* ҳамда *сизмоқ* маъноларида қўлланади.

[98] Йўлдошев А. Манкент шевасида феълларнинг замон формалари. Ўзбек филологияси масалалари. ТошДУ илмий асарлари. Тошкент, 1968, 18-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқ шевасида бу феъл формаси қуйидагича тусланишга эга:

I ш.	*ъ:чәмән*	*ъ:чәвуз* (ичамиз)
II ш.	*ъ:чәсән*	*ъ:чәсъллә*
III ш.	*ъ:чәду*	*ъ:чәдъ лә*

Қиёсланг: Тошкент шевасида

I ш.	*әчъ нәмән*	*әчънәвуз (ә)*
II ш.	*әчънәсән*	*әчънәсълә*
III ш.	*әчънәдъ*	*әчънъшәдъ*

Қиёслаш кўрсатадики, тадқиқ қилинаётган шевадаги феъл формалари I—II шахс кўпликда тусланиш жиҳатдан бир оз фарқланади. Бироқ шевада III шахс кўпликда *-дълә* аффикси қўлланса, Тошкент шевасида *-ъш* аффикси ишлатилади.

Тадқиқ этилаётган шевада бу феълнинг бўлишсиз формаси *-мә+с+*шахс-сон қўшимчаси орқали ясалади:

I ш.	*бәрмәсмән*	*бәрмәсвуз* (бормасмиз)
II ш.	*бәрмәссән*	*бәрмәссълә*
III ш.	*бәрмәс*	*бәрмәсбъ лә*

Нижони (Ўратепа) қишлоғи аҳолиси нутқида ҳозирги-келаси замон феъли қуйидагича тусланади:

I ш.	*кърәмән*	*къръвуз*/*-къръвъз* (кирамиз)
II ш.	*къръсән*	*къръсълә*
III ш.	*къръдъ*	*къръдъ*

Бўлишсиз шакли:

I ш.	*кърмъймән*	*кърмъйвъз* (кирмаймиз)
II ш.	*кърмъйсән*	*кърмъйсълә*
III ш.	*кърмәйдъ*	*кърмәйдъ*

Қўринадики, I шахс кўпликда феълнинг равишдош шаклига шахс-сон аффикси *-въз*/ *-вуз* шаклида қўшилади. Мазкур феълнинг бўлишсиз шакли эса, I—II шахс бирлик ва кўпликда *-мъ+й* формасида ифодаланади. III шахснинг бирлик ва кўплиги учун фақат бирлик формаси ишлатилади.

Ўратепа районининг Топқоқ қишлоғи аҳолиси нутқида ҳозирги-келаси замон феъли феъл ўзагига+равишдош ясовчи аффикс+шахс-сон қўшимчасини қўшиш орқали ясалади:

I ш.	*ме келәмә, өқъймә*	*бъз келәвьз, өқъйвъз*
II ш.	*се келәсә, өқъйсә*	*сълә келәсъллә. өқъйсъллә*
III ш.	*у келәдъ, өқъйдъ*	*улә келәдъ, өқъйдъ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг: Чимкент областидаги ўғуз шевасида

I ш.	*мән келәмә*	*бизәр келәмиз*
II ш.	*сән келәсә*	*силәр келәсиләр*
III ш.	*у(л) келәдъ*	*уләр келәди (ләр)*[99].

Парадигмадан маълумки, Топқоқ қишлоғи шеваси I—II—III шахс бирликда тусланиши жиҳатдан қиёсланаётган шевадан деярли фарқ қилмайди. Бироқ I—II шахс кўпликда ўрганилаётган шевада *-въз, -съллә;* ўғуз шевасида эса *-миз, -силәр* шаклидадир. Топқоқ қишлоғи шевасидаги феъл формаси бу жиҳатдан Тошкент ва Қарноб шевасидаги феъл формасининг тусланишини эслатади[100].

Мазкур шевада феълнинг бўлишсиз формаси, кўпгина ўзбек шеваларидагидек, феъл ўзагига *-ме+й+* шахс-сон аффиксларини қўшиш усули билан ясалади:

	Топқоқ		Нўғой[101]
I ш.	*келмеймә*	*келмейвъз*	*бермеймиз*
II ш.	*келмейсә*	*келмейсъллә*	*бермейсиз*
III ш.	*келмейдъ*	*келмейдъ*	*бермейдилер*

Қиёсланг: Поп шевасида[102]

I ш.	*қарашмейман*	*қарашмеймиз*
II ш.	*қарашмейсан*	*қарашмейсиз*
III ш.	*қарашмейди*	*қарашмейди//-қарашмейдилар*

Шева материалларида I—II шахс кўплик *-въз, -съллә* тарзида. Поп шевасида шу шахсда *-миз, -сиз*. Қипчоқ группа шеваларида ҳозирги-келаси замон феъли феъл ўзагига равишдош ясовчи *-а//-ә//-е, -й+*тусловчи аффиксларни қўшиш билан ҳосил қилинади.

Ж. Ш. қипч.

I ш.	*берәмән, д͡жиремән*	*берәмис, д͡жиремис*
II ш.	*берәсән, д͡жиресән*	*берәсис, д͡жиресис*
III ш.	*берәди, д͡жиреди*	*берәди, д͡жиреди*

[99] Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Тошкент, 1978, 95-бет.

[100] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 169-бет,: Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари. Тошкент, 1977, 102-бет.

[101] Грамматика ногайского языка (Фонетика и морфология). Черкесск, 1973, с. 224.

[102] Шарипов О. Ўзбек тили Поп шевасининг морфологияси. Андижанский Государственный педагогический институт. Ученые записки. Филологическая серия. Андижан, 1957, с. 152.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу тусланиш ўзбек тилининг қипчоқ шеваларидаги каби умумий хусусият касб этади. Бироқ кўпгина қипчоқ шеваларида *ә* унлисининг *е* унлисига ўтиши (*ә*>*е*) деярли учрамайди. Бу жиҳатдан ушбу қипчоқ шевалари қорақалпоқ ва қозоқ тилларидаги феъл формасини эслатади. Қиёсланг: қорақалпоқ: *береди екен деп ала берме*[103].

Шуниси характерлики, мазкур феълнинг сўроқ юкламаси қипчоқ группа шеваларида *-ма*//*-ме*//*-па*//*-пе* кўринишларига эга: *барама? джазама? келеме? көреме? бәрыппа? қәппа? кеппе?* Қарл.: *Сен бәрәсән?* (сен борасанми?), *келәсән?* (келасанми?) Бундай хусусият ўзбек тилининг Туркистон шевасида ҳам учрайди[104]: *барасам?* (ты пойдешь ли?), *оқыйсам?* (ты будешь учиться?).

Ҳозирги-келаси замон гумон формаси. Ленинобод регионида жойлашган Офтобрў ва Қизилпилол қишлоғи қарлуқлари шевасида ҳозирги-келаси замон гумон формасининг қўлланиши ўзига хос хусусиятларига кўра кўпгина ўзбек шеваларидан фарқланади. Мазкур шева вакиллари нутқида бу замон формаси феъл ўзакларига *йәр*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Шевада мазкур форма маъноси жиҳатдан ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилишини гумон ва ноаниқ ҳолда кўрсатади.

I ш.	*өқъйәрмән, келъйәрмән*	*өқъйәрмъз*[с], *келъйәрмъз*[с]
II ш.	*өқъйәрсән, келъйәрсән*	*өқъйәрсъз*[с], *келъйәрсъз*[с]
III ш.	*өқъйәр, келъйәр*	*өқъйәрләр, келъйәрләр*

Ҳозирги-келаси замон гумон формасини ҳосил қилувчи *-йур*//*-йүр* аффиксининг «Тафсир»да, «Қиссасул-анбиё» ва «Муҳаббатнома»да кенг кўламда қўлланилганлигини Ш. Шукуров фактик мисоллар асосида кўрсатиб берган[105]. Масалан:

I ш.	*оқыйурмән*	*оқыйурмиз*//*-биз*
II ш.	*оқыйурсән*	*оқыйурсиз*
III ш.	*оқыйур*	*оқыйурлар*

---

[103] Баскаков А. А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). Ч. II. М., 1952, с. 426—427.

[104] Мухамеджанов К. Туркестанский говор узбекского языка. АКД. Ташкент, 1970, с. 22.

[105] Шукуров Ш. История развития глагольных форм узбекского языка. Ташкент, 1966, с. 84.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг: туркман тилида[106]

I ш.	*алйәрын||алйарман*	*алйарыс||алйармыз*
II ш.	*алйарсын*	*алйарсыңьз*
III ш.	*алйар*	*алйар (лар)*

Гагауз тилида[107]			Эски ўзбек тилида[108]
I ш.	*башлээрым*	*башлээрыз*	*йәйўрмән*
II ш.	*башлээрсын*	*башлээрсыңыз*	*тиләйўрмән*
III ш.	*башлээр*	*башлээрлар*	*ишләйўр биз*
			сөзләйўр биз

Тадқиқ этилаётган шевадаги феъл формасининг ясалиши туркман ва гагауз, шунингдек озарбайжон, турк тилларидаги формага анча яқин туради. Бу тусланиш Офтобрў ва Қизилпилол қишлоғи шевасида келаси замон гумон феълини ҳосил қилса, туркман ва гагауз тилларида эса ҳозирги-келаси замон феълини ҳосил қилади.

Шуни айтиш керакки, *-йур||-йүр, (-р), -ар||-әр, -ур||-үр, -ыр||-ир* аффиксининг келиб чиқиши туркологик адабиётларда турлича талқин қилинган. А. Н. Кононов *-ар||-әр* вариантини жўналиш келишигининг қадимги *-ғар||-гер*<*-ғару||-гару* формантидан келиб чиққан деб кўрсатади ва *-ыр||-ир, -ур||-үр* вариантларини сифат ясовчи *-гыр||-гир* аффикси билан алоқадор, деб ҳисоблайди[109]. Ш. Шукуров эса *-йур||-йүр, -ур||-үр, -ыр||-ир* аффиксини тарихан мустақил грамматик маънога эга бўлган, икки морфеманинг бирикувидан ташкил топган таркибли аффикс деб кўрсатади:

1. *-а||-ә, -у||-ү (йу||-йү), -ы||-и* равишдош кўрсаткичи;

2. *-р*—замон (вид) кўрсаткичи *(бар+а+р ||-бар+у+р ||-бар+ы+р, ||-бил+ә+р ||-бил+ү+р ||-бил+и+р, бошла+йу+р, ишлә+йу+р* каби). Ҳозирги-

---

[106] Баскаков Н. А. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы. Морфология, ИСГТЯ. М., 1956, с. 271.

[107] Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка (Фонетика и морфология). М., 1964, с. 181.

[108] Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент, 1965, 85-бет.

[109] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, с. 225—226; Яна *қаранг:* Баскаков Н. А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). М., 1952, с. 425; Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951, с. 190.

www.ziyouz.com kutubxonasi

келаси замон феъли аффикси таркибидаги-*р* форманти этимологик жиҳатдан жўналиш келишигининг қадимги кўрсаткичи бўлмиш-*ру*//*рү* аффикси билан боғлиқ[110].

Ҳозирги-келаси замон гумон феъли Тожикистон ССРнинг жанубида жойлашган қарлуқ шеваси вакиллари нутқида келаси замон сифатдош ясовчи -*(ә)р* аффиксига+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

I ш. *өлтурәрмән*//*өлтърәрмән* *өлтурәрвуз*//*өлтърәрвуз*

II ш. *өлтурәрсән*//*өлтърәрсән* *өлтурәрсълльә*//*өлтърәрсълльә*

III ш. *өлтурәрдъ*//*өлтърәрдъ* *өлтурәрдъльә*//*өлтуръшәрдъ*//*өлтъръшәрдъ*

Қарлуқ тип шеваларнинг айримларида мазкур феълнинг бўлишсиз шакли -*мәр* аффикси орқали ясалади:

I ш. *өлтурмәрмән* *өлтурмәрвуз* (ўтирмаймиз)
II ш. *өлтурмәрсән* *өлтурмәрсълльә* (ўтирмайсизлар)
III ш. *өлтурмәрдъ* *өлтурмәрдъльә* (ўтирмайдилар)

Шуниси характерлики, Тожикистон ССРнинг жанубий қисмида жойлашган қарлуқ шеваси вакиллари нутқида ҳозирги-келаси замон гумон феълининг яна бир формаси феъл ўзагига -*(ә)р*+тусловчи аффикси+*дә* юкламасини қўшиш орқали ясалади. Бунда иш-ҳаракатнинг бажарилиши гумон ва абстракциялаш орқали англашилади:

I ш. *узәрмәндә* *узәрвуздә*
II ш. *узәрсәндә* *узәрсъллә дә*
III ш. *узәрдә* *узәрдә*

Маълумки, -*дә* элементи бирлик ва кўпликда учала шахсларга қўшила олиш хусусияти билан ажралиб туради. Бўлишсиз формаси: *бэрмәрмәндә, бэрмәрсәндә, бэрмәрдә* тарзидадир.

Ошоба шевасида эса мазкур феъл формаси қуйидагича тусланади.

I ш. *келәрмән* *келәрвъс* (келармиз)
II ш. *келәрсән* *келәрсъс*
III ш. *келәр* *келәрлә*

---

[110] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 121-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўлишсиз шакли эса ўзакка *-мэс* (*-мэ+с*) аффикси ва феъл тусловчиларини келтириш билан вужудга келади:

I ш. *келмэсмэн*	*келмэсвъс* (келмасмиз)
II ш. *келмэссэн*	*келмэссъс*
III ш. *келмэс*	*келмэслэ*

Қиёсланг: тува тилида: *ап тур бис, ап тур силер, ап тур*[111].

Иторчи қишлоғи шевасида бу феъл формаси қуйидагича тусланади:

I ш. *бэрэрдъм*	*бэрэрдъг*
II ш. *бэрэрдъй*	*бэрэрдъйнэ*
III ш. *бэрэрдъ*	*бэрэрдълэ*

Бунга ўхшаш фонетик ҳодисани караим тилида ҳам учратамиз. Қиёсланг: *келдим, келдий, келди; келдик, келдийиз, келдилер*[112]. Бу феъл тусланишида ўрганилаётган шевадаги II шахс бирлик ва кўпликда ҳамда караим тилида ҳам *нг* ундоши *й* тарзида ўзгарган. Лекин шевада I—II шахс кўпликда *-дъг, -дъйнэ;* қиёсланаётган шевада эса *-дик, -дийиз* формасидадир.

Шунингдек, ҳозирги-келаси замон гумон формаси Топқоқ қишлоғи шевасида ҳам Наманган, Чимкент области ўғуз шеваларидаги каби ҳозирги-келгусида бўладиган ҳаракат, ҳолатнинг бўлишини конкрет эмас, балки гумон, тусмол тарзида англатади. Қиёсланг:

	Топқоқ		Наманган[113]	
I ш.	*терэрмэ*	*терэрвуз*	*кетэрмэ:*	*кетэрмъз*
II ш.	*терэрсэ*	*терэрсълэ*	*кетэссэ:*	*кетэссълэ*
III ш.	*терэр*	*терэр*	*кетэр:*	*кетъшэр*

Чимкент ўғуз шеваларида[114]

I ш. *мэн и:шлэрмэ*	*и:шлэрмиз*
II ш. *сэн и:шлэрсэ*	*и:шлэрсъзлэр*
III ш. *у(л) и:шлэр*	*и:шлэрлэр*

Қиёсдан маълумки, тадқиқот объекти қилиб олинган шевада I—II шахс кўпликда *-вуз, -сълэ* бўлса, шу

---

[111] Исхаков Ф. Г., Пальмбах А. А. Грамматика тувинского языка (Фонетика и морфология). М., 1961, с. 381.

[112] Мусаев К. М. Грамматика караимского языка (Фонетика и морфология). М., 1964, с. 272; Прак О. Я. Очерк грамматики караимского языка (крымский диалект). Махачкала, 1976, с. 146.

[113] Алиев А. Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент, 1974, 129-бет.

[114] Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, 96-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахсларда Наманган, Чимкент ўғуз шеваларида *-мъз//-миз, -сълә//-съзләр* ҳамда Наманган шевасида -ә унлисининг чўзиқлиги ҳисобига шахс-сон қўшимчасидаги *-н* товуши туширилган.

Шуниси қизиқарлики, Топқоқ қишлоғи шевасида мазкур феълнинг бўлишсиз шакли *-мә+р* аффикси орқали ясалса, қиёс қилинаётган шеваларда эса *-мә+с* қўшимчаси орқали ясалади.

Топқоқ

I ш.	*термәрмә*	*термәрвуз* (термаймиз)
II ш.	*термәрсә*	*термәрсълә*
III ш.	*термәр*	*термәрлә*

Қиёсланг: Чимкент ўғуз шевасида

I ш.	*и:шләмәсмә*	*и:шләмәсмиз* (ишламаймиз)
II ш.	*и:шләмәссә*	*и:шләмәссъзләр*
III ш.	*и:шләмәс*	*и:шләмәсләр*

Панжакент райони қарлуқ шевасида ҳозирги-келаси замон гумон формаси эски ўзбек тили учун характерли бўлган *-ғу//-гу* аффиксларини феъл ўзакларига қўшиб, сўнгра шахс-сон қўшимчаларини келтириш усули билан ясалади. Қиёсланг:

	Панжакент қарлуқ шевасида		Эски ўзбек тилида[115]	
I ш.	*элғум*	*элғумъз*	*алғум*	*алғумыз*
II ш.	*элғуң*	*элғуңъз*	*алғуң*	*алғуңыз*
III ш.	*элғусъ*	*элғусъ*	*алғусы*	*алғулары*

Парадигмадан кўринадики, шевада III шахс кўплик формаси бирликда ифодаланса, эски ўзбек тилида *-лары* аффикси олиб тусланиши характерлидир.

Ҳозирги-келаси замон гумон феълининг *-ғу* аффиксли формаси тадқиқ этилаётган қарлуқ тип шеваларда *бэр, йэғ* (йўқ) модал сўзлари билан ҳам ифодаланади: *сәннән//-сеннән элғум бэр, мәнъ ъ:нән* (ундан) *элғум йэғ, мәнъ у къ:шъгә пул бергум бэр//-бэ.*

-ғу аффиксининг этимологияси ҳақида туркологик адабиётларда турли фикрлар баён қилинганлигини Ш. Шукуров ўз асарида қайд этган[116].

---

115 Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 148-бет; Мелиев К. Имя действия на -ғу в современном уйгурском языке. Труды САГУ. Иранская и тюркская филология. Ташкент, 1957, с. 53—55.

116 Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 145—146-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қипчоқ тип шеваларда ҳозирги-келаси замон гумон феъли форманти қарлуқ ва кўпчилик ўзбек шевалари ҳамда адабий тилдан фарқ қилиб, келаси-замон сифатдоши функциясидаги *-ғуч//-қуч//-гүч//-күч* фонетик шаклларига тусловчи аффиксларни қўшиш билан ҳосил қилинади:

I ш. *барғучман, кегүчмән* *барғучмыс, кегүчмис* (келармиз)

II ш. *барғучсан, кегүчсән* *барғучсыс, кегүчсис* (келарсиз)

III ш. *барғуч, кегүч* *барғуч, кегүч* (келар)

Фикримизча, *-ғуч* аффикси эски ўзбек тилидаги *-ғучи*, XI *аср* ёзма ёдгорликлар тилидаги *-ғисоқ//-гисак* аффиксларига алоқадордир[117].

МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ

Майл категорияси ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини кўрсатади.

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида феълнинг ижро, буйруқ-истак ҳамда шарт ва мақсад майллари мавжуд.

Ижро майли қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда субъект томонидан уч замоннинг бирида амалга оширилган, амалга оширилаётган ёки амалга оширилмоқчи бўлган ҳамда амалга оширилмаган иш-ҳаракат, ҳолатни ифодалайди.

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда ижро майли фонетик ва англатган маъно хусусиятларига кўра бирмунча фарқланади: *этънъ ушләп эллъ, мән дәйрәнъ эхънъ-бэхънъ көрдъм, текън нун бермәйдъ, мән укэмә хют йэзъпйэтъптъмән* каби.

Қарлуқ группа шеваларида буйруқ майлининг II шахс бирлиги учун *-гън//-гун*, қипчоқ тип шеваларда эса *-ғын//-қын//-гин//-кин//-ғун//-ғой//-қой* аффикслари ишлатилади. *-ғын* аффикси билан ясалиш хусусияти қозоқ, қирғиз, қумиқ, олтой, туркман, уйғур ҳамда қадимги туркий тилларда учрайди. Ленинобод области Ўратепа районидаги Шаҳристон зонасидаги қипчоқлар шевасида ҳам *-ғын* аффикси актив қўлланади. Қиёсланг:

---

[117] Шукуров Ш. Эски ўзбек тилида келаси замон феъллари (ёзма ёдгорликлар асосида). ЎТАМ. Тошкент, 1960, I, 79-бет; Мелиев К. Кўрс. асар, 84—95-бетлар; Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категориялари. Тошкент, 1955, 52-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж. қарл.	Лақай	Шаҳри-стон	Қипчоқ[118]	Караим.	қирғиз, олтой[119]
сэгун	*салағой*	*сэғын*	*сэғунэй*	*салғын*	
бэгун	*барағой*	*бэрғын*	*бэрғунэй*	*барғай*	*барғїн*
эгун	*элағой*	*эғын*	*эғунэй*	*алғын*	

Кўринадики, қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида буйруқ майлининг II шахс бирлиги феъл ўзаги бўлиб, содда ва кенгайган шаклларда ўз ифодасини топган: *э* (ол), *қю* (қол), *сэ* (сол), *бэ:* (бор), *эгун, эғын* (олгин), *салағой* (сола қол) ва бошқалар.

Шу факт характерлики, қипчоқ-лақай, Шаҳристон шеваларида буйруқ-истак майли *-ғой//-ғын* аффикси билан ҳосил қилиниб, бунда истакка нисбатан қатъий буйруқ, ҳаракат ва ҳолатни амалга оширишга ундаш каби маънолар англашилади.

Бундан ташқари, буйруқ феъли илтимос, маслаҳат, II шахсда эса ҳурмат маъносини ифодалайди. Бу ҳолатни ҳар иккала группа шева вакиллари нутқида учратамиз. Жанубий Тожикистондаги қарлуқ шевасида II шахс буйруқ-истак феъли ҳурмат, қисташ, илтимос, буйруқ маъносини ифодалаганда *-гънъң//-гунъң* аффикслари феъл ўзагига бирикади: *бэгунъң, кеткънъң, тургънъң, эгунъң* каби. Қиёсланг: Қашқадарё шевасида: *коргънънг, элгънънг, келгънънг;* қирғиз: *барғїнїн//* туркм.: *болғунинг*[120].

Шуниси характерлики, Ашт районидаги қипчоқ шеваси вакиллари нутқида буйруқ-истак майли *-ғуной//* *-қуной* аффикси орқали ифодаланади. Бунда илтимос, ялиниш, маслаҳат, буйруқ каби маънолар англашилади: *сен бэрғуной, сен дж͡эзғуной, сен йенди дж͡атқунэй, кеғунэй, кеғунэй-дә* (кела қолсанг-чи) каби.

[118] *Сэгун* сўзи «сўнг» кўмакчиси ва «солгин» феъли ўрнида ишлатилади. Наманган область Янгиқўрғон ҳамда Қурама шеваларида *-ғын* аффикси билан ясалувчи майл тури учрайди: Абдуллаев Ф. Кипчакский говор узбекского языка (по материалам Янгикурганского района Наманганской области). АКД, Ташкент, 1957, с. 16.

[119] Мусаев Қ. М. Грамматика караимского языка (Фонетика и морфология). М., 1964, с. 287; Юнусалиев Б. М. Қырғыз диалектологияси. Фрунзе, 1971, 179-бет; Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Глагол). Л., 1981, с. 46—47.

[120] Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Глагол). Л., 1981, с. 47; Юнусалиев Б. М. Кыргыз диалектологияси. Фрунзе, 1971, 179-бет; Мусаев Қ. М. Грамматика караимского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 287.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ленинобод районидаги Кўчкак, Хамиржў, Булоқ, Ниёзбек, Кўлкент шеваларида мазкур буйруқ-истак майли *-гън* аффикси билан ясалади: *бэргън, кегън, қөйгън* каби. Бунда ҳаракат-ҳолатни бажаришга ундаш, илтимос, буюриш каби маънолар ўз ифодасини топади. Лекин шуни айтиш ўринлики, бу майл турида буйруқдан кўра истак маъноси устунликка эга.

Қипчоқ-лақай шевасида буйруқ майлининг II шахс бирлиги *-ғын//-гин* формасига *-ын//-ин* аффикси қўшиш орқали ясалиб, бунда таъкидлаш, бўрттириш, кучайтириш, ортиқча буюриш каби маъноларни ифодалаши характерлидир: *йиертеги джерди, бечем, ҳайдэп қ о й ғ ы н ы н; вөзиңнен кэтте сөйлегендэ сен джим т у р ғ ы н ы н; сен кечеги қошықты а й т қ ы н ы н.*

Қипчоқ-лақай шевасида буйруқ-истак майлини ҳосил қилувчи яна бир характерли форма мавжудки, бу феълнинг равишдош формасидан сўнг қўшиладиган *-ғойғыр* қўшма аффиксидир. Бунда буйруқ-истак маъноси янада кучайтирилиб, таъкидлаб кўрсатилади: *сен бэрағойғыр* (сен бора қолгин), *келеғойғыр* (кела қолгин), *қойағойғыр* (қўя қолгин), *чушэғойғыр* (туша қолгин). Бу майлнинг бўлишсиз шакли феъл ўзагига *-май//-мей* қўшимчасини қўшиш орқали ясалади: *бэрмайғойғыр* (бормай қўя қолгин), *кемейғойғыр* (келмай қўя қолгин) каби.

Ўратепа районидаги Шаҳристон қишлоқ Советига қарашли Қайирма қишлоғи (қипчоқ) шевасида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги *-ғэй//-ғэйэй* аффикси билан ясалиб, бунда сўзловчининг феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга ёки бажармасликка бўлган ўта истаги, тилаги, хоҳиши, илтимоси, орзуси ва интилиши каби маънолар ифодаланади. ***-ғай*** *(-гэй, -қай, -кэй)* формаси дастлаб *-га (-гэ, -қа, -кэ)* шаклида бўлиб, кейинчалик унга [й] ундоши қўшилганлигини Ш. Шукуров қадимги ёдгорликлар ва ҳозирги туркий тиллар материаллари асосида ишонарли равишда кўрсатиб берган[121]. Шевада *-ғэйэй* аффикси аслида *-ғай, -эй* ундови типида бўлиб, *-эй* ундовидаги *-э* товушининг чўзиқланиши натижасида *ғай-э-эй*>*ғайэй*>

[121] Шукуров Ш. *-ғай* аффиксининг тарихига доир. ЎТА, 1964, 3-сон, 66—68-бетлар; Шу автор. Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти. Тошкент, 1980, 18—25-бетлар; Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюрских языков (Глагол), с. 44—49; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). Ч. I. М., 1952, с. 445—447.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғайәй шаклига келган. Масалан: *бэрағэйәй, келәғэйәй, турағэйәй* (турақолгин).

Шунингдек, мазкур шевада буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги *-ғэй* аффикси билан ҳам ҳосил қилинади. Бунда буйруқ, истак, орзу, тилак каби маънолар ифодаланади. *сен бэрэғэй, сен воқыйғэй, сен джазағэй, сен келәғэй* каби. Шевада буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги шева вакиллари нутқида *-ғэйәй* аффикси билан ясалувчи форма актив қўлланиши билан характерлидир.

Тадқиқ этилаётган қипчоқ тип шеваларда буйруқ майлининг II шахс бирлиги феълнинг *-ә, -й* аффиксли равишдош шаклига *-ғай//-ғой* аффиксларини қўшиш орқали ҳам ясалади. Бироқ *-ғай* аффикси билан ясалувчи феъл формаси оддий истак, хоҳиш, туйғу, юмшоқлик маъноларини ифодаласа, *-ғой* аффикси билан ясалувчи феъл шакли эса бирор иш-ҳаракатни қатъий бажаришга аҳд қилиш, қатъий буйруқ, дўқ қилиш каби маъноларни англатиши жиҳатдан бу аффикслар бир-биридан фарқ қилади: *келәғай* (кела қол), *джазағай* (ёза қол), *турәғай* (тура қол), *чүшәғай* (туша қол), *келәғой, джазағой, турәғой, чүшәғой.*

Ленинобод области территориясидаги қипчоқ тип шеваларда буйруқ майлининг II шахс бирлик ва кўплиги феълнинг *-ә, -й* аффиксли равишдош шаклига *-ғайың// -ғайыңлар, -ғойың//-ғойыңлар* аффиксини қўшиш билан ясалади: *тикәғайың//тикәғайыңлар, джүреғайың//джүреғайыңлар, барағайың//барағайыңлар; тикәғойың//тиқәғойыңлар, джүреғойың//джүреғойыңлар, барағойың// барағойыңлар.* Бу феъл шакллари илтимос, истак, хоҳиш ва бирор ишни бажаришга мойиллик каби маъноларни англатади.

Буйруқ майлининг III шахс бирлик ва кўплиги қипчоқ тип шеваларда *-син//-сын* аффикси орқали ифодаланади. Бунда бу феъл шакли иш-ҳаракатни бажартиришга қатъий ундаш, амалга ошириш, маслаҳат бериш, даъват қилиш каби маъноларида ишлатилади: *волар донни күйзәсин//түйсин* (донни келига солиб янчсин); *айағы аврувға джолықсын* (оёғи оғриққа йўлиқсин); *йенеңе әйт буводайдан хәбәр эсын; бели аврув боса үйиде джэтсын.*

Қипчоқ тип ва қарлуқ шеваларида *-ч, -ш* ундошлари билан тугаган феъл ўзакларига адабий тилдаги *-син*

www.ziyouz.com kutubxonasi

аффикси ассимилятив ҳолатда *-чин//-чын, -шин//-шын*, қарлуқда *-чун//-шун* вариантларида қўшилади: *қач-чын, көч-чин, пишшин, чүшшин*; қарл.: *ъччун, эччун, пъ:шшун, чушшун* каби.

Шунингдек, қипчоқ тип шеваларда буйруқ майлининг III шахс бирлик ва кўплик формаси феълнинг *-ə, -й* аффиксли равишдош шаклига *-ғай//-ғойсынлар* аффиксини қўшиш орқали ҳам ясалади. Бунда истак, хоҳиш, илтимос, ҳурмат каби маънолар ифодаланади: *ул бəчелəрди қычқырағайсын//қычқырағойсын, бирəз гүрүңлəшəғайсынлар//гүрүңлəшəғойсынлар.*

Шуниси эътиборлики, Ленинобод районидаги қипчоқ тип шеваларда буйруқ майлининг яна бир формасининг II шахс бирлик ва кўплиги мавжудки, бу *-ə, -й* аффиксли равишдошга *-ғойғайың* элементини бириктириш йўли билан ҳосил бўлади. Мазкур майл тури иш-ҳаракатни бажаришда, амалга оширишда ўта илтимос, ўта хоҳиш, ўта истак ва туйғу, ўта бўрттириш, ошириш каби маъноларни англатиши билан характерлидир: *силер авқатты д͡жеп кетəғойғайың, д͡жейди илдəм питкизəғойғайың, тойға вөзиңиз воларға//вуларға әйтəғойғайың* каби.

Шуниси характерлики, қипчоқ тип шеваларда ўзбек адабий тилидаги III шахс бирликни кўрсатувчи *-син* аффикси ўрнида *-ғэйғэй* қўшма аффикси ишлатилади. Бунда иш-ҳаракатнинг ўта бажарилиш истаги буйруққа нисбатан кўпроқ ифодаланади: *әкəм үчип кетəғэйдə* (кета қолсин). *Бул свит д͡жэнэғэйғэй* (ёна қолсин). *Бəчем әрмийəдəн чəқəнақа келəғэйғэй* (кела қолсин).

Ленинобод областидаги Шаҳристон қипчоқ шевасида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги феъл ўзагига *-ғыр//-ғир//-қыр//-кир*[122] аффиксларини қўшиш

[122] *-ғыр // -кир* аффикси қипчоқ тип шеваларда лаънатлаш, ҳақорат қилиш, қарғаш ёки истак, тилак каби маъноларни ифодалайди: *вөспей қоғыр* (ўсмай қолгин), *қырылып кеткир* (қирилиб кетгин) каби. Айрим тилшунослар бу формани буйруқ-истак майлининг II шахс формалари қаторига киритадилар. *Қаранг:* Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 206. Дарвоқе, *-ғыр // -кир* аффикси тадқиқ этилаётган қипчоқ шевасида II ва III шахсга нисбатан ишлатилади. Бироқ шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формасига *-чи* юкламаси қўшилиб ифодаланса *(бор-чи, бер-чи* тарзида), қипчоқ шеваларда эса *бор-дə* (боргин), *кел-дə* (келгин), *о-дə* (олгин), *д͡жоз-дə* (ёзгин) формаларида қўлланади: *сен кəпирəтипкə бордə* (сен магазинга боргин), *қаттъ д͡жоз-дə* (хатни ёзгин) ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳосил бўлади. Бунда ўта буйруқ, қисташ, истак, тилак каби маънолар ифодаланади: *сен бул чалвурды эғыр* (олгин), *йеки кунге кегир* (кегин), *қэзықты бул джерге қэққыр* (қоққин), *йешишекти шол джерге байлағыр* (бойлагин). Бироқ ўзбек адабий тилининг III шахсдаги бирлик *-син* аффикси функциясини тадқиқ этилаётган шевада *-ғыр//-кыр* аффикси бажаради: *вол йенесини көрип кегир* (келсин), *бэчең джэмэн қылъғыны тайлағыр* (ташласин), *бэчем, қассап-қа эйт, манэв қойды сойғыр* (сўйсин). Қиёсланг: Хўжайли шевасида[123]: *мэртэбэси зийат боғур, қолуңа гүл пъткир, авзыңа джилан джумуртқалағир* (оғзингга илон тухум сочсин). Демак, *-ғыр//-қыр* аффикси буйруқ, илтимос маъноларида қўлланади.

-ғыр//-қыр аффикси «Девону луғотит турк»да *-ғил// -гіл, қіл//-кіл* аффикслари орқали ясалган: *барғіл, турғіл, тағқа ағқіл, јармақ тэргіл,* А. Навоий асарларида ҳам *-ғил//-гил//-гин -қил//-қин//-кин*[124]. Хуллас, *-ғыл// -гил//-қыл//-кин* аффиксли форма эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида, ҳатто XX аср бошларида ҳам, актив ишлатилган[125].

Тожикистон республикасининг жанубида яшовчи қарлуқ шеваси вакиллари нутқида буйруқ-истак майлининг III шахс бирликдаги *-син* аффикси функциясини *-дэг//-тэг//-лэг* аффикси бажаради. Бу жиҳатдан мазкур шева бошқа кўпгина ўзбек шеваларидан ҳамда баъзи туркий тиллардан кескин фарқ қилади. III шахсдаги *-сун//-сүн* аффикси билан бир қаторда адабий тилимиздаги буйруқ-истак майлининг *-дик* аффиксли *асрадик, келдик* типидаги формаси ҳам қўлланган. Бу форма жанубий Тожикистондаги қарлуқ шевасида актив ишлатилади: *ъ:шлэдэг* (ишласин)); *бь:шъртэг* (пиширсин), *эллэг* (олсин) каби. Дарҳақиқат, Ш. Шукуров таъкидлаганидек , буйруқ-истак майлининг III шахс маъносини ифодаловчи *-дик (-тик)* аффиксли форма Алишер Навоий асарлари тилида сунъий равишда пайдо бўлган одатдан ташқари ҳолат эмас, балки маълум

---

[123] Ибрагимов Ю. М. Морфология ходжейлийско-кунградских говоров узбекского языка. АКД. Ташкент, 1974, с. 15.

[124] Девону луғотит турк. Индекс. Тошкент, 1967, 499-бет; Фозилов Э. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. Тошкент, 1969, 43-бет; Иванов С. Н. Родословное древотюрок Абул-Газихана Хивинского. Ташкент, 1969, с. 167.

[125] Турдалиев Б. 1905—1917 йиллар вақтли матбуот тилининг морфологик хусусиятлари. Канд. дисс. Тошкент, 1969, 101-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

диалектал асосга эга бўлган реал ҳодиса эканлигини кўрсатувчи далиллардир[126].

-дик (-тик) аффиксининг этимологияси ва таркиби хусусида туркологик адабиётларда турли қарашлар мавжуд[127].

Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги қарлуқ группа шеваларида турлича ишлатилиши билан характерлидир. Ленинобод областининг Ғўлакандоз, Исписор, Андарсой ва Қатағон қишлоқлари шевасида бу майл тури *-ъ:ң* формасида ишлатилса, шу регионнинг Иторчи, Ошоба шевасида *-уң//-ъйнә,* Жанубий Тожикистон қарлуқлари шевасида эса *-уңнә//-ъңнә* тарзида қўлланади: *сэлъң, қъл:ң, бэръйнә, сэлъйнә, қълъйнә, элуңнә, бюруңнә, қълъңнә, теръңнә* каби.

Жанубий Тожикистондаги қарлуқ шеваси вакиллари нутқида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формаси кўпинча ҳурмат, илтимос маъноларини эмас, балки буйруқ, дўқ, сенсираш, қатъий буйруқ маъноларини ифодалаши жиҳатдан юқорида кўрсатилган шевалардан бироз фарқланади. Шунингдек *-нә* аффиксидан олдинги бўғин кучлироқ талаффуз қилинса, адабий тилдаги *-да, -ку* юкламалари вазифасида ҳам кела олади: *мен сеңнә әйтъм-нә* (мен сенга айттим-ку), *эхъ өзъң келдъң-нә* (ахир, ўзинг келдинг-да), *у ъ:штән келдъ:нә, къ:лөв өқъшкә чуштъ.*

Шуниси характерлики, Исфара район Лаккон қишлоғи шевасида II шахс буйруқ-истак майлининг кўплик шакли II шахс бирлик формасига *-гәр* аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади: *бюръңгәр, эңгәр, кеңгәр, нэнгә қәрәңгәр, нэннән еңгәр, зәмбәр ғәлтәктъ көтәръңгәр* ва бошқалар.

Маълумки, ўзбек шеваларида, спорадик ҳолда н~г мослиги ҳодисаси учраб туради. Ф. Абдуллаев *йәңге, тәңгә* сўзларининг *йәңңә, тәңңә* тарзида ишлатилишини қайд этган[128]. Шунга кўра, текшириш объектимиздаги шевада ҳам *ңл>ңң>ңг* ҳолати рўй берган: *бюръңләр> бэръңнәр.*

Ленинобод области Офтобрў, Қизилпилол, Хонобод қишлоқлари аҳолиси нутқида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик ва кўплиги учун бирлик шакли *бэръң,*

---

[126] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти, 76-бет.

[127] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти, 77-бет.

[128] Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. Ташкент, 1967, с. 146.

www.ziyouz.com kutubxonasi

келъң ишлатилади. Бунда истак, буйруқ, ёлвориш каби маънолар англашилади.

Буйруқ-истак майли I шахс бирликда қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида (Ленинобод региони Офтобрў, Қизилпилол, Хонобод ва Кўлкент қишлоқлари қарлуқлари шевасида) феъл ўзакларига *-ей//-ейън* аффиксини қўшиш орқали ясалади. Бундай хусусият ойрот, туркман ва қорақалпоқ тилларида *-ай//-ей, айын//-ейин//-әйин* аффикслари орқали вужудга келади: *мен бәрейън//-бәрей; мен келей//-келейън.* Ойрот: *барайын*[129], *келейиң,:* туркман: *мен газдыр+айын, мен бүкдүрейин*[130]; қорақалпоқ: *мени юйлендирейин-деп келе атырма? Сол тавгъа баланы тастайын-деп айтты*[131]; Хўжайли-Қўнғиротда: *гәшейин*[132] ва бошқалар.

Маълумки, эски ўзбек тилида ҳам истак майли *-aj, -äj* ёки *-ajiн ~ -äjiн* аффикси билан ясалган. А. М. Щербак *-ajiн, -äjiн* аффикси *-aj ~ -äj* формасига нисбатан қадимий эканлигини кўрсатади[133]. Демак, *-aj//-äj* шакли кейинги даврга хосдир. Ш. Шукуровнинг кўрсатишича, *ғай* аффиксли форманинг I шахс бирлик формаси *(алғай+мән)* асосида шаклланган. Лекин *-ғай* аффиксли форма асосида буйруқ-истак майлининг ҳозирги туркий тиллардаги *-ғайым, -айым, -ым, -айын (-ай)* аффиксли *алғайым, алайым, алым, алайын (алай)* типидаги формалари, шунингдек ёзма ёдгорликларда учрайдиган *-ғайын* аффиксли *алғайын* типидаги формаси шаклланган.

ғай аффиксли форма ҳам аслида *-ға* аффиксли *алға+мән* типидаги формага [*й*] ундоши қўшилиши асосида пайдо бўлган: *алға+мән>алға+й+мән>алғай+мән.* Шундай қилиб, *-ға* аффиксли *алғамән* типидаги форма асосида дастлаб қуйидаги икки форма вужудга келган:

алға + мән — | → *алға + м < алғам*
| → *алға + й + мән > алғай + мән*

---

[129] Дыренкова Н. П. Грамматика ойротского языка. М.—Л., 1940, с. 159.

[130] Сурбанов А. А., Курраев Н. Туркмен дилиниң грамматикасы (Фонетика, морфология). I болум, Ашгабат, 1965, 161-бег.

[131] Баскаков Н. А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). II. Ч. I, М., 1952, с. 448.

[132] Ибрагимов Ю. М. Морфология ходжейлийско-кунградских говоров узбекского языка. АКД, с. 15.

[133] Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 156.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) *алғай + (ы) м > алғайым < алғай + мэн*
2) *алғай + (ы)н > алғайын*
-ға ва *-ғай* аффикслари таркибида ўзгариш юз бериб, бу аффиксларлаги [ғ] ундоши тушиб қолган[134].

Тожикистоннинг жанубида жойлашган қарлуқлар шевасида ва Ленинобод областидаги Кўчкак, Ниёзбек, Нижони, Сороби, Топқоқ, Иторчи, Хамиржў, Лаккон, Деҳмой, Ғўлакандоз, Янгиқишлоқ ва Патар қишлоқлари қарлуқлари шевасида (I шахс бирликда) буйруқ-истак майли *-әй* аффикси орқали ифодаланса, шу регионнинг Шўрқўрғон, Ошоба шеваси вакиллари нутқида эса *-әй//-әйън* формалари орқали ифодаланади: *турәй, кетәй; өтърәй; турәй//турәйън, өлтърәй//өлтърәйън, йэзәй//йэзәйън* каби.

Шуниси қизиқарлики, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги Жанубий Тожикистондаги қарлуқлар ва Ғўлакандоз қишлоғи шевасида *-нөг* (яъни *л>н, и>ө*) фонетик мослиги бўлган, Янгиқишлоқ шевасида *нък,* Андарсойда *-лък,* Исписорда эса Қарши шевасига яқин ҳолатда *-луг//-лув,* Иторчи шевасида *-нъй,* Лаккон ва Офтобрў, Қизилпилол, Хонобод, Кўлкент қарлуқлари шеваси вакиллари нутқида, Андижон шевасидагидек, *-әйък, -ейък* аффикслари орқали ясалган. Қиёсланг: Ж. қарл. ва Ғўлакандозда: *бъ:зә өқъйнөг, бъзә бэрәйнөг//бөрънөг, қъләйнөг, йурәйнөг//йурәнөг;* Янгиқишлоқ ва Андарсойда: *бъз бэрәйнък, оқъйнък, қъләйнък, йуръйнък//йурәйнък//бъз бэрәйлък, өқъйлък, йурәйлък, кетәйлък:* Исписорда: *өқъйлуг//өқъйлув, бөрәйлуг//бөрәйлув, келәйлуг//келәйлув;* Иторчи шевасида: *бъз бэрәйнъй, оқъйнъй, келәйнъй,:* Лаккон, Офтобрў шеваларида: *бъз бөрәйък//бэрейък, келәйък//келейък, оқъйък//оқъйек.* Қиёсланг: Андижонда: *-ейлък; бэрейлък.:* Тошк.: *-лув//-нув: бэръйлув, келъйнув*[135].

Шунингдек, қипчоқ шевасида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги феълнинг равишдош шаклига *-ғөйәйың//-ғэйың* аффиксларини қўшиш орқали ясалади: *бэрөғэйәйың, келәғэйәйың, тураҒэйәйың, бэрэғойың, келәғөйың, тураҒэйың.* Лақай шевасида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги *-айық//-йық//-ық//-ейик* аф-

---

[134] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти. 10—26-бетлар; Кононов А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII—IX вв. Л., 1980, с. 187; Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси, 112—113-бетлар.
[135] Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 173-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикслари билан ясалади ва сўраш, илтимос, ҳурмат, истак, орзу маъноларини ифодалайди: *биз бэрайық, қарайық, воқыйиқ, келейик, тикейик, кетейик* каби.

Ленинобод областидаги Ўратепа районн Қайирма қишлоғи қипчоқ шевасида эса мазкур майл шаклининг I шахс кўплиги *-ғойәйық//-эйық//-айық//-ейик* аффикслари билан юзага келади: *биз бэрэғойэйық, биз келәғойэйлиқ, биз келейик, биз кетейик, биз элайық, биз сорайық*. Бўлишсиз шакли: *биз бэрмэғойық, кемеғойэйық; биз эмэйық, бэрмэйық, дҗэзмэйық*. Бу жиҳатдан мазкур шева ўзбек тилининг қипчоқ шеваларига яқинлашса, *-ғойэйық* формаси билан ясалиш характерига кўра бу шевалардан сезиларли равишда фарқ қилади. Қиёсланг: ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд қипчоқ шевасида: *толдурайық, сөйәйик, қылайық*[136].

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси қўшма феъллар билан ҳам ҳосил қилинади. Бироқ қўшма феъллар билан ясалиш усули шева вакиллари нутқида кам қўлланади: *бъ:з бугун бэзэргә бэрсәг-бэрәйнуг, бу ъ:штъ қъ:лсәг-қъләйнуг*. Қипчоқ: *мен завутқа бэрсәмбэрәй, Душәнбе кетсәм-кетей*.

Шарт майли бирор иш-ҳаракат ва ҳолатнинг маълум шарт билангина бажарилишини кўрсатади. Шарт майли қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида адабий тилдагидек *-сә, -се* аффикси билан шаклланиб, бирор иш-ҳаракатнинг маълум шарт асосида амалга оширилишини, юзага чиқишини билдиради.

Ж. Ш. қарл.

I ш. *эсәм*	*эсәг//эсәй* (олсак)	
II ш. *эсәң*	*эсәйнә//эсәлеръң*	*эсәңъз эсәңнә*
III ш. *эсә*	*эсәлә//эсәләр*	

Бўлишсиз шакли:

I ш. *эмэсәм*	*эмэсәг//эмэсәй* (олмасак)	
II ш. *эмэсәң*	*эмэсәйне//эмэсәләръң//эмэсъңъз//эмэсәңнә*	
III ш. *эмэсә*	*эмэсәлә//эмэсәләр*	

Шарт майли ҳар иккала шевада маълум шарт асосида бажарилиши аниқ бўлган иш-ҳаракат ва ҳолатни билдиради: *эчәм кесә, мэн ъ:шкә кетәйъдъм; чечем бәчәни меннен эсә, осын кетемиз.*

[136] Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари, 139-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоҳиш, сўраш, илтимос, истак маъноларини ифодалайди: *ъртэйнэн бъ:зъккэ кесэң, бъргэ өқъшкэ бэрэвуз.*

Маълум бир ҳодисанинг юзага чиқиши иккинчи бир ҳодисага боғлиқлигини кўрсатади: *Авсын сэз боса, эш көпейер, ағайны сэз боса, дос көпейер.*

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун иккинчи ҳодиса шарт қилиб қўйилади: *Элиптек турра босаң, пичақ кесмес, далдай ийре босаң, ҳэр апатқа джолықасан.*

Қарлуқ ва қипчоқ шеваларида шарт майли аналитик йўл билан ҳам ҳосил қилинади. Бунда шарт феълига, яъни етакчи феълга+шахс-сон аффикси қўшилиб, сўнгра *-ъдъ//-йеди* (<*эди*) тўлиқсиз феъли бирикади:

	Қарл.	Қипч.	
I ш.	*йэссэмъдъ*	*джассамйеди*	*джассамейдик*
II ш.	*йэссэңъдъ*	*джассаңйеди*	*джассаңйедиңиз*
III ш.	*йэссэъдъ*	*джассайеди*	*джассайеди*

Мақсад майли формаси субъектнинг ҳаракатни бажариш мақсадини, ҳаракатни бажариш мўлжалини ифодалайди. Қарлуқ тип шеваларда феъл ўзакларига *-мэғчъ//-мэхчъ//-мэкчъ*+тусловчи қўшимчаларни қўшиш усули билан вужудга келса, қипчоқ тип шеваларда эса *-мақчы (-мақ+чы)* аффикси орқали ясалади[137]:

I ш.	*йэзмэғчъмэн,*	*йэзмэғчувуз,*
II ш.	*йэзмэғчъсэн,*	*йэзмэчъсъллэ,*
III ш.	*йэзмэғчъ,*	*йэзмэғчъ,*

Ошоба

I ш.	*бэрмэ:ғчъмэн*	*бэрмэ:ғчъвъ:з*	(бормоқчимиз)
II ш.	*бэрмэ:ғчъсэн*	*бэрмэ:ғчъсъз*	
III ш.	*бэрмэ:ғчъ*	*бэрмэ:ғчъ*	

Бўлишсиз шакли:

I ш. *бэрмэғчъ йэғмэн//бэрмэ:ғчъмэсмэн*
II ш. *бэрмэғчъ йэғсэн//бэрмэ:ғчъмэссэн*
III ш. *бэрмэғчъйэғ//бэрмэ:ғчъмэс*

Демак, феълнинг бўлишсиз шакли *йўқ* модал сўзи орқали ифодаланиши жиҳатдан айрим қарлуқ шеваларидан ва ўзбек адабий тилидан фарқ қилади.

---

[137] *-мақ* аффиксининг этимологияси ҳақида турли фикрлар мавжуд. *Қаранг:* Ишаев А. *-мақ* аффиксининг этимологияси. ЎТА. 1975, 2-сон, 69—71-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж. Ш. қипч.

I ш. *джазмақчыман*	*джазмақчымыз*	(ёзмоқчимиз)
II ш. *джазмақчысан*	*джазмақчысыз*	
III. ш. *джазмақчы*	*джазмақчы*	

Бу феълнинг бўлишсиз формаси *-мас//-мес* орқали ифодаланади. Шунингдек *-емес* (<*эмас*) тўлиқсиз феъли билан ҳам тусланади: *кемекчимесмән, кемекчийемессән, кемәкчиемес.*

Мақсад майлининг яна бир тури қипчоқ тип шеваларда ўзбек адабий тилидаги сингари *-мақчы*+*-ды* (<*эди*) + тўлиқсиз феъли + тусловчи аффикслар орқали ясалади. Бунда мақсад маъносининг ўтмишга оидлиги ифодаланади:

I ш. *қазмақчыдым*	*қазмақчыдық*	(қазмоқчи эдик)
II ш. *қазмақчыдың*	*қазмақчыдыңызс*	
III. ш. *қазмақчыды*	*казмақчы*	

Бўлишсиз шакли:

I ш. *қазмақчымастым*	*қазмақчымастық*
II ш. *казмақчымастың*	*қазмақчымастыңызс*
III ш. *қазмақчымасты*	*қазмақчымасты*

ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ

Адабий тилдагидек Тожикистондаги қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида ҳам аффиксация ҳамда композиция усуллари орқали айрим сўз туркумларидан феъл ясалади.

-лә//-ла аффикси феъл ўзагига қўшилганда иш-ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиш маънолари ифодаланади. Қипч.: *гүджүр+лә* (зўрла), *ийзә+лә* (эзгила), *саба+ла* (савала), *ғарч+ла* (ўткирла);

-лә//-ла аффикси инсон аъзолари номларини билдирувчи сўзларга қўшилиб, ҳаракат жараёни ва ҳолатини билдиради. Қипч.: *бармақ+ла* (бармоқ билан тут), *көкрәк+лә* (кўкрак билан итар), *тиззә+лә* (тиззалаб юр), *өкчә+лә* (ўкча билан юр), *урт+ла* (ҳўпла), *чығанақ+ла* (тирсак билан турт), *қол+ла* (қўлидан ушлаб юр) ва ҳоказо;

-лә//-ла аффикси феъл ўзагига бирикканда ўзакдан англашилган ҳаракат маъносини англатади. Қипч.: *әлип-лә* (алиф аралаштир), *әпәнәк+лә* (кўрпани ҳар еридан тик), *дәри+лә* (дорила), *джәз+лә* (ёғни доғ қил), *сабын+ла* (совун билан тозала), *чапқы+ла*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ўтинни майда қил), *чөпкәри+лә* (томни чўпдан ёпмоқ), *қурум-ла* (хонани қурумдан тозала) ва ҳоказо;

-лә//-ла аффикси асбоб-қурол номларини билдирувчи сўзларга қўшилганда, шу предмет воситасида бажариладиган иш маъносини кўрсатади. Қипч.: *ыйджан+ла* (ийжон қил), *йарғы+ла* (аррала), *йылмала+ла* (андоза қилмоқ), *нәл+лә* (ниҳол ўтқазмоқ), *нанпар+ла* (нонга чакич ур), *чарх+ла* (чарх қилмоқ);

-лә//-ла аффикси ўрин-жой номини билдирувчи сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг йўналишини билдиради. Қипч.: *атыз+ла* (далага чиқ), *дукан+ла* (магазинга кир), *төр+лә* (тўрга ўт), *базар+ла* (бозорга бор), *қышлақ+ла* (қишлоққа бор);

-лә//-ла аффикси қариндош-уруғ номларини билдирувчи сўзларга бирикиб, ҳаракатни бажаришга ундаш маъносини ифодалайди. Қипч.: *әммә+лә* (аммангни чақир), *хәлә+лә* (холаваччангни чақир), *дайы+ла* (тоғангни чақир), *хала+ла* (холангни чақир), *чече+лә* (келин ойингни чақир); *-лә//-ла* аффикси нумератив сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини ифодалайди. Қипч.: *чымтым+ла* (тирноқ учи билан олмоқ) *қабат+ла* (қават қилмоқ), *қымты+ла* (тежаб тутмоқ), *қошувуч+ла* (ҳовуч билан ўлчамоқ);

-лә//-ла аффикси оғирлик ўлчовини ифодалашда конкрет бўлмаган миқдорни билдирувчи нумеративларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг юзага келиш ҳолатини англатади. Қипч.: *батман+ла* (ботмон билан ўлчамоқ), *мысқал+ла* (мисқол билан ўлчамоқ), *чәрәк+лә* (чораклаб бўлмоқ), *қадақ+ла* (қадоқламоқ), *бармақ+ла* (бармоқ билан ўлчамоқ);

-лә//-ла аффикси узунлик ўлчовини билдирувчи нумеративларга ҳам қўшилиб кела олади: Қипч.: *метр+лә* (метр билан ўлчамоқ), *қарыш+ла* (қарич билан ўлчамоқ), *қулач+ла* (қулоч билан ўлчамоқ).

-лә//-ла аффикси бутуннинг бўлагини билдирувчи нумеративларга ҳам қўшила олади. Қипч.: *бөләк+лә* (бўлак қилмоқ), *майда+ла* (майда қилмоқ), *чақмақ+ла* (у томон билан бу томонга юриш).

-лә//-ла аффикси саноқ ва жамловчи сонларга ҳам қўшилиб кела олади. Қипч.: *бир+лә* (бирлаштир), *уч+лә* (уч бўлак қил), *йекәв+лә* (иккиламоқ), *учәв+лә* (учовламоқ);

-лә//-ла аффикси ҳолат равишидан феъл ҳосил қилади. Қипч.: *йылдам+ла//-ылдам+ла* (тезламоқ), *чын+ла//-ырас+ла* (рост қил);

-лә//-ла аффикси ўрин ва пайт билдирувчи равиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга бирикиб, феъл ясайди: *томән+лә, ичкәри+лә, пәс+лә, гунарта+ла, нәмәзшәм+лә, пешин+лә* ва бошқалар.

-лә//-ла аффикси *-ча* аффикси орқали ясалган равишлардан феъл ҳосил қилади. Қипч.: *ворыча+ла, тәджикчә+лә, қырғызча+лә, қарлуқча+ла.*

-лә аффикси отдан, сондан феъл ҳосил қилади. Қарл.: *эғъз+лә* (гапирмоқ), *пул+лә, ҳөгуч+лә.*

Қарлуқ группа шеваларида *-лә* афффикси *-н* ва *-й* ундошларидан сўнг *-нә* тарзида талаффуз этилади: *ен-нә* (энламоқ), *бөй+нә* (бўйламоқ), *тән+нә* (танламоқ), *кун+нә* (кунламоқ).

-лә аффикси орқали сифатдан феъл хосил бўлади. Қарл.: *йәх+лә, қәрә+лә, бәзәрбәв+лә* (бозорбопла), *менбәв+лә* (менбопла); *өткър+лә, вәръш+лә* (тозала).

Айрим қипчоқ шеваларида *-лә+й* аффикси*-лый''-лий* тарзида талаффуз этилади: *пөстек+лиймән, қәп+лыйман, си+лыйман* сингари.

Ундовлардан*-лә* аффикси орқали феъл ҳосил бўлади. Қарл.: *дәдәй+лә+мәқ* (дод солмоқ), *әх+лә+мәғ, беҳ+лә+мәғ, въй+лә+мәғ, қъй+лә+мәғ, мъй+лә+мәғ.*

Адабий тилдаги *бор, йўқ* модал сўзларига*-лә* аффикси бирикиб, феъл ясайди: *бәр+лә, йәғ+лә: бәчәнь бәрлә, у сәнъ йәғләдъ.*

-лә аффикси тақлидий сўзлардан феъл ҳосил қилади. Қарл.: *тъпър+лә+мәғ, мъ:н-мъ:н+лә-мәғ, тъғ-тъғ+лә+мәғ, қулт-қулт+лә+мәғ.*

лән/-ләш нәш аффикслари орқали ясалган феъллар англатган маънолариға кўра адабий тилга бир қадар яқин туради. Қарл.: *бә:с+ләш+мәғ, йәрдәм+ләш+мәғ, ъккъ+лән+мәғ, йәқъ:н+нәш+мәғ, қъйън+нәш+мәғ.*

-ән, ан аффикси от ва сифат сўз туркумларидан феъл ҳосил қилади. Қарл.: *бөш+ән, куч+ән, зәр+ән, йут+ән; сән сен көп к у ч ә н м ә, белъң эғрувдъ. Султәнмурәт ъкәсънъ әрмъйәдән әпқәлувчун көп зәр ә н д ъ.*

-рә аффикси қарлуқ тип шеваларнинг айримларида феъл ясайди: *зъң+рә* (тезла), *къ:ит-кът+рә* (секинла), *муз+рә* (музла). *-рә* аффикси тақлидий сўзлардан ҳам феъл ҳосил қилади. Қарл.: *муң+рә, гуң+рә.*

-си//-сы аффикси қипчоқ тип шеваларда айрим сўзлардан феъл ясайди. Қипч. *пор+сы* (чангиб кетмоқ), *ыбыр+сы* (тартибсиз ҳолатда ётмоқ), *салпаң+сы* (лаллайиб юриш): *ҳәй, бәчәләр, үй п о р с ы п кетти, далаға чығып войнаңлар.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қипчоқ тип шеваларда, спорадик равишда, адабий тилдаги *-сира* аффиксининг функциясини *-сы* қўшимчаси бажаради. Қипч.: *бул бәчә вөзини у л қ а н + с ы п тутады* (каттасиратмоқ), *мне бизәрди м ә й д ә + си + т т и ң и з м и?* (нима, бизларни кичиксираттингизми?), *вол х а п а с ы п джирипти* (хафасираб юрибди).

-сық аффикси қипчоқ тип шеваларда спорадик равишда феъл ҳосил қилади. Қипч.: *джат + сық + мақ* (ёт, бегона тутмоқ), *був + сық + мақ* (кўз ёши тўкмоқ), *хам + сық + мақ* (хафа бўлмоқ).

-ши//-шы аффикси тақлидий сўзларга бирикиб, феъл ясайди. Қипч.: *шиң + шы* (увилламоқ), *қың + шы* (миийламоқ), *қан + шы + мақ//ғың + шы + мақ* (ғингилламоқ).

-қар//-ғар//-кәр аффикслари ҳам феъл ясайди. Қипч.: *қут + қар, воң + ғар→воң + ар, тув + ғар, төн + кәр* ва бошқалар.

-қыр//-ғыр//-кир//-гир аффикслари феъл ўзагига қўшилиб, феъл ясайди. Қипч.: *ыш + қыр, муң + гир, пыш + қыр, шаң + ғыр, чүш + кир, қыч + қыр.*

-қын аффикси билан ясалувчи феъл иш-ҳаракатнинг кучайиши ва нормадан ортиқлиги маъносини англатади. Қипч.: *аш + қын* (ошиб кетган), *таш + қын* (тошиб кетган), *қач + қын* (қочиб кетган): *бәчәниң кәсәли ашқынлапты. сувам ташқынлапты-ғо, сен бәчә иштән қачкынлама.*

-т аффикси сифат ва равиш сўз туркумларидан феъл ҳосил қилади. Бу иш-ҳаракатни ошириш ёки камайтириш каби маъноларни ифодалайди. Қипч.: *гүңгир + т + ип* (хира тортиб), *гердәй + т + тип* (қорнини шишириб юрмоқ), *азай + т + ып* (оз қилиб), *номай + т + ып* (кўпайтириб), *ғубар + т + ып* (ғубор қилиб юрмоқ): *Бул мне унды н о м а й т ы п джиберипсен* (бу нима унни кўпайтириб юборибсан). *Сувды пахтаға азайтып джибер.*

-сырай//-қай//-рай//-джай аффикслари билан ясалувчи феъллар субъектнинг психик ҳолатини ифодалайди. Қипч.: *аң + рай//аң + қай* (соддасирамоқ), *боз + рай* (безрайиш), *майда + сырай* (кичиксиратмоқ), *тым + сырай* (қовоғини осиб қарамоқ), *ҳоқ + рай* (кўзини олайтириб қарамоқ), *тыр + джай//ырджай* (тиржаймоқ): *Бул дохтар т ы м с ы р а й ып джирипти.*

-чай//-чей//-тей аффикси турли сўз туркумларидан феъл ҳосил қилади, инсон аъзоларининг турли ҳолатини билдиради. Қипч.: *гүп + чәй-* (семирмоқ), *чәк +*

www.ziyouz.com kutubxonasi

чей- (бақрайиб қарамоқ), *хоқ+чай-* (қоматни эгиб юрмоқ), *тум+тей* (аччиқланмоқ), *қыр+чай-* (шум бўлмоқ): *Маған көзуңди ч ә к ч е й т и р м ә* (менга кўзингни бақрайтирма). *Бирәдәр, мунче ҳ о қ ч а й ы п қапсама?* (бирадар, бунча қоматинг эгилиб қолибдими?).

-ъқ//-ық//ик аффикси ҳам феъллар ясайди. Қипч.: *эш+ық+мақ, дҗэн+ық+мақ, сын+ық+мақ.* Қарл.: *ънт+ък+мэқ, мън+ък+мэқ, зор+ъқ+мэқ.*

-чы//-чи аффикси қипчоқ тип шеваларнинг Қайирма, Қаранчи шеваларида феъл ясайди: *көп+чи+мэқ, қоп+чы+мақ: Бийби, қамырың к ө п ч и д и, йэсәйберув керәк. Тамымыз қ о п ч ы м а қ қ а қарады.*

ъл//-ыл//-ил//ул аффикси орқали ҳам тадқиқ этилаётган шеваларда феъллар ҳосил бўлади. Қарл.: *ъч+ъл+лъ, эч+ъл+лъ, сур+ул+дъ, қэв+ул+дъ: Суй ъчъллъ, ешъй эчъллъ.* Қипч.: *қойларды дҗуни қырқылды, дҗер сурилди, вол иштен қувулды, көнке лайдан чығарылды.*

Адабий тилдаги *-сира* аффикси қарлуқ тип шеваларининг айримларида *-сън* шаклида ишлатилиб, саноқли сўзлардагина феъл ясайди: *суй+сън+мэқ, йэт+сън+мэқ, кулъм+сън+мэқ, пул+сън+мэқ, тус+сън+мэқ: Бэчә съзъ й э т с ъ н д ъ* (ётсиради), *мен с у й с ъ н ъ п қоллъм,* Бироқ *сен* ва *сиз* олмошлари адабий тилдаги каби *сенсърәмэқ, съзсърәмэқ* шаклида ишлатилади. Айрим ҳолларда *сенсънмэқ, съзсънмэқ* тарзида қўлланади.

-әй аффикси адабий тилдагидек саноқли сўзлардан феъл ясайди. Қипч.: *еқ+әй* (пасаймоқ), *кең+әй, куч+әй, көп+әй, қэр+әй.*

-ә(р) аффикси орқали айрим сифатлардан феъл ҳосил бўлади. Қарл.: *ескъ+р-мэқ, ун+әр+мэқ* (кўкармоқ), *тэзә+р+мэқ: Тъккэн гулләрьң у н ә р м э қ т ә. Өйъ т э з ә р т ъ р ә в ъ з* (уйни янгилаймиз). *Сен ълдәнъгә йәшәртъптъсән..* Феъллар композицион усул билан ҳам ҳосил қилинади. *-йет* феъли отга бирикиб, бирор ишни юзага келиши, амалга ошиши каби маъноларни англатади. Қипч.: *соғымйет* (сўғим қил), *туррайет* (тўғри қил), *тәмәшейет* (томоша қил) ва бошқалар.

а) *-йет* (қил) форс-тожик сўзларига қўшилиб, иш-ҳаракатни бажаришга ундаш маъносини билдиради. Қипч.: *быкэрйет* (бекор қил), *ыдҗапйет* (никоҳ қил), *йәхнәйет* (йахна қил), *кәдҗикйет* (бурчак қил), *вөзиңә*

www.ziyouz.com kutubxonasi

йешйет (ўзингга ўртоқ қил); б) *-йет* феъли арабча сўзларга бирикиб иш-ҳаракатнинг бирор мақсадда юзага чиқишини ифодалайди: *арзйет* (арз қил), *ыйсапйет* (ҳисоб қил), *тәвәрик йет* (табаррук қил), *қәбилйет* (қабул қил), *қурванлықйет* (қурбонлик қил) ва бошқалар. Шунингдек, қўшма феълларнинг биринчи компоненти арабча ё форс-тожикча сўз бўлган *йет* кўмакчи феъли функциясида қипчоқ тип шеваларда *-лә//-ла* аффикси қўлланиши ҳоллари ҳам учрайди.

Қипч.: *ыйсапйет→ыйсап-ла, қабылйет→қәбил+лә, тәвәрикйет→тәвәрик+лә, ғәнәкйет→ғәнәк+лә, кәджикйет→кәджик+лә, ғолыйңйет→ғолың+ла* ва бошқалар.

а) *-йет* феъли касб-ҳунар англатувчи сўзларга бирикиб келганда ҳам-*лә//-ла* аффикси билан алмаштириш мумкин. Қарл: *бэлғэйет→бэлғо+лә, бэшлувйет→бэшлув+лә, пэшнэйет→пэшнэ+лә.* Қипч.: *чәкичйет→чәкич+лә, бигизйет→бигиз+лә: панайет→пана+ла, башлықйет→башлық+ла, пашнайет→пашна+ла* ва бошқалар:

б) *-йет* феъли сувоқчилик касб-ҳунарига оид сўзларга бирикиб келганда ҳам-*лә//-ла* аффикси билан алмаштириш мумкин. Қарл.: *мөръйет→мөръ+лә, зувэлэйет→зувэлә+ла, лоййет→лэй+лә, сувэғйет→сувэғ+лә, ғъш дъвэрйет→ғъш дъвэр+лә.* Қипч.: *мөрийет мөри+лә; зувалайет→зувала+ла,: әндәвәйет→әндәвә+лә* ва бошқалар:

в) *-йет* феъли сифат сўз туркумига оид сўзлар билан бирга ишлатилиб, иш-ҳаракатни амалга оширишга қаратилган феъл формасини ҳосил қилади. Қипч.: *ачувйет* (аччиқ қил), *тузувйет* (тузук қил), *туррайет* (тўғри қил), *чүчикйет* (чучук қил) ва бошқалар;

г) *-йет* феъли сонларга қўшилиб келиб, иш-ҳаракатни бирор мўлжалга етказиш маъносини билдиради. Қипч.: *йекөвйет→йекөв+лә, үчөвйет→үчөв+лә, төртөвйет→төртөвлә, бешөвйет→бешөв+лә* ва бошқалар.

Демак, текширилаётган қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида феъл ясалиши ўзбек адабий тилдагига бир қадар яқинлашади. Шунинг учун феъл ясовчи барча аффиксларнинг қўлланиши ва англатган маънолари хусусида тўлиқ тўхтаб ўтирмасдан, фақат шеваларга хос *-чы//-чи, -сън, -эн, -рә* қўшимчалари тўғрисидагина фикр юритдик.

ДАРАЖА КАТЕГОРИЯСИ

Ўзбек адабий тилидаги каби қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда феълнинг беш хил даража формаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

мавжуд: бош даража, мажҳул даража, ўзлик даража, биргалик даража, орттирма даража.

БОШ ДАРАЖА. Феълнинг бош даража формаси ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини билдиради. Қарл.: *көрдъ, сөрдъ* (сўради), йэздъ, *қэлдъ//қэллъ*. Қипч.: *көрди, сорады, джазды, қалды*. Бош даражадаги феъл объектли ва объектсиз бўлиши мумкин: *қойды* (объектли), *бэрдъ* (объектсиз).

МАЖҲУЛ ДАРАЖА. Феъл ўзакларига унли товушлардан ҳамда *-л//-н* ундошларидан сўнг қарлуқ тип шевасида *-(ъ)л//-(у)л -(ь)н -(у)н*, қипчоқ тип шеваларда эса *-(ы)л//-(и)л//-(ы)н//-(и)н//-(у)л//-(у)л* формасида қўшилади: *Ҳэр ълъ пэхтэ пъ:лэнувуз эртъғвълэн бэжэрълди! Бу ъл кэлхэзувуз ь:къғэ бөлъннъ, ер эллеқэчэн сурулдъ. Вол иштэн бошатылды. Қозык джерге маҳкэм қэқилған. Сэйлэвчылар ройхаткэ алына башлады.*

ЎЗЛИК ДАРАЖА. Қарлуқ шевасида *-н//-л//-(ъ)н//-(ъ)л//-(у)н//-(у)л,* қипчоқ группа шаклларида эса *-н//-л//-(и)н//-(ы)н//-(и)л//-(ы)л//-ш* аффикслари орқали ясалади: *Кэлтэтэй пул сөрэшкэ тэртъннъ. Ҳозър аръғ суйъгэ йуйъннъм. Веткен джили джайлашды.*

БИРГАЛИК ДАРАЖА. Қарлуқ группа шевасида *-ш//-(ъ)ш//-(у)ш,* қипчоқ группасида эса *-ш//-(ъ)ш//-(и)ш//-(у)ш//-(ү)ш* аффикслари орқали ясалади: *еллъг кун йурув, уруш:кэ қэтнэштъқ. Қөзълэр пэшшэнъ эллъғэ йъғълъшть. Мураттың тойыда бизлер тэзэ эт чавуштық.*

ОРТТИРМА ДАРАЖА. Феъл ўзакларининг охири жарангли ёки жарангсиз ундош билан тугалланишига қараб, *-дър//-тър//-т//-ър//-ур//-эр, -гъз//-къз//-ғъз//-қыз* аффикслари қўшилади.

1. *-дър, -тър, -гъз, -къз, -ғъз, -қъз* аффикслари жарангли ундошлардан сўнг *-дър, -гъз, -ғъз;* жарангсиз ундошлардан сўнг *-тър, -къз, -қъз* тарзида қўшилади: *эқъздър, тэмъздър, къ:ргъз, ъчкъз, турғъз, кеткъз, этқыз//өтқэз* ва бошқалар.

2. Шуни айтиш керакки, икки бўғинли сўзларда жарангли ва жарангсиз ундошлардан сўнг *-дър* эмас, *-тър* аффикси қўшилади: *элэйтър, суйултър, осълтър, ълънтър, қөйълтър, келтър//кетър, тъктър* каби.

3. *-л* ундоши билан туговчи бир бўғинли ўзакларга *-тър//-тур* аффикси қўшилади: *өлтър//өлтур* каби; *кутугтъ урув өлтурду, бъ:р вэх өлтурсэң.* А. Ғ. Ғуломов

www.ziyouz.com kutubxonasi

биз билан суҳбатда эски ўзбек тилида *ўлтир* формаси бирор ўринга ўлтириш (ўтирмоқ) маъносида ҳам, ўлдириш (ўлдирмоқ) маъносида ҳам қўлланилганлигини айтди. Тадқиқ этилаётган қарлуқ группа шеваларида бу қадимги форманинг ҳар иккала маъноси тўла сақланган.

Қипчоқ группа шеваларида *-дыр//-тир* аффиксининг айрим ўринларда *-ғыз//-гиз* аффиксига мос келиш ҳоллари учрайди: *сойғыз//сойдыр, қойдыр//қойғыз, авдыр//авғыз, едир//егиз* ва бошқалар. Шунингдек, шевада *-дыр//-дир, -тыр//-тир* аффикслари ўрнида *-т//-ырт//-ирт* ишлатилади: *сэғойт, олдырт, көргәст, суйулт, қойулт.*

Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқ шеваларида орттирма даражанинг қуйидаги формалари мавжуд:

а) *-дър//-тър* аффиксига параллел ҳолда *-ғъ:з//-қъ:з//-къ:з* формалари қўлланади. Бу форма субъектнинг бирор иш-ҳаракатни ўзга шахсга бажартириш маъносини англатади: *қумғэннъ суйгә төлдърғъ:з//қумғэннъ суйгә төлдъртъ:р, қъ:зъңнъ турмушкә у з ә т қ ъ з ғ ъ з//қъзъңнъ турмушкэ у з э т қ ъ з д ъ р;*

б) субъектнинг истаги, хоҳиши, ташаббуси билан субъект учун ўзга шахс воситасида бажарилган ҳаракат англашилади: *сән чэчъңнъ өллърғъ:з//сән чэчъннъ эллъртър, сен йеръңнъ тъктъргъ:з* (эктиртир)//*сен йериңнъ тъктъртър;*

в) субъект билан объект орасидаги абстракт муносабат маъноси англашилади: *унъ қълъғънъ дж͡эвлъғә* (ҳаммага) *с е з д ъ р ғ ъ з//унъ қълъғънъ дж͡эвлъғә с е з д ъ р д ъ р* ва бошқалар.

Қарлуқ группа шеваларига оид Иторчи шевасида *-т* аффикси орттирма даража ҳосил қилади: *мән мэшунэнъ устэгә өхшәттъм* (тузаттирдим), *эсълт, қъсънт, чәқърт* ва бошқалар.

Қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида феълнинг орттирма нисбати *-сәт//-сат//-сет//-т* аффикслари билан ҳам ясалади: *көрсәт, көрсет, су:сәт* (сувсират), *хэлсърәт//хэлсәт, йэхсърәт//йэхсәт.*

Шуни айтиш керакки, Ленинобод областининг Ошоба шевасида адабий тилдаги *-ир* аффикси, ўзбек тилининг Андижон шевасидагидек, *-өр* шаклида талаффуз қилинади: *үчөр, кечөр, бучөр.* Қиёсланг: Жиз., Анд.: *ъчөр, бъчөр, кечөр, учөр*[138].

---

[138] Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, 228-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий тилдаги *-тир* аффикси вазифасини бу шевада *-ғуз//-қуз* аффикслари бажаради: *чъқэрғузуб берэсъс* (чиқартириб берасиз), *эйтқузуб бэрэсъс* (айттириб борасиз), *мэктэбгэ бэчөни берғуздъ.*

КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида кўмакчи феълларнинг қўлланиши ва маъноси адабий тилдагидан деярли фарқ қилмаса-да, бироқ айрим қарлуқ шеваларида мазкур феъл шакли ўзига хос хусусияти жиҳатидан ажралиб туради.

эл//эл кўмакчи феъли қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида қуйидагича ишлатилади:

Етакчи феълга равишдошнинг *-ъ[в]//-ы//-и[п]* ва *-э[й]* аффиксли формаларига+*эл//эл* кўмакчи феъли қўшилади. Қарл.: *уеййъ буғчэгъгэ бэкънъвэлъпту. Улэ эхшэмгэчэ ъстэгэммънэн топъшолмэйдъ. Чэқэлэқ мэккэм йергэклэнгэнъйчун бургуттъ бэлэлэрь йейэлмэпту.* Қипч.: *Өзим ишлэпалдым. Бэчэм, бул қызды көрипалдың-ғо?*

Қипчоқ тип шеваларда ҳаракатни бажаришга қодирлик маъноси англашилганда, *-эл//-ал* (ол) ва *бил* кўмакчи феъллари алмашиниб ишлатилиши мумкин: *джазалады//джазабиледи, воқыйалады//воқыйбиледи, ушлайалады//ушлайбиледи, джирэлэди//джирэбиледи.*

башла кўмакчи феъли *-а//-э, -й* ва *-ы//[п]* аффиксли равишдош формасига бирикиб, ҳаракатнинг бошланиш маъносини ифодалайди. Қипч.: *алмалар савылып башлады, джэй питэбашлады, китэпти воқый башладым.*

-йэт//-джот кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар иккала формасига бирикиб, ҳаракатнинг бажарилишдаги активлигини кўрсатади. Қарл.: *Мэшунэ лэйгэ бэтув йэтуптө, Очэң йэнъғэ гадэгънъ юлув йэтуптө.* Қипч.: *Пахталар джолға чэчилипджэтыр, Вол уйиде аврып джотыр.*

Тур кўмакчи феъли равишдошнинг *-ъ[в]//-п* ва *-э[й]* аффикси билан ясалувчи турига бирикиб кела олади. Қарл.: *сен өгэ бэръв ту(р), бу пуллъ юлэту(р).* Қипч.: *малларға вот саптур, бэчэгэ қэрэйтур.*

өлтур//-вотыр кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар иккала шаклига бирикиб кела олади. Бунда ҳаракатнинг давомийлигини ҳамда иккинчи бир ҳаракатнинг амалга ошувини ҳам ифодалайди. Қарл.: *эйэғъңдъ узэтув өлтур.* Қипч.: *қат джазыпвотырыппан, чалмен кэм-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*пир қарашыпвотыр, қамырдийем джазавотыр, қойларғ(ı)
сув тутвотыр.*

бэр//бар кўмакчи феъли равишдошнинг *-ъ [в] -ь [п]* ва *-э, -й* аффиксли формасига бирикиб келганда ҳаракатнинг давом қилиши маъносини англатади. Қарл. *дэвул кундэн-куңэ кучэйэбэрдъ, кун бэтъв бэрэптъ* Қипч.: *сэ:т элтъдэн вотып бораджэтыр, гэвгум чу·шипбэраджэтыр, ирчи қошық эйтэбэраджэтыр, қэп·ты көнкегэ салабар.*

Кел кўмакчи феъли равишдошнинг *-п* ҳамда *-э, -ı* аффикси билан ясалувчи формасига қўшилиб келади Қипч.: *эпке, қэпке, сэпке, турэке, бэраке, сэтаке.*

чъқ//-чық кўмакчи феъли *-у[в]* ва *-э, -й* аффикслари билан ҳосил қилинувчи равишдошга бирикади. Лекин адабий тилда *-э, -й* аффиксли равишдошга бирикиши учрамайди. Қарл.: *пъйэззъ дугэйэм өсув чъқъптъ, мен өгэ бэрувчъғэй.*

Қипчоқ тип шеваларда равишдошнинг *-э, -й* аффиксли турига *чық* кўмакчи феъли қўшилганда, ҳаракатнинг вақтинча, зудлик ва тезлик билан амалга ошиши маъноси ифодаланади. Қипч.: *укэнди көрэчық, мна нэрсэлэриңди үйге қойачъқ, гөдэкти ухлатачық.*

-бер кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар икки турига бирика олади. Қарл.: *йөқолгэн нйэрсэлэрдъ//нйэрсэлэнъ тэпуверъштъ.* Бироқ *-э, -й* аффиксли равишдошга бирикканда, ҳаракатнинг давомийлиги маъносини англатади. Қарл.: *ъръчъ эшулэ эйитэйвердъ, у ъкэсъгэ хэт йэзэвердъ.* Қипч.: *джазабер, турабер, джирэбер, барабер* ва бошқалар.

-қэл//-қал кўмакчи феъли ҳам равишдошнинг ҳар иккала шаклига қўшила олади. Қарл.: *Нурмэт егълув қэлувсэн, ъкэм душэнбэ уйлэвқэллъ.* Қипч.: *дарақ ийилипқалды, ирэжэп муңкэйип қалды.*

-қөй//-қой кўмакчи феъли етакчи феълнинг *-ы [п], -э, -й* аффиксли равишдош формасига бирикади. Қарл.: *бу секреттъ эйитув қөйдъ, бэчэнъ бэзэрдэ йөқэтув қөйдъ.* Қипч.: *бэчэлэр дарақты сындырып қойды.*

Қипчоқ тип шеваларида *қўй* кўмакчи феъли *-ғой//-ғэй* формасида ҳам ишлатилиб, буйруқ-истак маъноларини ифодалайди. Қипч.: *бэрағой, келэғой, джирэғой, джатағой//барағэй, келэғэй, джирэғэй, джатағэй: бэчэм эхшам кеш болды, йенди джатағой//джатағэй.* Ленинобод регионидаги Топқоқ қишлоғи аҳолиси нутқида кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

*акчи феълларнинг қўлланиши характерлидир. Шевада *юбор* кўмакчи феъли равишдошнинг *-б, -ъб* аффикси билан ясалган шаклига *-вə* тарзида қўшилади: *се хэттъ келвə* (сен хатни келиб юбор), *се ъптъ қърқвə* (сен ипни қирқиб юбор), *се мейучун күтэб элвə* (сен мен учун китоб олиб юбор). Шу регионнинг Исписор, Андарсой қишлоғи шевасида эса *-вэр* шаклида ишлатилади: *келъйвэр* (келиб юбор), *өқъйвэр* (ўқиб юбор), *эйтвэр* (айтиб юбор), *ъшлəйвэр* (ишлаб юбор).

Топқоқ қишлоғи шевасида равишдошнинг *-ə, -й* аффикслари билан ясалган турига *-ве* шаклида бирикади: *се кетəве* (сен кета бер), *хэттъ йэзəве* (хатни ёза бер), *се əшулəнъ əйтəве* (сен ашулани айта бер). Қиёсланг: Исписорда: *кетəвур, йэзəвур, əйтəвур, бэрəве, сөрəйве* ва бошқалар.

Ленинобод областидаги Панжакент районининг Майката, Хўжағариб, Муғулон, Қиштўдак қишлоқлари аҳолиси нутқида етакчи ва кўмакчи феъл қўшилиб, бир сўз сифатида талаффуз қилинади. Майката: *қөйъбйəр//қөйъйəр, беръбйəр//берйəр, қэвъйəр//қэвйəр, əйтйəр.* Қиёсланг: Хоразм ўғуз шеваларида: *бəрибйəрди* (бериб юборди), *қэвупйəрдим* (қувиб юбордим).

Панжакент районидаги Чимқўрғон қишлоғи аҳолиси нутқида ҳам *юбор* кўмакчи феъли *-дж͡əр* формасида ишлатилади: *бериб͡джəрдим* (бериб юбордим), *ҳəйдəб͡джəрди* (ҳайдаб юборди), *қурытыб ͡джəрдим* (қуритиб юбордим). Қипчоқ шевасига хос мазкур шевада *юбор* кўмакчи феълининг *-дж͡əр* шаклида қўлланиши қўшни қарлуқ тип шеваларнинг таъсири ва алоқаси туфайли изоҳланади.

йувэр//-дж͡ибер кўмакчи феъли равишдошнинг *-ъ[в]*, *ы[п]* аффиксли формасига қўшилганда, текширилаётган шеваларда ҳаракатнинг тўлиқ бажарилишини англатади.

йувэр кўмакчи феъли қарлуқ тип шеваларда етакчи феълга *-вэр* тарзида бирикади. Қарл.: *əкəлəръңə əйитвэръштъкө; улəни мəйлъстəн чъқэрвэръштъ*. Қиёсланг: Қипч.: *сəп͡джиберди//савэрды, тəйлəп͡джиберди//тəйлəвэрди* (ташлаб юборди).

Етакчи ва кўмакчи феъллар ўзаро интонация орқали ҳам бирикади. Бунда бирдан, тезда ҳаракат бажарилиши кучли оттенка билан ифодаланади. Қарл.: *қөйдъ-вэрдъ; өттъ-вэрдъ төктъ-вэрдъ*. Қиёсланг: қипч.:

www.ziyouz.com kutubxonasi

қойды-джиберди, атты-джиберди, тѳкти-джиберди: сувды тѳкти-джиберди.

тәйлә (ташла) кўмакчи феъли *-у(в)* аффиксли равишдошга бирикканда, адабий тилдаги маъносидан деярли фарқ қилмайди. Қарл.: *чъқэрув тәйлә, тѳкув тәйлә, йъқув тәйлә.* Қиёсланг: қипч.: *чәчти қырып тәйләттим, бәчәни урыптәшәди, бәйләптәшәди.*

тәйлә кўмакчи феъли *-а, -й* аффиксли равишдошга қўшилганда, ҳаракатнинг бирдан амалга оширилишини англатади. Қипч.: *вол келәсәп бәчәни уратәйләди, воны буватәйләди* (уни бўғиб ташлади). Бундай хусусият ҳозирги адабий тилда учрамайди.

тәйлә ва *йувэр* кўмакчи феъллари алмашиниб қўлланаберади. Қарл.: *тепәтәйләдъ//тепәвэрдъ, бузувтәйләдъ//бузувэрдъ, эқъзъв тәйләдъ//эқъзвэрдъ.*

сэл//сал кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар икки турига бирикканда ҳаракатнинг тез бажарилиш маъноси ифодаланади. Қарл.: *йэғэчләнъ қэпке съндърув с э л л ъ.* Қиёсланг: қипч.: *Вочаққа отынды сындырып с а л д ы.*

сэл кўмакчи феъли шеваларда буйруқ-истак майли маъносини ҳам англатади. Қарл.: *келәсэл, бэрәсэл. элэсэл.* Қиёсланг: қипч.: *келәса, бараса, аласа.*

чъш//-чуш//чүш кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар иккала турига қўшилиб кела олади. Қарл.: *ѳййъ пэхсәсъдән э ш у в ч ъ ш т ъ м, ѳшә қъ:згә ш э ш у в ч ъ ш т ъ.* Қипч.: *джурегим ҳ а п р ы қ ы п ч ү ш т и, ухлап джатқанда бирѳв түртсе ү ч и п ч ү ш е с ә н.*

кѳр кўмакчи феъли ҳам равишдошнинг *-ъ[в], -у[в]// -ы[п]* ва*-ә, -й* аффикслари билан ясалган турига бирикади. Қарл.: *бъ:р мәртә ѳзуңнъ с ъ н э в к ѳ р, бу кутуг йэнъгә б э р ә к ѳ р м ә, чъшлэеэләдъ.* Қипч.: *йетикләрди к и й и п к ѳ р. Үйди бирѳв қақтъғо, ч ы ғ ы п к ѳ р күм кепти?*

Қәрә//-қара кўмакчи феъли равишдошнинг ҳар иккала турига бирикади. Қарл.: *Ѳйләв қәрә//кѳр.* Қипч.: *сен эпқара, сен кепқара.*

Демак, Тожикистон республикасидаги қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида кўмакчи феълларнинг етакчи феълларга бирикиш йўллари ва англатган маънолари адабий тилдагига бир қадар яқин бўлса ҳам, айрим фонетик хусусиятларига кўра фарқ қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛ

Текширилаётган қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда *экан, эди, эмиш* тўлиқсиз феълларининг турли фонетик вариантлари учрайди.

эди тўлиқсиз феъли Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқлар шевасида ундошлардан сўнг *-ъдъ||-дъ||-едъ* тарзида ишлатилади: *бэрэйдъ, келэйдъ, чъқэйдъ, бөлведъ, көрведъ.*

Лақай-қипчоқ шевасида эса *эди* тўлиқсиз феъли *-е-* тарзида талаффуз этилади: *барғуч+е+к* (борар эдик), *кегүч+е+к* (келар эдик), *кеб+е+м* (келиб эдим), *кеб+е+ди* (келиб эди).

Тўлиқсиз феъллар ҳозирги ўзбек адабий тилидагидек текширилаётган шеваларда якка ҳолда тусланмайди. Гарчи у шахс-сон қўшимчаларини олса ҳам, улар англатган шахс маъноси кесим вазифасидаги бутун бир бирикмага оид бўлади. Қарл.: *кәлхэччъләрдъ қ ө т ъ р ъ д ъ* (колхозчилар шийпони эди), *чълләсъдә чъ:рәғ к ө р м ә г ә н д ъ.*

Тўлиқсиз феъллар феъл формаларига қўшилганда, уларни тушириб бўлмайди. Қарл.: *ъ:шлэткэндъ, кетэткэндъ.* Қипч.: *ишләгүчеди, джазғучеди, ҳәйдәгүчеди.* Мазкур феъллар таркибидан *-е (-эди)* тўлиқсиз феълини тушириб талаффуз қилинса, феъллар маъноси ўзгаради. Қиёсланг: *ишләгүчеди — ишләгүч, джазғучеди — джазғуч.*

Ленинобод регионидаги қипчоқ тип шеваларидан Уяс қишлоғи шевасида *эди* тўлиқсиз феъли *-ийди* тарзида ишлатилади: *чачвийдим, түрвийдим, изләвийдим, көрвийдим.*

Ленинобод областидаги Шаҳристон қишлоқ Советига мансуб Қайирма, Қарапчи шеваларида *эди* тўлиқсиз феъли *-удь||-уди* шаклида қўлланади: *этты ч ы ш а в л а в у д ы м, джүвэрини т ү й в ү д и м, өзим б и л в ү д и м, чышэвыны ч е ч в ү д и м.*

экан тўлиқсиз феъли қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида *-экән||-йекән||-кән* формаларида актив қўлланилади. Қарл.: *йәлғузәкәнсән, чушәрәкәммән, әйтәрәкәнсән.* Қипч.: *джесирәкәнмән* (етим эканман), *турар-кәнмән, тураркәнсән, келдийекән, воқидыйекән.*

эмиш тўлиқсиз феъли текширилаётган шеваларда *-мъш||-мыш||-миш* тарзида қўлланади. Қарл.: *көргәммъш, әйткәммъш, қъгәммъш: у қъ:з өзъдән өн йәш*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кэттэгэвэргэммъш. Қипч.: *көргэнмиш, кегэммиш, тувғаммыш: Мураттың бэчэси эрмийэдэн кегэммиш.*

Ленинобод областидаги Топқоқ қишлоғи шевасида *экан* тўлиқсиз феъли *муш* тарзида талаффуз қилинади. Қарл.: *у эроғ ъчгэммуш? йэңъ өтугдъ къйгэммуш, у гуруччъ туйгэммуш.*

СИФАТДОШ

Сифатдошлар феълнинг функционал формаларидан саналиб, унинг вазифа доираси ҳаракат номи формасининг вазифа доирасига нисбатан анча кенгдир. Бу турдаги феъл формаларининг сифатдош деб аталишига сабаб уларнинг сифатлар каби предметнинг белгисини кўрсатишидир[139].

Қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда *-гэн* аффикси орқали ясалган ўтган замон сифатдоши қуйидагича ҳосил қилинади:

1. Қарлуқ группа шевасида жарангсиз ундошлар билан тугаган феъл ўзакларига *-кэн//-қон;* унли товушлар ва *й, з, л, м, р* жарангли ундошлардан сўнг *-гэн; ч, к, п* каби ундошлардан кейин эса *-қэн* формаларида бирикади: *топқэн қъ:шъ, кеткэн бэчэ, қэчқэн бөръ, қөш ҳэйдэгэн, эққэн суй, өрдън тэққэн къ:шъ.*

2. Қипчоқ тип шеваларда *-ган* аффикси феъл ўзакларига *-ған//-ген//-қэн//-кен* шаклларида қўшилади: *джурген бэчэ, сөйлеген адам, қорққэн духтар, вөткен джыл, қызған тэндир, ишлэган джигит* ва бошқалар.

-ған//-ган аффиксининг келиб чиқиши ҳақида туркологик адабиётларда турли фикрлар мавжуд: Н. А. Баскаков туркман тилида *-ған//-гэн* аффиксидаги *-ғ//-г* ундошлари тушади, бу тил учун *-ан//-эн* формаси норма сифатида ишлатилади[140] деб кўрсатади. Қ. Маҳмудов ҳам сифатдош ясовчи *-ған//-гэн* аффиксининг қисқаришидан *-ан//-эн* формаси юзага келган, деган фикрни такрорлайди[141]. Демак, дастлаб *-ған//-гэн* аф-

---

[139] Ҳожиев А. Феъл. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1975, 510-бет.

[140] Баскаков Н. А. Каракалпакский язык (Фонетика и морфология). II. Ч.I, 1952, с. 440; Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М.,—Л., 1949, с .40.

[141] Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент, 1972, 147-бет; Гузычыев Т. Причастия в письменных памятниках туркменского языка XVIII—XIX вв. АКД. Ашхабад, 1971, с. 5—11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикси мавжуд бўлиб, *-ғ* ва *-г* товушларининг тушиши ҳисобига ўғуз лаҳжасига мансуб тилларда *-ан//-ән* шакли ҳосил бўлган.

Тожикистон ССР жанубида жойлашган қарлуқлар нутқида, спорадик равишда, *-эн//-ән* аффикси билан ҳосил қилинувчи сифатдош формаси мавжуд: *бэрән қъ:шъ, келән духтэр, турән бәчә, йэзән бъ: тъг* (ёзган хат) ва бошқалар.

Ленинобод областининг Ашт районидаги Қалам қишлоғида *-ған//-гән* аффикси *-ғын//-гин* шаклида учрайди: *бэрғын* киши, *тувғын әйәл, кегин киши.* Лекин бундай ҳолатда қўлланиши шева вакиллари нутқида маҳсулдор эмас.

-ған//-ган//-гән аффикси қадимги туркий ёзма ёдгорликларда ҳам ишлатилган[142].

Қарлуқ шевасида сифатдош ясовчи аффикслардан бири -[ә]*р* феъл ўзакларига ундошлардан сўнг -[ә]*р*, қипчоқларда -[*а*]*р*//-[*е*]*р*, унлилардан кейин эса *-р* шаклида қўшилади: *қъ:ләр ъ:штъ қъ:л, көрәр көз, тъ:ңләр қулэғ; қылар иш, тыңлар қулақ, көрәр көз* ва бошқалар. Бу феълнинг бўлишсиз шакли қарлуқ группа шеваларида *-мэр//-мәр,* қипчоқ тип шеваларда эса *-мас//-мес* аффикси орқали ясалади: *бэрмэр эдом, келмәр къ:шъ, көрмәр көз, учмәр қуш, бэрмас эдам, кемес киши, көрмес көз* ва бошқалар.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида тил тараққиётининг кейинги босқичларида *ишлайди, келади* ва *ишлайдиган, келадиган* формаларининг юзага келиши, шубҳасиз -[*а*]*р* аффикси ёрдамида ясалувчи форманинг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўйди[143]. Бироқ тадқиқ этилаётган шевада -[ә]*р* аффикси билан ясалувчи форма тарихий ҳолатини сақлаб қолгандир.

Ўзбек адабий тилидаги *-ғуси//-гуси* аффикси қарлуқ шевасида *-асъ,* қипчоқ тип шеваларда *-ғысы//-гиси// -геси* шаклида ишлатилади. Қарл: *бэрәсъ, келәсъ, турәсъ.* Қипч.: *бэрғысы, келгиси//келгеси, турғыси* ва бошқалар.

X—XIII аср ёзма ёдгорликларида ҳам эски ўзбек тилида кенг қўлланилган *-ғучи//-гучи* аффикси лақай

---

142 Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века. Алма-Ата, 1971, с. 268.

143 Ҳожиев А. Феъл. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1975, 514-бет.

шевасида актив ишлатилади: *буйиргүчи бүйүрәди, көргүчи дохтыр келди* каби.

Панжакент районидаги Саразм Мўғулон, Қумсой, Ўрта, Тешиктош қишлоқ шеваларида адабий тилдаги келаси замон сифатдоши ясовчиси *-диган* аффиксининг вазифасини *-ғыч*//*-ғуч*//*-қыч*//*-қуч*//*гич*//*-гүч*//*-кич*//*-күч*[144] аффикслари бажаради: *Чүшкүч эдамнэр хептәбүсти элдыға бэрсыннэр. Джэзғыч эдэмды джэвлы* (ҳамма) *джэмэн кэрәди. Сэйрәғуч қушты ниччә сомға элдыңыз. Бу дэрақ сынғыч келәди* ва бошқалар.

Феълнинг ҳозирги замон кўрсаткичи қарлуқ шеваларининг айримларида *-йэткэн*, қипчоқ шеваларида эса *-джэтқэн*//*джеткен* аффикслари билан ҳозирги замон сифатдоши ҳосил қилади: *бэрәйэткэн, келәйэткэн, йэзәйэткэн, бэраджэтқан, келеджэтқан, джазаджэтқан* каби.

Ленинобод регионидаги Хамиржў, Ниёзбек, Офтобрў, Шўрқўрғон, Патар, Қизилпилол қишлоқлари аҳолиси нутқида келаси замон сифатдоши *-дъгэн*//*-тъкэн* аффикслари билан ясалади: *бөләйтъкэн джей, келәдъгэн йөл* ва бошқалар.

Шунингдек, Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқлар нутқида сифатдош формаси *-туғэн*, лақай шевасида *тыған*//*-тиген*//*-диген*//*-дыған*//*-тын*//*тин* формалари орқали ясалади: *учәтуғэн қуш, йоқэтуғэн өтун, йейтуғэн эвқәт: бугун бэзэрға бэрадыған адам барма? уйиңде джэйты ған авқатың барма? Келетин адам кесе.*

Лаккон, Кўчкак қишлоқлари қарлуқлари нутқида эса сифатдош формаси *+ә+йэткэн*//*+ә+йэткән* аффикслари орқали ясалади: *турәйэткэн қъ:з, эқъйэткэн*//*өқъйэткән бечә, ъшләйэткэн кәлхэччъ.*

Булоқ, Қатағон қишлоқлари қарлуқлари шевасида -[ә]*й+кэн* аффикси ёрдамида сифатдош формаси ясалади: *эләйкән еләг, қэзәйкэн трәтър, эләйкэн кутэв.* Ошоба шевасида эса сифатдош формаси *-дугэн*//*-дургэн* тарзидадир: *турәдугән, йурәдугән мэшунә, ъләйдугэн ъләк, ун ъләйдургэн ъләй.*

---

[144] *-ғыч*//*-ғуч* аффикси ташқи кўринишдан *-ғуч*//*-гуч* аффиксига ўхшайди. Бироқ бу ўринда икки ҳодисани фарқлаш керак: 1) *бэрғучем (борар эдим* — ўтган замон феъли формаси); 2) *джэзғыч* одам, *сәйрәғуч қуш (ёзадиган одам, сайрайдиган қуш* — сифатдош ҳосил қилувчи аффикс).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуниси характерлики, қипчоқ группа шеваларидан Панжакент районидаги қипчоқлар аҳолиси нутқида адабий тилдаги *-диган* сифатдош ясовчиси вазифасини *-ғыр//-қыр//-гир//-кир* аффикслари бажаради: *э л ғ ы р қуш* (нарса оладиган қуш), *ч э п қ ы р ат* (чопадиган от), *сувда д͡ж ү з г и р бәчә* (сувда сузадиган бола), *қ э п қ ы р күтүг* (қопадиган ит) ва бошқалар.

-дъгән аффиксининг ўрнида қарлуқ группа шеваларида, спорадик равишда *-гулъг//-кулъг* формалари ишлатилади: *сән дөстъңңә э р з ъ г у л ъ г ъ:ш қълдъң? мән съзгә х ә п ә г у л ъ г ъ:ш қълмәдум.* Қиёсланг: қадимги ёдгорликларда *-ғулуғ, -кўлўг, -гүлүк: көңўл ичинтә эт кирди, қадғу бар б о ш у н ғ у л у ғ*[145]. Шунингдек, қарлуқ тип шеваларда сифатдошнинг инкор формаси *бэрэткэнъ йэғ, йэзэткюн йоғ//ъшләмэткюммъш, келэткэммъш* шаклида ифодаланади. Гумон маъносини ифодаловчи *-дир* аффикси билан ҳам қўлланади: *көрэткэнду, бэрэткэнду* (бораётгандир).

Тожикистоннинг жанубидаги қарлуқлар нутқида яна бир сифатдош формаси -[ә]*й* аффиксли равишдош формасига *-дъгән* ҳамда шу аффикснинг тарихий шакли *-турғэн* кўшимчасини қўшиш билан ясалади. Шуни айтиш ўринлики, шева вакиллари нутқида *-турғэн* аффикси билан ясалиш хусусияти активдир: *Қъ:ззъ уэҳге б е р ә й т у р ғ э н бөллъй. Йерръ ер қ ъ:л ә йт у р ғ э н хэтун.*

А. Ғуломов кўрсатганидек *-турғэн* аффикси аслида *тур* феълига *-ган* аффиксини қўшиш билан ясалган. *тургон > туғон>тиғон>диғон>тигон > дигон > диган* шаклида бўлганлигини у қайд этган[146].

Демак, тадқиқ этилаётган шевада *-диган* аффиксининг тарихий варианти *-турғэн (-диган)* аффиксининг ишлатилиши билан характерлидир. Бундай хусусият Қорахитой, Турк, Ақча шеваларида ҳам учрайди: *берәтурған, йер ҳайдайтурған*[147].

Ленинобод регионидаги Ғўлакандоз, Деҳмой, Исписор, Янгиқишлоқ қарлуқ шевасида эса келаси замон давом феъли *-дъгэн//-эткэн* аффикслари орқали ҳосил қилинади: *у б э р ә д ъ г э н бөлдъ, мэшунэнъ ҳ ә й д э т к э н бөлдъ, көзъм к ө р э т к э н бөлдъ.* Аслида

---

145 Ф о з и л о в Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент, 1965, 90—991-бетлар; Р у с т а м о в А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои. АДД. Ташкент, 1966, с. 33.

146 Ғ у л о м о в А. Феъл. Тошкент, 1954, 35-бет.

147 Тошкент области шевалари. Тошкент, 1976, 72-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-эткэн<*[й]эткэн*<*йэтган* шаклида юз берган. Қиёсланг: Шаҳрисабз: *кийэткэн, ишлэткэн*[148].

Ленинобод областининг Офтобрў, Қизилпилол, Ниёзбек, Хамиржў, Шўрқўрғон, Нижони, Сороби қишлоқлари шевасида ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси феъл ўзакларига ёки *-[ə]й* аффиксли равишдош формасига *-дъгэн//-тъкэн* аффиксини қўшиш орқали ясалади: *қ у р ə д ъ г э н қурсън, ө қ ъ й т ъ к э н бəчə йэшлъйтəн бъ:лънəдъ.*

Бу жиҳатдан текширилаётган шева Қарши, Бешкент, Тошкент, Қўқон шеваларига яқин туради. Шу областнинг Кўчкак, Лаккон қишлоқлари шевасида мазкур феъл формаси қуйидагича ҳосил бўлади: *ъ:ш л э й э т к эн эдəмгə мушэйт қъмə, бъ:рэнтə кетəйэткэн къ:шъвълəн йөллəш бөгун.*

Ленинобод областининг Булоқ, Қатаған қишлоқлари қарлуқлари нутқида ҳозирги-келаси замон сифатдоши феъл ўзагига ёки *-(ə)й* аффиксли равишдошга *-гэн* формасини қўшиш йўли билан ясалади, *-əйкэн* формаси аслида *йэтган*>*й[эт]кэн*>*йкэн* тарзида вужудга келган: *ъ ч ə й к э н чэййъ йэхлəтув қөймə, к ъ й ə й к э н көйнəгдъ ълъвқөйгън, суй т ө к ə й к э н қъззъ чəқъ руэр.*

Ленинобод областининг Иторчи қишлоғи шеваси вакиллари нутқида ҳозирги-келаси замон сифатдоши *-[ə]й* аффиксли равишдошга *-тургэн* қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил бўлади: *к е л ə й т у р г э н хэтунлəр, б э р ə й т у р г э н къ:шълəргə қөшулув кет.*

Ошоба шевасида эса мазкур феъл формаси қуйидагичадир: *рөйхəттəн ө ч у р ə д у г ə н бөлдък, ъ:ш л ə й д у г ə н эдəмгə тегмə, ъ:шлэсун, ун э л ə д у г ə н къ:шъ ертəвълəн келəдъ-дə.*

Бу феъл шакли тадқиқ этилаётган шевада *өчурəдугəммəн+əкəн* тарзида актив ишлатилади: *бэрəдугəммəнəкəн.*

Панжакент райони қарлуқлари нутқида ҳозирги-келаси замон сифатдоши феъл ўзакларига *-гич//-қич//-кич*+шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Бу ўринда *-гъч* аффикси *-диган* аффикси вазифасида ишлатилади. Бу хусусият ёндош қипчоқ шеваларининг таъсири билан изоҳланади. Бунда кесим вазифасида келади:

---

[148] Д ж у р а е в Б. Шахрисябзский говор узбекского языка (фонетико-морфологический очерк). Ташкент, 1964, с. 168.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I ш. *бългъчмән* (билағонман), *әйтқъчмән*
II ш. *бългъчсән, әйтқъчсән*
III ш. *бългъч, әйтқъч*

бългъчмъс, әйтқъчмъс
бългъчсъс, әйтқъчсъс
бългъч, әйтқъч

РАВИШДОШ

Адабий тилдаги равишдош ясовчи *-б, -иб* аффикслари қарлуқ группа шеваларида *-ып//-уп//-ув//-ъв//-в*, қипчоқ тип диалектларда эса *-п//-ип//-ып* формаларида қўлланади: *еркәгъ өгә т у р у в, бъ:зәгдәй қ ъ:л у в нән ейәйкән, мән бэзэргә б о р ъ в келлъм.*

Равишдош ўтган замон феълининг *-ди* аффиксини қабул қилса, у ҳолда равишдош ясовчи аффикс *-уп* феъл ўзагига қўшилади: *бөлуптө, өлтуруптъ, ъйрәгъ ө г р у п т ъ, узум қ у л л а п т ъ, базар б а р ы п бахтыңды көр, үйге к е л и п тахтыңды көр.*

Адабий тилдаги *-гани* аффикси қарлуқ шевасида *-гәнъ//-қэнъ//-ғэнъ//-кәнъ* шаклларида ишлатилади: *ълқъләнъ б э қ қ э н ъ өзоҳ-өзэҳләргә кетәйдъг, қэғун е к к ә н ъ кеттук.* Қипчоқ тип шеваларда мақсад равишдоши юмшоқ ўзакли сўзларга *-гели//-кели*, қаттиқ ўзакли сўзларга эса *-қалы//-ғалы* шаклларида қўшилади[149]: *мен кәсәл үкемди к ө р г е л и бәлнийсәгә келбем, зэмэрық д̑ ж и й н а ғ а л ы т·э в ғ э бэрдым, қэзықты қ э қ қ а л ы чығдым.*

-ә, -й равишдош ясовчи аффикслари етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлаганда икки унлидан бириси туширилади: *бэрә:мэдум, келә:мэдум, ъчә:мэдум, йэзә:мэдум* каби.

Ленинобод областининг Шўрқўрғон қишлоғи шевасида *-ә* равишдоши *-ъ* тарзида талаффуз қилинади *(ә>ъ): элъйәппән, йэзъйәппән, кетъйәппән, ъшътъйәппән* ва бошқалар. Шунингдек, адабий тилдаги *қўя беринг, бора беринг, кета беринг* типидаги қўшма феъллар шевада *кетувуруң, бэрувуруң, қөйвуруң, өлтурувуруң* тарзида ишлатилиб, етакчи феълда *ә>у* фонетик ўзгариши юз беради.

-гунча аффикси турли фонетик ўзгаришлар билан тад-

---

149 *-ғалы // -гәли* аффикси ёрдамида ясалувчи мақсад равишдоши қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида ҳам мавжуд. *Қаранг:* Н а с и л о в Д. М. Ўрхун-Енисей ёдгорликларида равишдош категорияси. ЎТАМ, 1961, 1-сон, 53-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиқ этилаётган шевада кенг ишлатилади: *-гунчә//-къңчә: болтъ чушкънчә, кундә дәм эләдъ, мән суй эгунчә, сән қарэв турмә.* Қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида *-ә//-е, -э, -й* равишдош ҳосил қилувчи аффикслари феъл ўзакларининг унли ва ундош билан тугалланишига қараб қуйидагича қўшилади:

а) унли товушлар билан тугаган феъл ўзакларига *-ә//-е, -ә, -й* формаларини қўшиш орқали ҳозирги замон равишдоши ясалади: *өқъй-өқъй элъм бөллъ, ъшләй-ъшләй чэччәдъм, ишләй-ишләй йеттъм мурэтқа, воқый-воқый эдам болдым;*

б) ундош билан тугаган феъл ўзакларига *-ә//-е, -й* аффиксини қўшиш билан ҳам ҳозирги замон равишдоши ҳосил бўлади: *уйэтә-йэтә эхуръ вэпэт еттъ, қөрқә-қөрқә//қө:қә-қөқә рәис әллъгә әрәң къ:рдъм, джэтә-джэтә йезилип кеттъм.*

Шевада бундай равишдошларнинг такрор ҳолда ишлатилиши туфайли маъно кучайтирилади.

-ғач//-қач//-геч//-кеч аффикслари ҳам равишдош ясайди: *сен кеткеч быз тойға барамыз, у қағач мен үйден кетемән, быз кегеч апам кетты.*

Қипчоқ группа диалектларида *-ғунча//-қунча//-кунча* аффикслари *-ғынча//-қынча//-гынче//-кинче* фонетик вариантлари билан ишлатилади: *сен бувдай эғыча мен тураман. Мен чыққынча кутип түр. Вол кегинче вотырайық.* Бўлишсиз шакли: *бармағынча, кемегинче, йемегинче, әйтмағынча, сорамағынча.*

ҲАРАКАТ НОМИ

Феълнинг ҳаракат номи формаси қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда ўзбек адабий тили ва бошқа ўзбек шеваларидагидек феъл ўзакларига *-(ы)ш, -(и)ш//-[ы]ш; -(у)в//-[ү]в ;-мә:к//-мэғ//-мэқ//-мақ* аффиксларини бириктириш билан ясалади. Қарл.: *кемэғ, ъ:чмэғ, бъ:тмэғ, тутмэғ.* Ленинобод областидаги Ошоба шевасида: *келмә:к, әйтмә:к, тутмә:к, ъчмә:к.* Қипч.: *келув, әйтув, джазыш, қазыш, ичиш//ичув* ва бошқалар.

Тадқиқ этилаётган қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларида ҳаракат номи ҳосил қилувчи *-ъ(ш)*, қипчоқ шевасида *-у(в)* аффикси феъл ўзакларига қўшилиб ҳаракат ёки ҳолат англатувчи феъл формасини ясайди. Қарл.: **сәнә** — *сәнә+ш,* **ур** — *ур+уш,* **йэз** — *йэз+ъш,* **тък** — *тък+ъш.* Қипч.: **сана** — *сана+в,* **ур** — *ур+ув,* **джаз** — *джазув,* **тик** — *тик+үв.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ш (*ъш*) аффикси феъл формасида қўшилиб кела олади. Қарл.: *йэтсъра+ш, бегэнəсърə+ш, ъ:шэнтър+ +ъш, қувэн+ъш, йуйън+ъш, сеп+ъш, оқъ+ш*. Кипч.: *джэтсыра+в, ынантыр+ув, қуван+ув, джувун+ув, сеп+ув, оқу+в*.

Қўшма феълларнинг охирги компонентига бирикиб кела олади. Қарл.: *дəм эл+ъш, джувэп бер+ъш, қөйувэр+ъш, əйтвэр+ъш, кетвэр+ъш, гəпървэр+ъш*. Кипч.: *дəм ал+ув, джуван бер+ув, қойвар+ув, айтвар+ув, кетвəр+ув* ва бошқалар. Сифат-ҳаракат номи: қарл.: *йэхшъ гəпър+ъш, чөх өйлə+ш* (чуқур ўйлаш), *узэҳ өлтур+ъш, йэқъ:н кел+ъш*. Кипч.: *джахшы гəпир+ув, чуқур ойла+в, алыс вотыр+ув, джақын кел+ув, джахшы бол+ув*.

Равиш+ҳаракат номи: *əстə қъмърлə+ш, көп йей+ъш, пъчə сэл+ъш, къ:тə кел+ъш* (тез келиш). Кипч.: *əсте қымырла+в, көп джей+ув, азғана сал+ +ув, лөпəс кел+ув* (тез келиш).

Сон+ҳаракат номи: қарл.: *ъ:къ ъ:ч+ъш, уч қөй+ +уш, тйөрт бер+ъш, йуз қъ:л+ъш*. Кипч.: *йеки ич+ув, уш қой+ув, төрт бер+ув, джуз қыл+ув*.

Ундов ва тақлидий сўз+ҳаракат номи: қарл.: *уф тэрт+ъш, эҳ дей+ъш, эҳ ур+ъш, дэд дей+ъш*. Кипч.: *пуф тарт+ув, йеҳ дей+ув, ах ур+ув, вай дий+ув* ва бошқалар.

Ҳаракат номи+ҳаракат номи: қарл.: *бэр+ъш-кел+ +ъш, йэз+ъш-қөй+ъш, əйт+ъш-йэт+ъш, йур+ъш-тур+ъш*. Кипч.: *бар+ув-кел+ув, джаз+ув-қой+ув, əйт+ув-джот+ув, джир+ув-тур+ув*.

Биринчи компоненти жўналиш ва чиқиш келишигидаги от+ҳаракат номи шаклида ҳам ҳар икки шевада ишлатилади: қарл.: *қөлгə эл+ъш, көзгə сэл+ъш, ъшкə эл+ъш, қөлдəн чуш+ъш, көздан қэл+ъш, ъ:штəн бөшə+ш*.

Кипч.: *қолға ал+ув, көзге сал+ув, ишкə ал+ув, қолдан чуш+ув, көздан қал+ув, иштен боша+в* ва бошқалар.

Ҳаракат номи+адабий тилдаги феълнинг бўлишсиз *-маслик* аффикси. Қарлуқ тип шеваларда *-мəслъй*, қипчоқ тип шеваларда эса *-мав//-мəв* формаси ишлатилади. Қарл.: *қелъш-кемəслъй, тузъш-тузмəслъй, йэзъш-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

йэзмэслъй, қөйъш-қөймэслъй. Қипч.: *келув-кемэв, тузув-тузмэв, джазув-джазмав, қойув-қоймав*.

Ҳаракат номи ҳосил қилувчи қарлуқларда *-ъ(ш)*, қипчоқ шеваларида *-у(в)* аффикси+*мумкън* модал сўзи. Қарл.: *эйтъш мумкън, келъш мумкън, қълъш мумкън*. Қипч.: *эйтув мумкин, келув мумкин, қылув мумкин*.

Ҳаракат номи+эгалик аффикси+*керэй, керек* модал сўзи орқали ҳам ифодаланади. Қарл.: *ешъккэ чъқъшъ керэй /керэг, у өгэ қочув өоръшъ керэй /-керэг*. Қипч.: *йешшикке чықувы керэк, вол /вул уйге қачип барувы керек, вол / вул йечкини тутувы керэк;*

Ҳаракат номини ҳосил қилувчи *-ъ (ш)* аффикси+*билан* кўмакчиси орқали ҳам ифодаланади. Қарл.: *бу кэсэлдъ овқэт й е г ъ з ъ ш в ъ л э н//бълэ йэхшъ қълсэ бөлэдъ, ъ:нэглэдъ боқъш вълэн бълэ семъртъръвуз, йеший э ч ъ л ъ ш ъ в ъ л э н б ъ л э сэпэр къ:рув келлъ*. Қипч.: *бул кэселди авқат й е г и з у в м н э н джаксы қыса болады, сийирлэрди б о қ у в м н э н семиртирэмиз, йешик а ч ы л у в ы м н э н сапар кирип келди*.

Ҳаракат номи ясовчи *-ъ(ш)* аффикси+*чун (учун)* кўмакчиси билан ҳам қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда ишлатилади. Қарл.: *тэрэйдъ й ъ қ ъ ш ч у н көп къ:ший керэй, чэччъ э л ъ ш ч у н пэкъ йэғ*. Қипч.: *теректи д ж ы ғ у в ч у н көп адам керэк, чэччи а л у в ы ч у н пэки джоқ* ва бошқалар.

Қипчоқ тип шеваларда *-ки//-ги//-ғы*+III шахс *-си//-сы* қўшимчалари ҳаракат номини ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Бунда субъектнинг иш-ҳаракат ёки ҳолатни бажаришга хоҳиши, истаги йўқлиги маъноси англашилади. Қипч.: *д ж е г и с и джоқ бэчэгэ авқат джедирип мне қыласан, т у р ғ ы с ы джоқ адамды иштэн ушап тирмэ* ва бошқалар.

Қипчоқ тип шеваларда *-у, -у(в)+чи//-чы* аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи ҳам учрайди. Қипч.: *алдавчы, чэгувчи* (чекувчи), *төлэвчи* (тўловчи), *джирувчи* (юрувчи), *тикувчи* (экувчи), *өөрувчы* (ўрувчи) ва бошқалар.

Қипчоқ шеваларида *-у, -у(в)+ли//-лы* аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи ҳам мавжуд. Қипч.: *д ж а п у в л ы, кэнэл қ а з у в л ы, сув э п к е л у в л и бөлды-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ға, волар тәййәр *қ у р у в л ы* *үйге вөттиләр* (улар тайёр уйга ўтдилар).

-[ъ]*ш* аффикси билан ясалган ҳаракат номи формаси *-лъг//-лъй* аффиксини қабул қилади: *әйтъшлъй, къйъшлъй//къйъшлъг, ейъшлъг//ейъшлъй.*

Қипчоқ тип шеваларида: *қорқув басды, барув вахты болды, ҳәзир кузекки тъкувгә* (экишга) *тәййәрлик көремис.*

-ш, -[*и*]*ш: б а р ы ш-к е л и ш арамизда джоқ.* Қарлуқ тип шеваларда *-ш, -*[ъ]*ш, -мәғ//-мә:к,* қипчоқ шеваларида эса *-у, -*[*у*]*в* аффикси ёрдамида ясалувчи ҳаракат номининг формаси актив ишлатилади.

Бироқ *-мәқ, -в, -ув, -ш, -*[*и*]*ш* аффикслари ўзбек тилининг қайси лаҳжа, шеваларидан олингани ҳақида диалектологларимиз турли хил фикр-мулоҳазалар баён қилганлар. Ҳ. Дониёров *-моқ* аффикси қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидан, *-ш, -иш, -в, -ув* аффикслари эса қипчоқ шеваларидан олинган деса, Н. Ражабов *-в, -ув* қипчоқ, *-ш, -иш* қарлуқ, *-моқ* эса ўғуз лаҳжасига хос, деб ҳисоблайди. Ё. Ғуломов *-моқ* аффиксининг қарлуқ лаҳжасига оид, Тошкент шевасида жуда кам қўлланишини ва кўп ҳолларда уни *-ш, -иш, -в, -ув* аффикслари билан алмаштириб бўлмаслигини қайд этади[150].

Хуллас, тадқиқ этилаётган шевалар материали *-ш, -*[ъ]*ш* аффиксининг қарлуқ тип шеваларда актив қўлланишини кўрсатса, қипчоқ тип шеваларда эса -[*у*]*в*, (*и, ы*)*ш* аффиксларининг ҳаракат номи формасини ҳосил қилишда маҳсулдорлигидан далолат беради.

---

[150] Д о н и ё р о в Ҳ. Ўзбек адабий тилини ривожлантиришда қипчоқ шеваларининг роли. ЎТА, 9-сон, 1964; Р а ж а б о в Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари, 155—156-бетлар; Г у л я- м о в Я. Г. Грамматика Ташкентского говора. Ташкент, 1968, с. 138—139; М а т ғ о з и е в А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси, 148—149-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУЛОСА

1. Тожикистондаги қарлуқ ва қипчоқ тип шеваларда феъл туркуми ўзбек адабий тилидан ва Ўзбекистондаги қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаларига оид бошқа шевалардан фарқ қиладиган ўзига хос баъзи бир хусусиятларга эга.

2. Ленинобод областининг Шўрқўрғон, Офтобрў, Ғўлакандоз ва Қўрғонча қишлоқлари шеваларида ўтган замон феълининг *мен, сен, у бэргэн; бъз, съз, улэ бэргэн* каби ҳолати мавжудки, бу қадимги туркий тилдан қолган хусусиятдир.

3. Ўратепа районидаги Топқоқ қишлоғи шевасида ўтган замон феъли учала шахсда *ме бэргэммэ, се бэргэммэ, у бэргэн* тарзида ишлатилади. Бу ўринда, этимологик жиҳатдан *мен, сен* олмошларининг қадимий формаси мазкур шевада *ме, се* тарзида сақланиб қолган.

4. Қарлуқ группа шеваларда феълнинг ҳозирги замон формаси *-вэт//-эт//-эп//-йэ//-йэп//-йэтъп* аффикслари, қипчоқ тип шеваларда эса *джэтыр//-йатыр//-йетир//-тыр//-тир//-йатыры//йэтири//-йеп* аффикслари билан ясалади.

5. *-ғуч//-қуч//-гуч//-куч* аффикслари қипчоқ группа шеваларида келаси замон сифатдош формасини ясайди: *барғучман* (борарман), *кегучмэн* (келарман), *ағучман* (оларман).

6. Қарлуқ группа шеваларида II шахс буйруқ феъли ўзак-негизга *-ғънъң//-гунъң*, қипчоқ группа шеваларида эса *-ғының//-гинин* қўшимчасини қўшиш орқали ясалади: *бэгунъң, тургунъң, кеткънъң*; кипч.: *қойғының, кегиниң, ағының, сағының* каби.

7. Қарлуқ группа шеваларида ўтган замон феълининг бўлишсиз шакли *эмордъм* (олмасдим), *эмэрдъң* (олмасдинг), *эмэрдъ* (олмасди) тарзидадир.

8. *-ғуче//-қуче//гуче//-куче* аффикслари қипчоқ группа шеваларида ўтган замон формасини ҳосил қилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

барғучем (борар эдим), *кегүчем* (келар эдим), *қаққучем* (қоқар эдим).

9. Қарлуқ группа шеваларида буйруқ майлининг I шахс кўплиги учун *-нуг*||*-нък*||*-лгк*||*-луг*||*-нъй*||*-эйък*||*-ейък*, қипчоқ шеваларида эса *-ғойайық*||*-эйық*||*-айық*||*-йық*||*-ейик* аффикслари ишлатилади.

10. Қарлуқ шевасида буйруқ майлининг III шахс бирлиги учун *-дәг*||*-ләг*||*-тәг* аффиксларининг қўлланиши характерлидир: *йейълләг* (ёйилсин), *келләг* (келсин), *бъ:шърдәг* (пиширсин), *йәздәг* (ёзсин).

11. Ўғуз тилларига хос сифатдош ясовчи *-ән* аффикси қарлуқ тип шеваларда ҳам учрайди: *бәрән* (борган), *келән* (келган).

12. Панжакент район Саразм, Муғулон, Қумсой қишлоқлари шевасида адабий тилдаги *-диган* аффикси ўрнида *-ғыч*||*-ғуч*||*-қыч*||*-қуч*||*-гүч*||*-гич*||*-кич*||*-куч* формалари ишлатилади: *кегич* (келадиган), *бәрғуч* (борадиган).

13. Қарлуқ группа шеваларида келаси замон сифатдоши *-дъгән*||*-тъкән*||*-туғән*||*-оугән*||*-туғән*, қипчоқ тип шеваларда эса *-тығән*||*-тигән*||*-тиген*||*-диген*||*-дигән*||*-дыген*| *тын*||*-тин* шаклларидадир.

14. Қарлуқ тип шеваларда *-гулъг*|| *кулъг* аффикси адабий тилдаги*-диган* ўрнида қўлланади: *әрзъгулъг ъ:ш қълдъң, мукопәтләсә.*

15. Қипчоқ группа шеваларида *-қалы*||*-ғалы*||*-гели*||*-кели* аффикси мақсад равишдошини ҳосил қилади: *бәрғалы, көргәли, көргели, әғалы, воқығалы.*

16. Ашт районидаги қипчоқ шевасида буйруқ майлининг II шахси *бәрғунәй, джәзғунәй* (бора қолсин, ёза қолсин) тарзида ишлатилади.

17. Тожикистон ССРдаги қарлуқлар Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент области қарлуқлари билан қадимда бир территорияда яшаганлар, кейинчалик ҳаётий эҳтиёж, ички ва ташқи факторлар натижасида миграцион силжишлар рўй берган. Натижада қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларида феъл формаларининг турлича ва ранг-баранг ишлатилишига олиб келган. Шунингдек, мазкур шевалардаги лингвистик ўхшашлик ва яқинликлар туркий тиллар оиласига мансублиги билангина эмас, балки шу тилларда сўзлашувчи халқларнинг асрлар давомида ижтимоий-сиёсий муносабатлари, тарихий-этник алоқалари каби экстралингвистик факторлар билан изоҳланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Транскрипция ва диакритик белгилар 4
Шартли қисқартмалар 5
Кириш 7
Феъл 11
Феълнинг грамматик категориялари. Замон категорияси 12
Ўтган замон формалари 12
Ҳозирги замон формалари 43
Ҳозирги-келаси замон формаси 56
Майл категорияси 64
Феъл ясалиши 75
Даража категорияси 80
Кўмакчи феъллар 83
Тўлиқсиз феъл 87
Сифатдош 88
Равишдош 93
Ҳаракат номи 94
Хулоса 98

Толы Юлдашев

МОРФОЛОГИЯ УЗБЕКСКИХ ГОВОРОВ ТАДЖИКИСТАНА (глагол)

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институти илмий советлари томонидан нашрга тавсия этилган

Муҳаррир *Х. Зарипова*
Техмуҳаррир *Л. Тюрина*
Корректор *С. Зокирова*

ИБ № 3708

Теришга берилди 24.02.86. Босишга рухсат этилди 26.03.86. Р02730. Формати 84×108 1/32. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 4,87. Ҳисоб-нашриёт л. 5,1. Тиражи 1000. Заказ 43. Баҳоси 75 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70. ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

www.ziyouz.com kutubxonasi